

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

Қўлёзма ҳукукида
УДК. 902.6+9.72 (584.4).

СИДДИҚОВ ЛАТИФ БАХТИЁРОВИЧ

**ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ ҚАДИМГИ ТАРИХИ ВА МОДДИЙ
МАДАНИЯТИНИ ЎРГАНИШДА АРХЕОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ
(МИЛ. АВВ. III - МИЛ. IV АСРЛАР)**

5A220801 – “Археология” ихтисослиги бўйича

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

ИЛМИЙ РАҲБАР:

тарих фанлари номзоди,
доцент Ф.Б. Очилдиев

Тошкент-2014

**Шимолий Бақтриянинг қадимги тарихи ва моддий маданиятини
ўрганишда археологик тадқиқотларнинг ўрни
(мил. авв. III - мил. IV асрлар)**

МУНДАРИЖА

Кириш

I-боб. Шимолий Бақтриянинг тарихий-географик тавсифи

1.1. Тарихий-географик тавсиф

1.2. Ёзма манбаларда Шимолий Бақтрия тарихининг ёритилиши

**II-боб. Шимолий Бақтриянинг қадимги тарихи ва маданиятини
ўрганишда археологик тадқиқотларнинг ўрни**

2.1. Шимолий Бақтрияда олиб борилган археологик тадқиқот ишларининг
натижалари

2.2. Бақтрия археологик комплекс экспедициясининг тарихий ва маданий
жараёнларни ўрганишдаги ўрни

2.3. Мустақиллик йилларида олиб борилган археологик тадқиқотлар

III-боб. Шимолий Бақтриянинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари

3.1. Товар-пул муносабатлари

3.2. Меъморчилик ва диний эътиқодлар

3.3. Маданий алоқалар, ички ва ташқи савдо йўллари.

ХУЛОСА

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

ИЛОВА

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик шарофати билан ўзбек халқининг асрий орзуси ушлиб, урф одатлари, кадриятлари ўз ўрнига қайтди. Мамлакатда ижтимоий тараққиётни юксак даражага кўтаришнинг асосий омилларидан бири фан ва маданиятни ревожлантириш, Ватан тарихини ҳолисона ўрганишва тадқиқ этишдан иборат қилиб белгиланди. Истиқилоли йилларида халқимизнинг ўз ўтмишига бўлган қизиқиши ниҳоятда кучайди. Ўзлигимизни билиш, тарихимизни ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мустақилликга эришганимиздан сўнг Ўзбекистоннинг қадимги тарихи ва маданияти, ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи, илк шаҳарсозлик маданиятини ўрганишга катта эътибор берилаётганлиги аҳамиятга моликдир. Тарихчилар олдиға ўлкамизнинг қадимги тарихини ҳолисона ва ҳаққоний ёритиш, унга ҳолислик нуқтаи назаридан ёндашиш ҳамда баҳо бериш вазифалари қўйилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Мустақиллик йиллари ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни ҳолисона билиб олиш давридир. Бу жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги вазифамизни англаб олиш давридир».

Халқимиз тарихини ўрганиш ва уни тарғиб этишда нафақат Ўрта Осиё, балки, бутун Шарқ тарихида, Шимолий Бақтриянинг тарихи муҳим ўрин тутди. И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожаат қилмайлик, минг-минг йиллар қаридаги илк ҳаёт нишонларини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз муқаррар»¹.

Шимолий Бақтрия ҳудудлари Македониялик Искандар босқинига қарши озодлик курашида ҳамда Юнон-Бақтрия давлатининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлиб, кейинчалик бу ҳудуд Кушон давлатининг ташкил топишида дастлабки ўзак вазифасини ўтаган. Шу боисдан Шимолий Бақтриянинг қадимги тарихи ва маданиятининг атрофлича ўрганилиши ўзбек

¹ Каримов И.А. Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар. // Халқ сўзи. -2002. -3 апр.

халқи давлатчилиги тарихини мукаммал ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг қадимги тарихидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларни акс эттирувчи ёзма манбалар ва археология маълумотларини янги асосларда таҳлил этиб умумлаштириш ниҳоятда муҳимдир. Шимолий Бактрия ҳудудларидан антик даврга оид кўп сонли археологик маълумотлар тўпланган. Шунингдек, XX асрдаги археологик тадқиқотларнинг натижалари, юнон-бактрия ва юечжи-кушонлар даври ёдгорликларининг ўрганилиши даражаси, топилган моддий манбалар таснифи айрим монография ва мақолаларда, илмий ишларда ўз аксини топган. Тўпланган маълумотларни тадқиқ этиш бугунги кунда муҳим ҳисобланади.

Мил.авв. III - мил. IV асрларга оид Шимолий Бактриянинг тарихий ва сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда тараққиёт қонуниятларини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кунга қадар тўпланган маълумотларни, чоп этилган турли илмий ишларни дастлаб ҳар томонлама ва чуқур таҳлил этиб, киёсий солиштириб ҳамда умумлаштириб концептуал-услубий ёндошуви асосида ёритишни талаб этади. Ушбу масалаларни таҳлил қилишн танланган мавзунинг долзарблигини бегилайди.

Мавзунинг ўрганилиши даражаси. Шимолий Бактриянинг археологик ёдгорликларини ўрганиш 1894 йилда Термиз шаҳри атрофларида ҳарбий қалъа қурилиши муносабати билан бошланади. Ушбу тадқиқотлар айрим кўҳна шаҳар ва манзилгоҳларни қисқача таърифлаш, меъморчилик ва эпиграфик ёдгорликларни тадқиқ этиш ҳамда атроф очик ҳолдаги ва турли тарихий даврларга оид топилмаларни тўплашдан иборат бўлган. Термизга келган ҳарбий муҳандис Б.Н.Кастальский Термиз ва унинг атрофларидан юнон-бактрия ва кушон даврига оид тангаларни тўплайди. Шунингдек, у Сурхон ва Шеробод воҳаларида қадимги ва ўрта асрларга оид суғориш тартиби бўйича қизиқарли кузатув ишлари олиб боради².

Ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб Сурхондарё воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври ёдгорликларини тадқиқ этишга жиддий киришилди.

² Кастальский Б.Н. Историко-географический обзор Сурханской и Ширабадский долин // Вестник ирригации. -Т., 1930. -№1-2.

1925 йилда қадимги ёдгорликлар ва санъатни сақлаш бўйича Ўрта Осиё кўмитаси (Средазкомстарис) И.И.Умняков бошчилигидаги биринчи илмий экспедицияни Кўхна Термизни ўрганишга сафарбар этди³. 1926-28 йилларда Шарқ маданияти музейи экспедицияси ходимлари проф. Б.П.Денике бошчилигида Кўхна Термиз ва унинг атрофларида археологик қазишма ишлари олиб бордилар⁴.

1950 йилларда археолог Л.И.Альбаум бошчилигидаги илмий экспедиция Шимолий Бактрияда қатор антик давр ёдгорликларида тадқиқот ишлари олиб борди. Уларнинг айримлари қисман, айримлари эса тўлиқ ўрганилиб, моддий маданият тарихи бўйича фанга янги маълумотлар тадбиқ этилди⁵.

1959 йилдан бошлаб Шимолий Бактрияда яни Сурхон воҳасининг қадимги тарихини ўрганишга Ҳамза номидаги Ўзбекистон санъатшунослик институтининг экспедицияси ҳам киришди. 1959-63 йилларда ушбу экспедициянинг тадқиқот маркази Холчаён кўхна шаҳри бўлиб, ёдгорликда кушонлар даврига оид сарой қолдиқлари ва санъат обидалари ўрганилди⁶. Шунингдек, Далварзинтепа харобаларида ҳам дастлабки тадқиқотлар олиб борилди⁷. 1963-67 йилларда тадқиқотчилар Айритом, Хотинработ ҳамда Шўртепада тадқиқот ишлари олиб борилди⁸. 1968 йилда ушбу экспедиция қошида Э.В.Ртвеладзе бошчилигида Сурхондарё вилояти археологик ёдгорликларини аниқлаш ва уларда тадқиқот ишлари олиб бориш бўйича махсус гуруҳ ташкил этилди. Ушбу гуруҳнинг саъй-ҳаракатлари туфайли турли даврларга оид 300 дан зиёд ёдгорликлар аниқланди ва уларнинг кўпларида тадқиқот ишлари олиб борилди⁹.

³ Умняков И.И. Архитектурные памятники Средней Азии. Исследования, ремонт, реставрация, 1920-1928.I, 1929.

⁴ Денике Б.П. Экспедиция Музея восточных культур в Среднюю Азию в 1927 г. // Культура Востока. -М. 1928.-Т. 2.

⁵ Альбаум Л.И. Некоторые данные по изучению Ангорской группы археологических памятников (1948-1949 гг.) // Тр. ИИА АН УзССР. -Т., 1955. -Вып. 7. -С. 115-139

⁶ Пугаченкова Г.А. Халчаян. К проблеме художественной культуры Северной Бактрии. -Т., 1966; ўша муаллиф. Скульптура Халчаяна. -М., 1971.

⁷ Тургунов Б.А. Приемы фортификации античного Чаганиана // СА. -1968. -№1.

⁸ Пугаченкова Г.А. В поисках полузабытой цивилизации // Из истории античной культуры Узбекистана. -Т., 1973. -С. 3-101; Тургунов Б.А. К изучению Айртама // Курсатилган асар. -Б. 52-78.

⁹ Ртвеладзе Э.В. Разведочные изучения бактрийских памятников на юге Узбекисатана // Древняя Бактрия. Предварительные сообщения об археологических работах на юге Узбекистана. -Л., 1974. -С. 64-76; ўша

1961 йилда Б.Я.Ставиский бошчилигида бошланган Кўхна Термиздаги Қоратепа Будда ибодатхонасида олиб борилган тадқиқот ишлари узоқ йиллар давом этди¹⁰. Ушбу тадқиқотлар натижасида Шимолий Бактрия антик давр диний анъаналари билан боғлиқ бўлган қимматли маълумотлар олинди, қадимги ёзув намуналари, ҳайкаллар, рангли деворий суратлар шулар жумласидандир. 1968 йилдан бошлаб Л.И.Альбаум Кўхна Термиздаги яна бир Будда ибодатхонасида 70-йилларнинг ўрталарига қадар тадқиқот ишлари олиб борди¹¹.

1972 йилда Бактрия археологик комплекс экспедицияси ташкил этилиб, антик давр тадқиқотлари бўйича самарали ишлар олиб борилди. Айниқса кушонлар даври шаҳарларининг ривожланиши масалаларига жиддий эътибор берилди¹². Шимолий Бактрияда ўтган асрнинг 80-йилларида олиб борилган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, Кўхна Термиз, Далварзин, Кампиртепа ва бошқа бир қатор ёдгорликларда тадқиқот ишлари давом эттирилди¹³.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Қатор янги ёдгорликлар очилиб, уларда тадқиқот ишлари давом эттирилди. Ушбу тадқиқот ишларига нафақат маҳаллий олимлар, балки чет эллик тадқиқотчилар ҳам жалб этилиб, улар билан биргаликда кўплаб қўшма экспедициялар (ўзбек-герман, ўзбек-француз, ўзбек-япон) ташкил этилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари фанга жорий этилмоқда¹⁴.

Шимолий Бактриянинг антик давр ёдгорликларини ўрганишда М.Е.Массон, Г.А.Пугаченкова, В.М.Массон, Э.В.Ртвеладзе, Б.Я.Ставиский,

муаллиф. Новые древне-бактрийские памятники на юге Узбекистана // Бактрийские древности.

Предварительные сообщения об археологических работах на юге Узбекистана. -Л., 1976. -С. 55-71; ўша муаллиф. Новые бактрийские памятники на юге Узбекистана // ИМКУ. Вып. 21. -Т., 1986. -С. 74-75 ва бошқ.

¹⁰ Грек Т.В., Пчелина Е.Г., Ставиский Б.А. Каратепе-буддийский пещерный монастырь в Старом Термезе. -М., 1964; Буддийские пещеры Каратепе в Старом Термезе. -М., 1969; Буддийский культовый центр Каратепе в Старом Термезе. -М., 1972; Новые находки на Каратепе в Старом Термезе. -М., 1975; Буддийские памятники Каратепе в Старом Термезе. -М., 1982.

¹¹ Альбаум Л.И. Раскопки буддийского комплекса Фаязтепе // Древняя Бактрия. -Л., 1974; ўша муаллиф. Исследования Фаязтепе в 1973 г. // Бактрийские древности. -Л., 1973.

¹² Массон В.М. Проблема древнего города и археологические памятники Северной Бактрии // Древняя Бактрия. -Л., 1974. -С. 3-13; ўша муаллиф. Кушанские поселения и кушанская археология // Бактрийские древности. -Л., 1976. -С.3-17; ўша муаллиф. Зартепе - кушанский город в Северной Бактрии // История и культура античного мира. -М., 1977. -С. 138-144; Пидаев Ш.Р. Поселения кушанского времени Северной Бактрии. -Т., 1978 ва бошқ.

¹³ Новые материалы к исторической топографии Термеза // Творческое наследие народов Средней Азии в памятниках искусства, архитектуры и археологии. -Т., 1985. -С. 97-99; Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. -Т., 1990 ва бошқ.

¹⁴ Далварзинтепа шахристони (қадимшунослик тадқиқотлари яқунлари) . Токио, 1996.

Л.И.Альбаум, Б.А.Турғунов, Ш.Р.Пидаев, Т.Аннаев, К.Абдуллаев ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар турли илмий муаммоларни ўрганишга бағишланган.

Мустақиллик даврида Шимолий Бақтрияда археологик ёдгорликларни ўрганишда Ўзбекистонлик тадқиқотчилар билан биргалика бир қатор хорижий мутахассислар ҳам иштирок этмоқдалар. Бу борада франциялик олимларнинг (П.Лериш, П.Жантель ва бошқ.) қадимги шаҳар маданиятининг шаклланиш ва ривожланиш масалаларини ўрганиш борасида, япониялик мутахассисларнинг (К.Като, К.Танабе ва бошқ.) буддавийлик ёдгорликларида олиб борган тадқиқотларини қайд қилиш мумкин.

Илмий ишнинг мақсад ва вазифалари:

Диссертациядан кўзланган асосий мақсад Шимолий Бақтриянинг қадимги тарихи ва моддий маданиятини ёзма ва археологик манбалар асосида батафсил ёритиб бериш ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- XX асрда турли экспедициялар томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар тарихини умумлаштириш
- Шимолий Бақтриянинг қадимги тарихи ва маданиятини ўрганишда археологик тадқиқотларнинг ўрни аниқлаш;
- Бақтрия археологик комплекс экспедициясининг тарихий ва маданий жараёнларни ўрганишдаги ўрни таҳлил қилиш;
- Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Шимолий Бақтрияда кечган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тарихини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Манбалар, археологик тадқиқотлар ва уларнинг натижалари, Шимолий Бақтриянинг қадимги тарихи ва моддий маданиятини ўрганиш тадқиқот объекти ва предмети сифатида танланди.

Диссертациянинг назарий-услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида баён қилинган Ватанимиз тарихини асл манбаларга таянган ҳолда ҳаққоний ўрганиш ва яратиш, холислик ва тарихийлик

анъаналарига асосланган янги услубий ёндошувлар, ҳамда ўзбек халқи тарихи ва маънавий меросини ўрганишга оид берган услубий кўрсатмалари тадқиқотнинг назарий-услубий асоси бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотда тарихийлик, илмийлик, холислик, тарихий маълумотларни тизимлаштириш ва умулаштириш, қиёсий таҳлил қилиш сингари тамайилларга асосланилди.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Диссертацияда Шимолий Бактриянинг қадимги даври ёдгорликларининг XX асрда ўрганилиши тарихи, олиб борилган археологик экспедицияларнинг натижалари ўрганилди. Шимолий Бактриянинг қадимги тарихи ва маданиятинининг ўрганилиши таҳлил қилинди. Шимолий Бактрия ҳудудларидаги антик давр ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти ва маданий жараёнлари археологик маълумотлар асосида ўрганилиши умумлаштирилди.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти. Илмий ишнинг натижаларини республика олий ўқув юртларининг тарих факультетларида ўқув жараёнида ва мактабларда музейлар ташкил этишда тадбиқ этиш мумкин. Шунингдек, Шимолий Бактриянинг қадимги тарихи, хусусан, антик давр моддий ва маънавий маданият тарихи ҳақида қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Илмий ишда жамланган маълумотлар, умумлашма хулосалар Шимолий Бактрияда амалга оширилган изланишлар мисолида XX асрда Ўзбекистонда археологиянинг фан сифатида ривожланиши масалаларини ўрганишда қўлланма вазифасини бажариши мумкин.

Ишнинг тузилиши ва таркиби. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми бетни ташкил этади.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Тадқиқот натижалари талабалар учун ўқув-услубий кўрсатмалар тайёрлаш, “Археология” ва “Ўзбекистон тарихи” фанларидан маърузалар ўқиш жараёнида фойдаланилмоқда.

I боб. ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

1.1.Тарихий-географик тавсиф

Қадимги Бақтриянинг маданияти ва тарихи, ҳудудий жойлашуви ҳамда географик чегаралари масалаларига қизиқиш XIX асрдаёқ бошланган эди. XX асрнинг 50-йилларида М.М.Дьяконов томонидан «Шимолий Бақтрия» тушунчасини илмий муомалага киритилди¹⁵.

Шу даврдан бошлаб «Шимолий Бақтрия» тушунчаси шимолдан Ҳисор тоғ тизмалари, ғарбдан Кўҳитанг тизмаси, жанубдан Амударё, шарқдан Помир тизмаларигача бўлган кенг ҳудудларни қамраб олган. Бу атамадан келиб чиқиб, Шимоли-Шарқий ва Шимоли-Ғарбий Бақтрия атамалари ҳам пайдо бўлди. Шимоли-Ғарбий Бақтрия атамасининг келиб чиқиши Шимолий Бақтрия ҳудудий чегараларининг анча кенгайишига ва унинг таркибига Туркменистоннинг Келифдан Керкигача бўлган жануби-шарқий ҳудуди ва ҳатто Чоржуйнинг ҳам киритилишига сабаб бўлди¹⁶.

Б.Я.Ставиский Бақтриянинг шимолий чегаралари масаласининг ечимига археолоия ва эпиграфикага оид янги маълумотларни кенг жалб қилди ҳамда кушонлар даврида жанубга ва шимолга Амударёдан бошлаб Ҳисор тизмаларига қадар бўлган ҳудуд этник ва маданий муносабатларда ягона тарихий-маданий вилоятни ўзида акс эттирганлигини кўрсатиб берди.

Америкалик олим Р.Фрайнинг фикрига кўра, Бақтрия - кенг қамровли вилоятнинг маданий маркази бўлиб, уни шимолдан, шарқдан ва жанубдан тоғлар ўраб тўрган, унинг ерларини суғорувчи Амударё уни икки қисмга: жанубий, яъни Афғон Туркистонига ва Шимолий, ўнг қирғоқ, яъни Тожикистонга ажратиб тўрган. Бир қатор олимлар бу фикрга қўшилмайдилар. Улар антик давр манбаларига таяниб юқорида кўрсатилган вилоят Сўғдиёнага қарашли бўлган ва Бақтриянинг шимолий чегараси Амударё-Окс

¹⁵ Дьяконов М.М. У истоков древней культуры Таджикистана. -Сталинабад, 1956 -С. 22.

¹⁶ Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрия: Проблемы истории и культуры. -М., 1977. -С.38.

орқали ўтган деб ҳисоблайдилар¹⁷.

И.В.Пьянков антик ёзма манбаларда Окс Бактрия ва Сўғд ўртасидаги чегара сифатида эътироф қилиниши билан бирга унга тубдан қарама-қарши бўлган маълумотлар ҳам борлигини такидлаб ўтади. Бу маълумотлар икки хил тахминга асосланган. Уларнинг бирига кўра, Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий бўлаги ва Амударё оралиғидаги вилоят Бактриядан фарқ қилган бўлса-да, лекин шу даврнинг ўзида Сўғдиёнадан ҳам аниқ ажралиб турган. Иккинчи тахминга кўра, бу ҳудуд тўғридан-тўғри «Бактрия» деб аталган¹⁸. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, Бактрия ва Сўғдиёна ўртасидаги чегара Амударё ва Сурхондарё бўйлаб ўтган. Бу чегара Вахш ва Амударё орқали ўтган деган фикрлар ҳам мавжуд.

Бактриянинг шимолий чегаралари тўғрисидаги мунозараларга И.В.Пьянков маълум маънода аниқлик киритади. У антик даври ёзма манбаларни синчиклаб таҳлил қилиш асосида бир қатор -тадқиқотчиларнинг, Бактрия ҳақидаги, уни Окснинг фақат чап қирғоғида жойлашган бир вилоят, деган қарашлари ҳақиқатга тўғри келмаслигини такидлаб ўтади. Унинг фикрига кўра, «Бактрия» деганда (соф географик атама маъносида) дастлаб Балх воҳаси назарда тутилган. Кейинчалик унинг маъноси кенгаяди: «Бактрия» ва «бактрийлар» деганда энг дастлабки даврда Заратуштра подшолиги, «Кирга қарши курашган халқ», Аҳамонийлар давлати, Искандар, Салавкийлар ва ниҳоят скифлар асос солган подшоликнинг шу номдаги қисми ёки сатраплик англашиладиган бўлади.

И.В.Пьянковнинг тахминича, Амударё-Окси Бактрия ва Сўғднинг чегараси бўлган деган фикрлар Искандарнинг Келифда (Туркманистоннинг жанубий-шарқи) кечувдан ўтган еридаги ҳолатини умумлаштириш натижасида келиб чиққан, лекин дарёнинг юқори қисмида, яъни Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларидаги ҳолат бошқача бўлган. Шунингдек, Бактриянинг бу чегараси асосан Искандар тарихчиларининг маълумотлари асосида

¹⁷ Сагдуллаев А.С., Эшов Б.Ж. Бактрия ва Сўғдиёнанинг ҳудудий чегаралари ҳақида // Бактрия-Тоҳаристон қадимда ва ўрта асрларда. Самарқанд. 1993. Б.24.

¹⁸ Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. Т. 2008. Б.77.

тикланган. Искандардан аввалги ва унинг юришларидан кейинги даврга оид Бактриянинг шимолий чегаралари ҳақида гувоҳлик берувчи ёзма манбалар эса мавжуд эмас. Шундай қилиб, ёзма манбаларнинг маълумотларига асосланадиган бўлсак, мил.авв. IV аср учинчи чорагининг охирига келиб, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерлар - Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ва Жанубий Тожикистон ерлари Бактриянинг таркибига кирган деб хулоса чиқариш мумкин.

Искандарнинг Наутакадан Бактрияга қараб ўтган ҳарбий ҳаракат йўлини И.В.Пьянков ўрта аср араб сайёҳларининг Кешдан Балхга қадар бўлган масофа ҳақидаги маълумотлари билан таққослайди. Унинг тахминича, Кешдан (Шахрисабз) Бойсун тоғидаги Темирдарвоза (Дари Оҳанин) га қадар Ғузур вилояти орқали ўтадиган йўлнинг узоклиги тўрт кунлик масофага тенг бўлган. Темир дарвозадан Балхга қадар бўлган масофа эса беш кунлик йўлга тенг бўлган.

И.В.Томашек ва В.В.Григорьевларнинг фикрига қўшилиб, И.В.Пьянков Сизимитр - Хориен қалъаси Темирдарвоза атрофида жойлашганлигини ва у Бактрия ҳамда Сўғд ўртасидаги катта йўл устида чегара нуқтаси вазифасини бажарганлигини ёза¹⁹. Вилоятлар ва қалъаларнинг жойлашган ўрни тўғрисидаги И.В.Пьянковнинг фикрлари, бизнингча, анча ишонарлидир.

Шимолдан Қашқадарё, жанубдан Сурхондарёдек иккита деҳқончилик воҳаларининг ўртасида жойлашган, кенг, тоғли мамлакатнинг тарихий-географик тавсифи масаласи ниҳоятда муҳимдир. Кенглик ва меридиан йуналшида бу мамлакатни географларнинг умумий тушунчасида «Ғарбий Ҳисор» деб аталувчи Чакчак, Бойсун, Кўҳитанг, Саримас, Сувсизтоғ ва бошқа тоғ тизмалари ҳалқаси ажратиб туради. Унинг тахминан марказида Саримас ва Сувсизтоғ тизмалари жойлашган. Бу тизмаларни Шерободдарёга бориб тақалувчи Шўробсой водийси ажратиб туради. Шу жойда Дарбанд қишлоғи жойлашган. Ундан Шўробсой водийси бўйлаб 9 км ғарбда эса Бузғала (Темирдарвоза) тоғ дараси мавжуд.

¹⁹ Пьянков И.В. Бактрия в античной традиции....-С. 43-46.

Бактрия-Тохаристондан бошланувчи бош йўл Термиз, Шўроб, Чўчкагузар кечувларидан ўтгач, Шерободдарё водийси бўйлаб давом этган. Кушонлар даврида Шеробод шахрининг шимолий қисмида мустаҳкам Кофирқалъа қалъаси мавжуд бўлган. Бу қалъадан дарёнинг дарага кириш жойи назорат қилиб турилган. Кейинчалик айнан шу жойда Шеробод бекларининг қалъаси жойлашган¹. Кофирқалъадан шимолга қараб чиққан йўл Дарбандгача борган. Сўнгра ғарбга бурилиб, Шўробсой водийси ҳамда Темирдарвоза орқали ўтиб Киндик қишлоғигача борган. Шу жойга келганда йўл иккига бўлиниб кетган. Бу йўлнинг бири шимолий-ғарбга – Насаф (Қарши)га қараб кетган. Бу йўлнинг олислиги Дидеги қишлоғи орқали бир кунлик масофа, ва Субоҳдан Насафгача ҳам бир кунлик масофани ташкил қилган. Иккинчи йўл эса Киндикдан шимолга бурилиб, тўғри Кешга қараб кетган. Айнан шу йўналишда Кешгача бўлган масофа уч кунлик йўлни ташкил қилган²⁰.

Шундай қилиб, Киндик қишлоғи Бактрия-Тохаристондан Кеш ва Сўғдга борадиган бош йўлда асосий нуқта вазифасини бажариб келган. В.В.Бартольд Киндик қишлоғининг жойлашган ўрнини Кичик Ўрадарё водийсидаги-Қораҳавал қишлоғида деб белгилайд. Бу ўринда у Н.Маевнинг маълумотларига асосланган бўлса керак. Ўз вақтида Н.Маев Қораҳавал қишлоғидан қуйида Шаҳрисабздан келувчи асосий йўлдан Қаршидан келувчи йўл ажралади, дея ёзган эди.

Оқрабоддан Шаҳрисабзга боровчи йўл Н.Маев томонидан масофаси кўрсатилган ҳолда батафсил тасвирлаб берилган. Унинг маълумотларига кўра, бутун йўлнинг узоқлиги 112 верст, яъни 119 км 504 м ни ташкил қилган. Икки ўртадаги бекатлар Қораҳавал (Оқрабоддан 24 верст - 25,6 км масофада), Калтаминор (Қораҳавалдан 20 верст - 21,3 км масофада), Ёртепа (Калтаминордан 28 верст - 29,8 км масофада), Чимкўрғон (Ёртепадан 24-25 верст - 25,8 км масофада)дан иборат бўлган. Ёртепагача 6 верст қолганда йўл тоғдан ажралган ва Камдарвоза дараси орқали Чимкўрғон текислигига

²⁰ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольских нашествий. Соч. Т.1. -М., 1963. -С. 192

чиққан. Чимқўрғондан Шаҳрисабзгача бўлган масофа 16 верст - 17 км ни ташкил қилган²¹.

Араб сайёхларининг маълумотларига кўра, Кешдш Киндиккача бўлган масофа уч кунлик йўлга тенг бўлган²². Курций Руфнинг маълумот беришича, Искандар қўшинлари Габаза вилоятига қадар уч кун йўл босганлар²³.

Искандар қўшинлари Калтаминор йўлидан келган деб тахмин қилиш мумкин. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, бу йўл бўйлаб Шаҳрисабздан Оқрабодгача бўлган масофа 120 км, Бузғала дарасига қадар эса 130 км га яқин йўлдир. Бу масофани ўта ҳаракатчан бўлган Искандар армияси кунига 40 км дан уч кунда босиб ўтганлиги ҳақиқатга тўғри келади. Айтиш мумкинки, Ёртепа ёнидаги Камдарвозадан Оқрабод ва Темирдарвозага қадар чузилиб кетган Габаза вилояти тоғли ерда жойлашган бўлган.

XIX-XX аср бошларидаги топографик хариталарда Оқрабоддан ғарбдаги жойлар «Габзан» деб белгиланган. Ривоятга кўра, бу тоғли ўлкада қачонлардир Габзаншоҳ ҳукмронлик қилган ва бу жойнинг номи шу шоҳнинг номидан келиб чиққан. Вилоятнинг Габаза ва Газаба деган номларининг ўзаро ўхшашлигига алоҳида эътибор қилиш керак. Топонимикадаги йўналиш маълумотларининг ривоятдаги маълумотлар билан ўзаро тўғри келишидан хулоса қилиш мумкинки, вилоят чегараларининг юқоридаги тахлитда белгиланиши ҳақиқатга анча тўғри келади.

Арманистон манбаларида Аранг дарёсига яқин ерларда жойлашган Гозбон ҳақида маълумотлар бор. Аранг бу Аракс, Окс-Амударёнинг номидир. Арман тарихчиси Себеоснинг хабар беришича, форс йўлбошчиси Мехривандак Бахл (Балх) ва «Улуғ дарё нариёғидаш Казбион деган жойгача бутун Кушонлар мамлакатини қўлга киритган». Шу маълумотларга кўра, Казбион, Гозбун, Гозбон ва Курций Руфнинг Габаза-Газабан тушунчалари турли асрларга оид бир умумий вилоятнинг номи бўлган бўлиши мумкин²⁴.

Темирдарвоза ва Дарбанд атрофларида ўтказилган текширув

²¹ Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства ... -С. 241-249; 271-273.

²² Бартольд В.В. Кўрсатилган асар. - С.192.

²³ Курций Руф. История Александра Македонского / Пер. и примеч. В.С.Соколова. –М., 1963. –VIII, –С.2-14.

²⁴ Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. –Т., 1996.-Б. 84-85.

ишлари натижасида қўлга киритилган янги археологик маълумотлар ҳам анча ишонарлидир. Бу ердан 2 км ғарбда кушонлар даврига оид мустаҳкам девор қолдиқлари топилган. Бу девор Сўғддан Бактрияга боровчи асосий йўлнинг устида Шўробсой водийсини қуршаб турган. Бу деворнинг узунлиги 1,5 км га яқин бўлиб, эни 6 м дан сал зиёдроқ. Девор 32x32x10 см ўлчамли хом ғиштлардан тикланган бўлиб, унинг ўртаси харсангтош билан тўлдирилган. Деворнинг жанубий қисмида, Шўроб дарёси оқиб ўтадиган чуқур даранинг тепасида, улкан қояли чўққида мустаҳкам қалъа бунёд қилинган²⁵.

Газаба-Габаза-Казбион – бу тоғли жойнинг номи бўлиб, у бир томондан Дарбанд ҳамда Темирдарвоза, иккинчи томондан Ёртепа ва Ғузор оралиғида жойлашган деб ҳисоблаш мумкин. Лекин Габаза-Газаба вилоятининг жойлашган ўрни хусусидаги баҳслар ҳозирга қадар тўхтагани йўқ. Бу албатта, муаммонинг ўта муҳимлиги ва нисбатан чигаллиги билан изоҳланади. Юқорида таъкидланганидек, Габаза вилоятининг шимолий қисми Камдарвоза дарасидан бошлаб Ёртепа, Оқрабод ва Темирдарвоза атрофларига қадар ёйилган тоғли ҳудудларда жойлашган бўлган. Бу борада сўнгги тадқиқотларнинг натижалари янада қизиқарли маълумотлар бермоқда.

Э.В.Ртвеладзенинг фикрига кўра, Габаза-Газабанинг қаерда бўлганлиги масаласи XIX асрдан бошлаб муҳокама қилиб келинаётган “Гозбон”, “ёнгоқ дарахти” нинг жойлашган ўрни масаласи билан узвий боғлиқ²⁶.

Узоқ йиллар мобайнида олимлар турли манбалардаги узук-юлук маълумотларга асосланиб Габаза-Газабани турли ҳудудларда жойлаштиришга ҳаракат қилдилар. Боғлон вилоятдаги Хульма ҳудуди, Хуросоннинг чеккаси – Фаргона ва Тохаристон ўртасидаги ерлар, Толиқон ҳудуди, Қундуз дарёсининг Боғлон ва Ишкимиш орасидан ўтувчи бир ирмоғи бўйидаги ерлар, ҳозирги Афғонистоннинг шимолий-ғарбида жойлашган Андхуй ва Туркманистоннинг Амударё бўйида жойлашган Керки шаҳри орасидаги ерларни тушунтириб ўтади. Лекин Э.В.Ртвеладзенинг фикрича, бу

²⁵ Ртвеладзе. Э.В. Стена Дарбанда Бактрийского // ОНУ. -1986. -№12. -С.34-39.

²⁶ Ртвеладзе. Э.В. Газаба-Гозбон // ИМКУ -№30. -Самарканд, 1999. -С. 106.

жойларнинг бирортаси ҳам табиий ва тупроқ шароити, ўсимлик дунёсига кўра ҳамда жойлашган ўрни жиҳатидан Газаба вилоятига тўғри келмайди. Бу вилоят

Юқорида Габаза-Газаба вилояти тахминан Темирдарвоза (Дарбанд) билан Қашқадарё вилоятининг текислик қисми ўртасидаги ҳудудларга тўғри келиши айтилган эди. Лекин Ашхарацуйц маълумотларига таяниб айтиш мумкинки, Гозбон вилояти Амударёга қадар бўлган кенг ҳудудда жойлашган бўлган. У қатор тоғ тизмаларидан иборат бўлган жануби-ғарбий Ҳисор тоғ тизимини тўла қамраб олган бўлиб, унинг асосини Амударёдан Темирдарвозага қадар бўлган ҳудудда ястаниб ётган Кўҳитанг тизмаси ташкил қилган.

Ушбу ҳудудда Гоз, Гозак топонимларининг учраб туриши ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, Кўҳитанг тизмаларидан бошланувчи ва Пашхурд қишлоғи яқинида Келиф-Шеробод тоғларини кесиб ўтувчи ҳамда қадимда Амударёга қуйилганлиги эҳтимол қилинаётган дарё Гоз деб аталади. Шу ҳудудда жойлашган мазор ҳам Гоз ёки Гозон-ота деб аталади (иккинчи номи Қирққиз). Айнан ана шу дарё бўйида қуйи қатлами мил.авв. VI-V асрлар билан саналанувчи Дабилқўрғон манзилгоҳи вужудга келган (Пашхурд қишлоғи ҳудудида).

Ушбу ҳудудда ёввойи ва маданийлашган грек ёнғоғининг кўплиги ҳам диққатга сазовордир. Уларнинг айримларининг йўғонлиги бир неча қулочга тенг. Шу ерда яшовчи аҳоли грек ёнғоғини жуз ёки гуз термини билан атади. Бу ёнғоқ Афғонистонда ҳам шундай ном билан аталади.

Ёзма манбалардаги маълумотларни топографик маълумотлар билан солиштириб шундай хулоса қилиш мумкинки, Рахша (Ареш) отган ўқ бориб қадалган жой ғарбий Ҳисор ва Кўҳитанг тоғларида жойлашган бўлган. Бу манбаларда эслатилган Хванва тоғларига тўғри келади. Манбаларда қайд қилинган Хоана шаҳри эса Келиф шаҳрига тўғри келади. Айнан Келиф яқинида Амударёнинг ўта муҳим кечуви жойлашганлиги юқорида таъкидланган эди. Бу шаҳарнинг қадимги даврларда шаклланганлиги ҳақида бу ердан топилган кушон даврига оид топилмалар ҳамда эллинизм ва ундан олдинги даврларга

оид сополлар гувоҳлик беради²⁷. Келифда Зулқарнайн деб номланувчи робод ҳам мавжуд. Келифнинг форсча номи Увайсгард²⁸ деб аталишига ҳам эътибор қилиш лозим. Бу атаманинг биринчи қисмида хва атамаси акс этган бўлиши мумкин.

Келтирилган маълумотларга таяниб хулоса қилиш мумкинки, Габаза вилояти Жанубий Сўғддан Окс Вехрот-Амударёгача бўлган кенг ҳудудда жойлашган ва унинг шимолдаги чекка шаҳри Себеос томонидан шакли бузиб ёзилган Казбион шаҳри бўлган.

Арман тарихчиси Себеоснинг айтишича, форс йўлбошчиси меҳривандак Бахл (Балх) ва унинг дарё наригидаги Казбион Кушон мамлакатини қўлга киритган. Шу маълумотларга кўра, Казбион, Гозбун, Гозбон ва Курций Руфнинг Габза-Габаза тушунчалари турли асрларга доир бир умумий вилоятларнинг номи бўлган дейиш мумкин. Бу вилоят “тоғ ерлари” бўлиб, Амударёнинг нариги томонида жойлашган²⁹.

Э.В.Ртвеладзе ўзининг тадқиқотларида Македониялик Искандар даврига оид Шимолий Бактрия ва Жанубий Сўғднинг харитасини ҳам келтирилган. Ушбу харитада Габаза вилояти Жанубий Сўғд ва Шимолий Бактриянинг Амударёгача бўлган маълум ҳудудини эгаллаганки, бу ҳол Габаза вилоятининг жойлашган ўрни ҳусусидаги юқорида келтирган фикрларимизни яна бир бор тасдиқлайди.

XVIII-XIX асрларда Қашқадарёдаги Деҳқонобод ва Оқрабод оралиғидаги ерлари “Габзан” деб аталган. “Казбион” тушунчаси Қарши атрофидаги ўрта асрларга оид Касба ёки ҳозирги қишлоқ – Касби билан боғланади. Габзан Деҳқонобод ва Оқрабод оралиғидаги тоғли ўлкадир. Габаза Наутака вилоятига қўшни тоғ ўлкаси бўлган. Бу ўлка ҳозирги Деҳқонобод, Оқрабод ва Темир дарвоза атрофидаги ерларни ўз ичига олган³⁰. Олимлар фикрига, Сўғдиёна ва Бактрия чегараси шу ҳудудлар орқали ўтган.

Қадимги даврлардан бошлаб ҳозирги кунга қадар Қашқадарё

²⁷ Пилипко В.Н. Поселение северо-западной Бактрии. –Ашхабад, 1985. –С.181.

²⁸ Ахмедов Б.А. История Балха. –Т., 1982. –С. 38.

²⁹ Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т.1996. Б.85.

³⁰ Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т.1996. Б.86.

хавзасидан жануб ва жанубий-шарққа Оқрабод ҳамда Тошқўрғон доволари орқали ўтувчи иккита асосий йўл элтади. Анча енгил ва ҳатто ғилдиракли уловлар қатнаши учун ҳам қулай бўлган Оқрабод довлари орқали ўтувчи биринчи йўл машҳур Темирдарвоза орқали Шеробод воҳасига чиққан ва у ердан Чўчкагузар ҳамда Оксдаги Шўроб-Пардагвиги, у ердан эса Бактрияга олиб борган. Анча мураккаб бўлган иккинчи йўл эса баланд Тошқўрғон довлари орқали ўтган ва Сангардак дарёси орқали Сурхондарё водийсига чиққан.

Э.В.Ртвеладзенинг фикрига кўра, анча кеч пайдо бўлган биринчи йўл Ғузор чўли орқали ўтган, иккинчи йўл тоғ олди Ёртепа худуди – Катта Ўрадарё – Қрражавал қишлоғи йўналиши бўйлаб ўтган³¹. Биринчи йўл бўйлаб масофа 140-150 км ни, иккинчи йўл бўйлаб эса 110-120 км ни ташкил қилади. Шу билан бирга, Қашқадарёнинг қуйи оқимидаги худудлардан Тошқўрғон довларигача бўлган масофа 140-150 км, Оқрабод довларига қадар эса 120-130 км га тенг.

Искандарнинг Ўрта Осиё жанубий вилоятларига юришининг иккинчи босқичи мил.авв. 327 йилнинг баҳорида бошланган бўлиб, асосан Паретаклар мамлакати орқали ўтган. Арриан маълумотларига кўра Искандар Сўғдиёнадаги ишларини якунлагач паретаклар устига юради ва у ерда жойлашган «Хорриен чўққи» қалъасини эгаллайди. Шундан кейин Македон қўшинлари икки қисмга бўлинади. Искандарнинг ўзи асосий қўшин билан Бактрияга юради. Кратер эса олти юзлик отлик - «дўстлар» ва ўзининг ҳамда Полиперхонт, Аттал ва Аллектнинг пиёда қўшинлари билан Катан ва Австанга (маҳаллий йўлбошчилар) қарши юриш қилади. Улар ҳозирга қадар Паретака ерида Искандарга бўйсунмаган ягона йўлбошчилар эдилар. Ҳал қилувчи жангда Кратер Паретака исёнчилари устидан ғалабага эришади. Австан асирга олинади, Катан эса жангда ҳалок бўлади. Шу воқеадан кейин Кратер ҳам ўз қўшинлари билан Бактрияга қайтади³². Ушбу ҳарбий юриш ҳақидаги Курций Руфнинг маълумотлари Арриан маълумотларига деярли мос

³¹ Ртвеладзе. Э.В. Ксениппа-Паратека....-С.98.

³² Арриан. Поход Александра / Пер. М.Е.Сергеев.-М.-Л., 1962. IV,18,4-22,2.

келади, фақатгина унда Полиперхонт томонидан Бубакена мамлакатнинг маҳв этилиши воқеаси кўшимча қилинган, холос³³.

В.Томашекнинг 1877 йилда чоп этилган асарида “Хориен қояси” ни “Темир дарвоза” дараси ёнида жойлашган ва шу ердан Бактрия чегараси ўтган деган хулосани беради. И.В.Пьянков фикрига кўра, “Хориен қояси” Бактрия-Сўғдиёна қарвон йўлида жойлашган ва у чегара вазифасини ўтаган деб таъкидлайди³⁴.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Паритака Сурхондарё вилоятида жойлашган Бубакена – Жанубий Тожикистон ерлари бўлган. Паритака ва Бубакена Бактриянинг айрим вилоятларининг номларидир.

Тарихий-археологик маълумотларга кўра, Габаза ва Паретака Сўғдиёна ва Бактрия оралиғида, яъни Ғарбий Ҳисорнинг тоғли ҳудудларида ва уларга туташ Сурхондарё ҳамда Шерободдарё ҳудудларида жойлашган. Шуниси аҳамиятлики, ёзма манбаларда бу вилоятлар Сўғдиёнадан аниқ фарқланади. Арриан маълумотларини яна бир бор эслайлик: «...сўғдиёналиклар ишини яқунлагач, Искандар паретаклар томон ва биринчи галда уларнинг ерида жойлашган Хориен чўққиси томон йўл олди». Айрим ҳолларда эса бу вилоятлар Бактриядан ҳам фарқланади, лекин кўп ҳолларда Бактрия ерлари сифатида эътироф этилади.

Иккала вилоятнинг Паретака ва Габаза деган номлари, тахминимизча, этник маънони англатмасдан, балки географик маънони англатади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, «Паретакена» ибораси ҳозирги форсча кўҳистон тушунчасига тўғри келади. Осиёнинг турли қисмларидаги бир қатор тоғли вилоятлар «Паретака» атамаси билан юритилган, Мидия ва Персия ўртасидаги ерлар, Оссурия ва Бобилдан шимолдаги ерлар шулар жумласидандир.

М.М.Дьяконовнинг фикрига кўра, бу эронча сўзнинг этимологияси И.Маркварт томонидан ҳақиқатга анча яқин тарзда ифодаланган: яъни, «дарё ювиб турувчи вилоят». Ваҳоланки, бу сўзнинг «олдинга чопувчи» ёки шунга

³³ Курций Руф. Ўша асар. VIII, 4,1; VIII,5,2.

³⁴ Сағдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т.1996. Б.88.

оҳангдош бўлган бошқа этимологияси бўлиши мумкин³⁵.

Бақтрия Паретакаси халқининг этник келиб чиқиши масаласи ҳозирча номаълумлигича қолмоқда. Аммо анча сўнгги даврга оид маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, бу ҳудуд халқи бактрийлар бўлган. Чунки ҳозирги кунда ушбу ҳудуддан кўплаб бактрийча ёзув намуналари топилган³⁶. Бу ёзувларнинг тили Амударёнинг сўл қирғоғидан топилган ёзувларнинг тилига ўхшашдир. Бактрийча ёзма ёдгорликларнинг топилиши фақат Амударё бўйида жойлашган манзилгоҳлардангина (Айритом, Термиз, Кампиртепа, Коракамар, Хотинрабод) қайд қилиниб қолмасдан, балки ушбу вилоятнинг анча ичкари ҳудудларида ҳам (Далварзинтепа, Дегрезтепа, Ялангтўштепа, Қўштепа) қайд қилинган. В.Б.Хеннинг ва В.А.Лившицларнинг асосланган фокрига кўра, бактрийча ёзув ёдгорликлари Бақтриянинг туб аҳолиси – бақтарларнинг тилини акс эттиради.

Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ҳудудлардан илк ўрта асрлар даврига қадар бўлган даврга оид сўғдий ёзув ёдгорликлари топилмаганлиги ҳам аҳамиятлидир. Бу ёзувнинг дастлабки намуналари Чағаниёндан топилган бўлиб, бу қисқача сўғдий ёзув битилган Перуз (459-484йй.) тақлидий тангаларидир. Аммо V асрнинг охири - VIII асрнинг иккинчи ярмига оид бошқа барча тангалар фақат бактрий тилидаги ёзувларга эга³⁷. Афросиёб саройидан топилган ёзув эса илк ўрта асрларда Шимоли-ғарбий Тохаристонда бактрий тили ва ёзуви расмий тил ва ёзув бўлганлидан далолат беради³⁸.

Хуллас, ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб «Шимолий Бақтрия» атамаси илмий муомалага киритилган бўлиб, бу ҳудуд шимолдан Ҳисор тоғ тизими, ғарбдан Кухитанг тизмаси, жанубдан Амударё, шарқдан Помир тоғлари билан чегараланувчи қадимги тарихий-маданий вилоятни ўз ичига олади. Ушбу масала юзасидан тадқиқотчилар орасида кўпгина баҳслар бўлиб ўтганлигига қарамасдан, археологик маълумотлар натижаларини ёзма манбалар билан солиштириш натижасида масалага кўпгина аниқликлар киритилди.

³⁵ Дяконов М.М. У истоков древней культуры Таджикистана. -Сталинабад, 1956 -С. 146.

³⁶ Ртвеладзе. Э.В., Лившиц В.А. Памятники древней письменности. -Т., 1985. -С. 104-106.

³⁷ Ртвеладзе. Э.В. Могильник кушанского времени у Ялангтўштепе // СА. -1983. -№1. -С. 74-76.

³⁸ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. -Т., 1975. -С. 54-56.

Хусусан, Шимолий Бақтриядан ўтувчи қадимги йўллар ва уларнинг йўналишлари (Балхдан Амударё кечуви орқали Темирдарвозадан Ғузор йўналиши билан Кешгача), вилоятлар ва қалъаларнинг жойлашуви (Паретака, Бубакена, Сизимитр, Габаза, Бранхийлар шаҳри ва бошқ.) масалалари мумкин қадар ўз ечимини топди дейиш мумкин. Ушбу маълумотларга асосланадиган бўлсак, мил.авв. IV аср ўрталарида Амударё юқори оққимининг ўнг қирғоғидаги ерлар - Сурхон воҳаси ва қисман Жанубий Тожикистон ерлари Бақтриянинг таркибига кирган. Аммо ўша даврда бу ҳудудлар қандай умумий ном билан номланганлиги ҳозирча маълум эмас.

1.2. Ёзма манбаларда Шимолий Бақтрия тарихининг ёритилиши

Қадимги Бақтрия Амударёнинг юқори ҳавзасида, яъни Ўрта Осиёнинг жанубий-шарқида жойлашган йирик тарихий-маданий ўлка ҳисобланади. Қадимги юнон муаллифлари унинг шимолий чегарасини Амударё билан (Страбон, Птолемей), кейинги давр тадқиқотчилари археологик маълумотларга таяниб, унинг шимолий чегарасини Хисор тоғлари билан, жанубини эса, Ҳиндиқуш тоғ тизмалари билан белгилайдилар (Дьяконов, 1954.; Стависский, 1977; Пьянков, 1982; Массон, 1985).

Қадимги Бақтрия тарихини ўрганишда археологик маълумотларнинг ўрни бекиёс ҳисобланади. Бақтрия ҳудудида дастлабки археологик қазилма ишлари А.Фуше томонидан олиб борилган. Кейинчалик эса турли йилларда М.Е.Массон, Г.А.Пугаченкова, Л.И.Албаум, Б.А.Литвинский, Э.В.Ртвеладзе, А.А.Асқаров, А.С.Сагдуллаев, Ш.Пидаев, Б.Турғунов, Б. Стависский, И.Т.Кругликова, В.И.Сарианиди, Т.Ширинов, У.Раҳмонов, Ш.Шайдуллаев ва бошқалар томонидан археологик тадқиқод ишлаи олиб борилиб, тарихимизнинг қадимги даврини ўрганишда муҳим маълумотлар қўлга киритилди.

Қадимги давр тарихини ўрганишда моддий манбалар билан бир қаторда, ёзма манбаларнинг ҳам ўрни муҳим ҳисобланади. Ёзма манбаларда ҳам Бақтриянинг қадимги даври тарихи тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган. Ўлкамизнинг қадимги тарихини ёритишда “Авесто” муҳим манба бўлиб хизмат қилади. “Авесто” – Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқларининг бебаҳо бойлиги бўлиб, у жаҳон тарихида диний, ҳуқуқий, ахлоқий, ижтимоий тасаввурларнинг манбаи сифатида эътироф этилади.

“Авесто” да қадимги вилоятларнинг номлари Яшт китобининг учинчи ва Видевдатнинг биринчи бобида санаб ўтилган. Бақтрия Видевдат фаргардида “Бахди” шаклида учрайди: “... Биринчидан, одамлар яшаши учун энг яхши мамлакатни, Ванхви Датъё дарёсидаги Арёнам Вайжога асос солдим. Иккинчидан, мен, Ахурамазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан

бўлган Гава Сўғда маконига асос солдим. Учинчидан, мен, Ахуромазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган қудратли Моуруга асос солдим. Тўртинчидан, мен, Ахуромазда, энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган, баланд байроқли гўзал Бахдига асос солдим”³⁹.

Бақтрия ҳақида маълумотлар аҳамонийлар битикларида, жумладан, Беҳистун қояларида ҳам учрайди. Доро I даврида ёзилган мазкур қоялардаги ёзувда Доро I давлати қармоғида бўлган 23 мамлакат орасида Бақтрия ҳам тилга олинади. Ушбу ёзувда Доро I нинг қуйидаги хабарлари битилган: “Марғиёна номли давлат мендан ажралиб чиқиб кетди. Марғиёналик Фрада исмли бир одам ўзини вилоятнинг ҳокими, деб эълон қилди. Кейин мен, Бақтрия сатрапи, бўйсунувчи одамим форс Дадаршишни чақириб, унга гапирдим: Менга бўйсунмаганларни тор-мор қилиш керак. Дадаршиш қўшинлари билан отланиб, марғиёналиклар билан жанг қилди. Ахуромазда менга ёрдам кўрсатди. Ахуромазда иродаси билан менинг қўшинларим кўзғолончиларни бутунлай мағлубиятга учратди... Мана менинг Марғиёнада қилганларим”⁴⁰. Доро I Беҳистун ёзувларида Аҳамонийлар давлатининг асосан ғарбий вилоятларини кўрсатиб берган бўлса, Нақши Рустам ёзувларида мамлакатлар рўйхати Мидия ва Эламдан сўнг шарқий вилоятлардан бошланади. Рўйхатда Мидия, Элам ва Арьядан сўнг Бақтрия тилга олинади. Аҳамонийларнинг “Суза ёзуви” да эса, Сузадаги сарой қурилиши учун Сард ва Бақтриядан олтин, Сўғдиёнадан ялтироқ тошлар ва ложувард, Хоразмдан фируза тошлар, Арахозиядан кумуш ва бронза келтирилганлиги тилга олинади⁴¹.

Персеполда бақтрияликлар 15 жойда, идиш кўтарган ҳолда ва икки ўрқачли Бақтрия туялари билан тасвирланган. Бу Аҳамонийлар империяси хазинасига ҳар йили унга қарашли сатрапликлардан келтириладиган бож ёки солиқларнинг моддий маданиятда кўринишидир. Бақтрия йилига

³⁹ Сағдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаъларида. Тошкент-1996. 21бет.

⁴⁰ Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент, Университет, 2007. – Б.132.

⁴¹ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. Т-2001. 87 б.

Аҳамонийлар империясига кумуш билан 300 талант⁴² (бир талант 33.655 кг. кумушдир) қийматида бож тўлаган.

Бактрия ҳақидаги хилма-хил маълумотлар қадимги юнон тарихчилари Геродот, Ктесий, Страбон, Диадор, Плиний, Арриан, Гекатей, Скилак ва бошқаларнинг асарларида учрайди. Геродот (мил. авв. 484-425) “Тарих” китобида Бактрия, Бактра ва бохтарийлар ҳақида 13 марта, суғдларни 2 марта, хоразмликларни 3 марта, сакларни 11 марта, массагетларни 19 марта тилга олиб, уларнинг моддий маданияти, урф-одатлари, дини ва тарихи ҳақида ҳикоя қилган. Масалан, Геродот аҳомонийлар подшоси Кир II Мидияни бўйсиндирганидан сўнг унинг йўли устида “Бобил, Бактрия халқи, саклар ва мисрликлар тўсиқ бўлиб тургани” ҳақида хабар беради (Геродот, I, 153). Бундан келиб чиқадики, Бактрия ва сак-массагетлар конфедерацияси Миср ёки Бобил сингари йирик муҳим давлатлар қаторида турган. Геродот маълумотларида берилган “Бактрия халқи” тушунчаси маълум бир этник бирликни англатади. “Халқ” маъносини берувчи “этнос” сўзи Геродотнинг “Тарих” асарида жуда кўп учрайди (тадқиқотчилар ҳисобига кўра 145 марта) ва фақат икки жойдагина бу сўз Бактрияга нисбатан ишлатилади⁴³. Геродотдан олдин “Бактрия халқи” тушунчасини буюк Эсхил “Форслар” фожеасида ишлатган. “Форслар” фожеасида ёш бактриялик жангчилардан Тенагон ва Аритомларнинг исмлари тилга олинган. Улар Саламин жангида ҳалок бўлган (мил.авв. 480 йил). “Бактрия халқи ҳалок бўлди” деб Эсхил ўз асарида хулоса қилган. Бундан ташқари Геродот асарида “Бактрияликларнинг бошларига кийган қалпоқлари мидияликларникига жуда ўхшаган, улар қамишдан ясалган ўқ ва калта найзалар билан қуролланганлар”⁴⁴ каби маълумотлар ҳам келтирилади.

Бактрия ҳақида кўплаб маълумотлар мил. авв. 414-398 йилларда аҳамоний шоҳ Артаксеркс саройида яшаган Ктесий томонидан ёзиб қолдирилган. Ктесий Кир II нинг бактрияликлар билан тўқнашуви ҳақида,

⁴² Сағдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаъларида. Тошкент-1996. 35бет.

⁴³ Сағдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Тошкент 2004.43 бет.

⁴⁴ Геродот. “Тарих”. том -VII, – Б. 64.

Бақтрияда жуда кўп истеҳкомлар мавжудлиги тўғрисида, уларнинг баланд ва мустаҳкам муҳофаа деворлари билан ўраб олингани, унинг пойтахти Бақтра қалъасида подшо қасри жойлашгани ҳақида маълумотлар беради. Ктесий томонидан тасвирланган халқлар орасида бақтрияликлар биринчилардан бўлиб тилга олинади. Бақтриянинг ўзини эса у шарққа жойлаштиради: Ғарб томонидан Бақтрия “текислигига” борадиган йўлни “тоғлар” тўсиб туради, улардан фақат “довонлар” орқали ўтиб борилади. Бақтрия Танаисдан Ҳинд дарёсигача чўзилган, Танаис уни Европадан ажратиб туради, Ҳинд дарёси эса – Ҳиндистондан⁴⁵. Шунини таъкидлаш жоизки, Ктесий асарлари ўзининг асл ҳолига бизгача етиб келмаган. Аммо, юнон тарихчиси Диодор (мил.авв. 90-21 йиллар) “Тарихий кутубхона” асарида Ктесий ҳикояларига асосланган ҳолда Оссурия подшоси Ниннинг Бақтрияга қилган ҳарбий юришлари, Бақтрия подшоси Оксиарт ва унинг хазинаси ҳақида хабар беради.

Ктесий маълумотлари баъзида кўплаб мунозараларга сабаб бўлсада, бу маълумотлар ҳақиқатлиги археологик тадқиқотларда ҳам намоён бўлмоқда. Ҳозирга қадар Бақтрия тупроғида милоддан аввалги I-минг йилликнинг биринчи ярмига оид 240 дан ортиқ қишлоқ-қўрғонлар, қалъалар ва шаҳар қолдиқлари топиб ўрганилган.

Улардан Сурхон воҳасида жойлашган Кучуктепа, Пшактепа, Бешқўтон, Талашкан, Жондавлаттепа, Бандихон I, Буйрачи, Қизилча, Обишир, Шўртепа каби ёдгорликларни айтиб ўтишнинг ўзи етарлидир. Улар муҳофаа деворлари ва буржлари билан мустаҳкамланган қалъа ва қўрғонлар бўлиб, қадимги Бақтрия аҳолиси у даврларда суғорма деҳқончилик билан шуғулланганлар. Уй қурилиши, диний ва дунёвий монументал бинолар қурилиши, кўп тармоқли ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ, айниқса кулолчилик ва металлургия, тўқимачилик ва кўнчилик, заргарлик ва бошқа кўпгина тармоқлар юксак даражада ривожланганлигидан гувоҳлик беради.

Юнон тарихчиси Арриан (милодий 95-175 йиллар)нинг “Искандар юришлари” номли китобида берган маълумотларига кўра, Искандар Бессни

⁴⁵ Ширинов Т. Қадимги Бақтрия подшолиги. “Катта Хоразм” (эрамизгача бўлган VII-VI асрлар)// Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Т.2001. 8-14 б.

таъқиб этиб, Бактрия ҳудудларига кириб келади. Бессни Искандарга қарши жанг қилиш ўрнига, унинг таъқибидан қочаётганлигини пайқаб қолган Бактрия чавандозлари, Бессни ташлаб уй-уйларига тарқаб кетадилар. Искандар эса, ҳимоясиз қолган бактрияликларга ҳоким қилиб, форс Артабозни тайинлаб, мил. авв. 329 йилда Навтакда ўз шериклари томонидан занжирбанд этилган Бессни тутиб, Суғдиёна пойтахти Smarakansa (Самарқанд) томон йўл олади⁴⁶. Арриан маълумотларига кўра, Искандар Суғдиёнада Спитамен билан бўлган жангу-жадаллардан чарчаб, қишни Зариаспда (Бактра қалъасида) ўтказади. Арриан Искандар ҳарбий юришлари тафсилотлари муносабати билан Бактрияни бир неча бор тилга олади. Масалан, мил.авв. 328 йил қишда Зариаспда уни Хоразм подшоши Фарасман вакили билан учрашуви, Бактрияни батамом босиб олиб, у ерда македон ҳарбий қисмларини барпо қилиши ва бошқалар ҳақида ҳикоя қилади.

Милоддан аввалги I асрнинг охири ва милодий I аср ўрталарида яшаган Рим тарихчиси Квинт Курций Руф ўзининг “Македониялик Искандар тарихи” асарида “Бактриянинг табиати бой ва турли-тумандир. Баъзи жойларда кўпдан-кўп дарахтзорлар ва узумзорлар сероб, ширин мевалар ҳосил қилади. Унумдор ерларни кўп сонли булоқ ва дарёлар суғоради. Ҳосилдор тупроғида буғдой экилади. Бошқа ерлар ўтлоқлар учун қолдирилади”. Мамлакатнинг катта бир қисмини ҳосилсиз даштлар эгаллайди, сувсизлик туфайли ташлаб қўйилган жойларда на одамлар, на мевалар бор”, деган қимматли маълумотларни беради⁴⁷. Квинт Курций Руф Искандарнинг ҳарбий юришлари ҳақида батафсил маълумотлар берар экан, яна у Искандарнинг жанг давомидаги психологик ҳолатларини ҳам таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Масалан, Искандар тайёргарлик кўрмасдан биринчи бўлиб жангга киришсада, яралари тузалмай жангга кирган душман аскарларининг жасоратини кўриб, ўзи “ярадорликдан бутунлай тузалмаган ҳолда дўстларини маслаҳатга чақиради”. “У душмандан эмас, балки ноқулай вазиятдан кўрққан эди. Бактрияликлар исён кўтардилар, скифлар безовта

⁴⁶ Арриан. Искандар юришлари. III-китоб, 27,9,10.

⁴⁷ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. ... – Б. 152-153.

киладилар, унинг ўзи зўрға оёққа туриб, отга минишга ҳам, йўлбошчи бўлишга ва аскарларни руҳлантиришга ҳам имкон топмади”⁴⁸. Квинт Курций Руф ҳатто жангларда буюк ғалабага ўрганган Искандарни Спитаменнинг харбий усуллари чўчитиб қўйганлиги, кўп ҳолларда Спитаменга қарши тажрибали саркардалар ва шахсан ўзи бош бўлиб жангга кириши, душманнинг ҳар бир отида иккитадан қуролланган чавандоз бўлиб, кутилмаганда улар навбат билан отдан тушиб, отлиқлар жангида душманига тўсқинлик қилишлари, аскарларнинг эпчиллиги отларнинг чакқонлигига ўхшаб кетиши ва уларнинг душманга қарши бирданига ортдан, рўпара ва ён томонлардан ҳужумга ўтиб, душманни таҳликага солиб қўйишлари ҳақида ёзади. Тажрибали Македон бошчилигидаги қўшин Спитамен билан бўлган бир жангда “2000 минг пиёда, 300 отлиқ чавандозидан ажрайди. Жанг майдонидан чиқиб келган аскарларни Искандар ўлим жазоси билан қўрқитиб, бу мағлубият ҳақидаги хабарни эҳтиёткорлик мақсадида сир сақлади”, деб ёзади Курций Руф.

Бошқа бир юнон тарихчиси Страбон (мил. авв. 64-24 йиллар) ўзининг машҳур “География” асарида қадимги Турон халқларининг урф-одатлари, шаҳар ва дарёлари ҳақида яхши маълумотлар қолдирган. “Олдинги замонларда бохтарийлар ва суғдийларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари кўчманчиларнинг турмуш тарзидан кўп фарқ қилмаган. Аммо, бохтарийларнинг анъанавий маданияти анча юқори бўлган”⁴⁹. «Айтишларича, Искандар Бактрия ва Суғдиёнада 8 та шаҳарга асос солган ва кўпларини вайрон қилган”.

Бактрия ва унинг халқи ҳақида қадимги Хитой ёзма манбалари ҳам қимматли маълумотлар беради. Аммо, Хитой манбалари маълумотларига кўра, мил.авв. II асрнинг охири чорагида кўчманчи сакларнинг Да-юечжи қабила уюшмаси Юнон-Бактрия давлатини ағдариб, Бактрияда сиёсий ҳокимият тохар қабиласи етакчилигидаги юечжилар қўлига ўтади. Шундан бошлаб, Бактрия “Тохаристон” номини олади. Тохаристон хитойча

⁴⁸ Квинт Курций Руф. Македониялик Искандар тарихи. VII китоб, IV боб. – Б. 5-6.

⁴⁹ Страбон. География. XI- китоб, XI боб. –Б. 3.

манбаларда “Дахя”, деб талаффус этилади. Хитой манбаларига кўра, тохар кабилалари дастлаб, Амударёнинг ўнг соҳили, яъни ҳозирги Сурхондарё вилояти ҳудудларига жойлашиб, Далварзинтепани ўзларининг сиёсий пойтахтига айлантирадилар. Айнан мана шу жойда мил. авв. 126 йилда Хитой элчиси Чжан Цян юечжи кабилаларининг бошлиқлари билан учрашиб, хуннларга қарши биргалашиб курашиш таклифига рад жавоб олган эди.

Чжан Цян ўз ҳисоботида уларнинг давлат чегаралари ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Дахя⁵⁰ ғарбга томон, Давандан 3 минг ли жанубда жойлашган. Ундан ғарбда – Аньси (Парфия), шимолда эса Кангуй жойлашган”⁵¹. Чжан Цяннинг таъкидлашича, Да-юечжилар аслида кўчманчи кабилалар бўлиб, янги жойлар аҳолисининг маданий-хўжалик таъсирида ўтrockлашган. Элчи келтирган маълумотлар таҳлиliga кўра, “Дахяда ягона давлат бошлиғи йўқ, ҳар бир шаҳар ўз ҳокими томонидан бошқарилади”. “Дахяда 5 та патриархал князлик хонадонлари (Хюми, Шуанми, Гуйшуан, Хисе ва Дюми мавжуд”. Чжан Цян “Дахяда ўтроқ ҳаёт кечирадилар, шаҳарлари бор ва уйларда яшайдилар, урф-одатлари бўйича дайюанликларга ўхшаб кетади, қўшини кучсизроқ, лекин жангда чаққон ва чапдаст, аҳолиси савдога омилкор”.

Дахя ҳақида Чжан Цян кўриб, билиб ёзган маълумотлар бу заминда олиб борилган кенг кўламли археологик тадқиқотларда тўлиқ ўз аксини топади. Чжан Цян сафаридан сўнг Да-юечжи кабилалари 5 га бўлиниб, юз йиллар чамаси алоҳида – алоҳида яшаганларидан сўнг, Гуйшуан жабғуси Кудзула Кадфиз ўзини Гуйшуан (Кушон) подшоси, деб эълон қилади. У Аньси (Парфия) билан урушлар бошлаб, Ҳиндикуш жанубидаги Пуду (Паропамисада қадимги Кашмир) ни босиб олади ва Гибин (Қобил вилояти) ерларини ҳам эгаллайди⁵².

Хитой ёзма манбалари ва археолого-нумизматика материаллари таҳлиliga кўра, Кудзула Кадфиз 80 йил яшаб, милодий I асрнинг биринчи

⁵⁰ * Бактрия Хитой манбаларида Дахя деб юритилган.

⁵¹ История народов Узбекистана, Том I. – Тошкент, 1955. – С. 92.

⁵² Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. ...– Б. 183.

ярмида Бактрияда подшолик қилган. Рабатак сулолавий рўйхатига кўра, унинг ўғли Вима Такто “номаълум шоҳ” Сотер Мегас номи остида қисқа муддат подшолик қилган. Сўнг ҳокимиятга (милодий 51-78 йиллар) Кудзуланинг бошқа ўғли Вима Кадфиз келиб, Ҳиндистоннинг Банорас вилоятигача бўлган ерларни босиб олади ва юнонларнинг энг сўнгги ҳукмронлигига барҳам беради. Вима Кадфиз пул ислоҳоти ўтказиб, олтин тангалар зарб эттиради. Мамлакат пойтахтини Пешаворга кўчиради.

Кушонлар империяси подшо Канишка даврида ўз қудратининг энг юқори чўққисига кўтарилади. У давлат чегараларини шарққа, Покистон ва Ҳиндистон ҳисобига кенгайтириб, давлат бошқарув тизимини мустаҳкамлайди. Унинг даврида қатор давлат аҳамиятига молик ислоҳотлар ўтказилади. Булар пул ислоҳоти, тил ислоҳоти, ёзув ислоҳоти ва диний ислоҳотлар ўтказилиб, ҳар жабҳада Канишка мустақил ички ва ташқи сиёсатлар олиб боради.

II-БОБ. ШИМОЛИЙ БАКТРИЯНИНГ ҚАДИМГИ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЎРГАНИШДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ

2.1. Шимолий Бактрияда олиб борилган археологик тадқиқот ишларининг натижалари

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Шимолий Бактриядаги қадимги даврига оид ёдгорликлар кенг миқёсда тадқиқ этилиб ушбу ҳудудларнинг қадимги тарихи ва маданияти тўғрисида бой маълумотлар қўлга киритилди. Кўҳна Айритом ёдгорлиги Термиздан 17 км узоқликда, Амурёнинг ўнг қирғоғида, Термиздан Помир олди ўлкаларига кетувчи йўл устида жойлашган. Баланд тепаликдан иборат ушбу кўҳна ёдгорлик жанубий-ғарбдан шимолий-шарқ томонга чўзилган бўлиб, уч томондан деворлар билан ўралган. Ёдгорликнинг ғарб томонида миноралар қолдиқлари аниқланган. Шимол томонда тадқиқотчилар томонидан ибодатхона қолдиқлари деб эътироф этилган тепаликлар қолдиқлари жойлашган.

1932 йилда Айритом ёдгорлигининг ёнида Амударё қирғоғига яқин жойда сув тубидан мусиқачилар тасвирланган тош лавҳалар топиб олинди⁵³. Ўз даврида жуда катта шов-шувга сабаб бўлган бу топилмалар кушон даври Шимолий Бактрия ёдгорликларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1933 йилдаёқ топилма топилган жойда М.Е.Массон бошчилигидаги археологик экспедиция ишлай бошлади. М.Е.Массон томонидан Айритом тепалигида иккита қидирув шурфи қазилган. Тепаликнинг шимолий томонидаги биринчи шурфдан тош қопламалар билан Ванган устуннинг пастки қалин қисми ва унинг ёнидан олтита чўзинчоқ, тасвирлар туширилган тош қопламалар топилган.

Устунлардан шимолроқда қазилган иккинчи шурфдан ҳом ғиштдан қад кўтарган ва режавий тузилиши тўғри бурчакли бўлган хона аниқланган. Хонанинг деворлари оқ сувоқ билан сувалган. Хонанингинг марказида эса

⁵³ Массон.М.Е. Находки фрагмента скульптурного карниза I в. н.э. -Т., 1933.

тўғри бурчакли, хайкал ўрнатиладиган махсус (постамент) очилган. Афтидан, унга хонанинг шимоли-шарқий бурчагидан топилган тош хайкал ўрнатилган бўлса керак. Хонанинг сатҳидан эса тош асослар, тош карнизлар, ганч хайкалларнинг парчалари ва бир нечта меъморий ганчкорлик ишларидан намуналар топилган.

М.Е.Массон топилган иншоотни Будда ибодатхонаси ёки диний хонаси мавжуд бўлган ҳукмдор саройи деб изоҳлади ва милоднинг I асри билан саналади. Тадқиқотчи, шунингдек, бу ердаги топилмалар Гандҳар санъати ва Ҳинд хайкалтарошлик мактаби анъаналарини эслатувчи Шарк эллинистик маданиятини ўзида акс эттиришини таъкидлайди⁵⁴.

Айритомдаги 1933 йилги қидирув ишлари Ўрта Осиёда юнон-будда маданияти меъморчилиқ ёдгорликлари ўрганилишини бошлаб бериб, қўшни Термиз кўҳна шаҳри ҳудудларидаги айнан шунга ўхшаш ёдгорлиқлар даври ва санасини аниқдашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1936 йилга келиб Термиз археологик комплекс экспедицияси ташкил этилди. М.Е.Массон бошчилиқ қилган ушбу экспедиция кушон даври тарихи ва маданияти масалаларини изчил тадқиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. 1936-1937 йиллар мобайнида Эски Термиз ва унинг атрофларида қазишма ишлари олиб борилди.

Термиз экспедициясининг кейинги йиллардаги тадқиқотлари натижасида Термиз шаҳрининг тарихий топографияси аниқланди. Кўҳна шаҳарда иккита йирик Будда ибодатхонасининг мавжудлиги ва унинг мустаҳкам ҳимоя деворлари билан ўраб олинганлигига асосланиб, шаҳарнинг нисбатан ривожланиш палласи кушонлар даврига тўғри келиши исботланди⁵⁵.

Айритомда қазишма ишлари олиб бориш ТАКЭ нинг 1937 йилги режасига киритилиб, М.И.Вязьмитина бошчилигида махсус гуруҳ тузилди. 1937 йилги қазишмалар тепаликнинг шимолий-шарқидаги жар билан туташиб

⁵⁴ Массон.М.Е. Находки фрагмента скульптурного карниза I в. н.э. -Т., 1933. -С. 44

⁵⁵ Массон.М.Е. Термезская археологическая комплексная экспедиция (ТАКЭ) // КСИИМК. -1940. -№8. -С. 113

кетувчи 288 м² майдонни (3-4 м чуқурликда) қамраб олган⁵⁶. Турли сабаларга кўра кўрсатилган майдон тўлалигича очилмаган. Фақатгина бир қатор диний ва маъмурий вазифаларни бажарган хоналардан иборат бинонинг бир қисми очилган, холос. Бинодаги турли ўлчамли хом ғиштлар, уларнинг таркиби, ишлатилган қоришмалар ва бошқа белгилар бино дастлабки қурилган пайтидан сўнг бир неча марта қайта таъмирланиб унга кўшимчалар киритилганлигидан далолат беради.

М.Вязьмитина бошчилигида олиб борилган тадқиқотлар натижасида казиб очилган бинонинг қай мақсадда қурилгани ва бажарган вазифалари аниқланиб, бино ички қисмининг режавий тузилиши, қурилиш ашёлари ва ўлчамлари, турли-туман меъморий топилмалар ўрганилган.

Тадқиқотчилар ўрганилган бинони, диний хусусиятга эга бўлган, шунингдек, ичида коҳинлар яшайдиган ётоқхона, ошхона, омборхона каби турли ёрдамчи хоналари мавжуд бўлган Будда ибодатхонаси деб ҳисоблайдилар. Айнан шунга ўхшаш ибодатхоналар қолдиқлари Ҳиндистон, Афғонистон ва Шарқий Туркистондан топилган. Хитой солномачиларининг маълумотларига кўра, Будда ибодатхоналарида нафақат диний маросим ва урф-одатларга, балки хўжалик ҳаётига ҳам катта эътибор берилган. М.Вязьмитина тадқиқотлари натижаларига кўра, баланд тепаликдаги пештоқда тасвирли тош ҳошияси бўлган ибодатхона иншооти нисбатан қадимгироқ даврга оид бўлиб, у ердаги устунлар остидан топилган тўртбурчак сопол қопламаларни М.Е.Массон «Бақтрия ғиштлари» деб атаган. Атрофида бутун ибодатхона иншоотларини мужассамлаштирган ибодатхона маркази афтидан Ҳиндистондан келган қайсидир Будда жамоаси аъзолари томонидан бунёд этилган бўлса керак.

Бино пештоқидаги тасвирларнинг диққатни тортадиган томони шундаки, тасвирларнинг алоҳида қисмлари ўзига хос хусусиятларга эга. Пештоқнинг айрим қисмлари турли даврларда ёки таъмирлаш жараёнида бунёд этилган деган фикрлар ҳам бор. Пештоқдаги мусиқачилар тасвирланг шарафа нисбатан яхши сақланган ва бадиийлиги кучли. Қолганлари нисбатан кўполроқ бўлиб,

⁵⁶ Вязьмитина М.И. Раскопки на городище Айртам // Тр. ТАКЭ. –Т., 1945. –Т.II. –С. 23-34

тасвирлари ҳам сермазмун эмас.

Умуман олганда, тасвирлари ва тузилишига кўра, пештоқ манзаралари эллинизм намуналарини эслатади. Пештоқдаги мусикачилар бой қимматбаҳо тақинчоқлар билан тасвирланган.

Айритом пештоқида тасвирланган уд Олд Осиё, Эрон, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистондаги мусика асбобларига ўхшаб кетсада, ўзига хос хусусиятларга эга. Найсимон мусика асбоби эса Ўрта Осиё мусика асбобларига хос эмас. Улар юнонлар билан кириб келган. Айнан шунга ўхшаш мусика асбоблари Афғонистондаги эллинистик ёдгорликларда, чанг эса Ҳиндистон ва Шарқий Туркистоннинг ҳайкалтарошлик ёдгорликларида учрайди.

Айритом пештоқларини шунга ўхшаш ҳайкалтарошлик ёдгорликлари билан солиштирган тадқиқотчилар шундай хулосага келадиларки, бу ёдгорлик дастлабки Кушон ҳукмдорлари даврига оид Матхура мактаби ҳайкалтарошлик анъаналарига анча яқин туради. Бу даврда ушбу мактаб йирик маданий марказ бўлиб, Гандҳар мактабидан фарқ қилувчи маҳаллий хусусиятларга эга эди.

Хуллас 1937 йилда М.И.Вязьмитина Кўҳна Айритом ёдгорлигидаги Будда ибодатхонасида олиб борган қазилар ишлари натижасида қизиқарли моддий манбалар топишга муваффақ бўлди. Олима тадқиқотчилар орасида биринчи бўлиб кушон сополларини ҳар томонлама таснифлаб берди⁵⁷. Сополларнинг санасини белгилашда айрим нисбийликлар мавжудлигига қарамасдан олиманинг тадқиқотлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шунингдек, Г.А.Пугаченкованинг ўша йилларда антик давр меъморчилиги соҳасида олиб борган тадқиқотлари ҳам диққатга моликдир⁵⁸.

Айритомдаги сопол идишлар, асосан (йирик хумлардан ташқари), кулолчилик чархида тайёрланган. Сопол идишлар тайёрлаш учун соғ тупрок шу ернинг ўзидан олинган (нисбатан нозик идишлар тайёрлаш учун соғ

⁵⁷ Вязьмитина М.И. Раскопки на городище Айртам // Тр. ТАКЭ. –Т., 1945. –Т. II. –С. 23-34; уша муаллиф. Керамика Айртама иремаш кушанов // Тр. ТАКЭ. –Т., 1945. –Т. II. –С. 35-64.

⁵⁸ Пугаченкова Г.А. Фрагменты эллинистической архитектуры правобережного Тохаристана // Тр. ТАКЭ. Т., 1945. –Т. II. –С. 65-81.

тупроқнинг махсус турларидан фойдаланилган). Дастлабки қазилмалар пайтидаёқ бу ердан 20 дан ортиқ идиш турлари - хумлар, хумчалар, тоғоралар, товоқлар, кўзаларнинг парчалари топилган.

Хуллас, ўша йилларда Айритом ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар Ўзбекистон ҳудудларидаги антик давр тарихий-маданий жараёнларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айритом манзилгоҳида олиб борилган археологик тадқиқотлар Ўрта Осиё ҳудудларидаги кейинги юнон-будда маданияти ёдгорликларини ҳар томонлама ўрганишни бошлаб берибгина қолмай, шу даврга оид кўпгина ёдгорликларнинг даври ва санасини аниқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Термиз археологик комплекс экспедициясининг асосий мақсадларидан бири Кўҳна Термиз ва унинг атрофларидаги турли даврларга оид моддий маданият ёдгорликларини аниқлаш ва уларда тадқиқот ишлари олиб боришдан иборат эди. Ушбу тадқиқотларга қазилма ишарига алоқадор бўлган турли мутахассислар жалб этилди ва улар махсус гуруҳларга бўлинди.

Б.Б.Пиотровский бошчилик қилган гуруҳ кўҳна шаҳарнинг жанубий-шарқида жойлашган Чингизтепада қазилма ишлари олиб борди⁵⁹. Тадқиқотлар шарқий девор яқинида жойлашган тўғри бурчакли иншоотдан бошланди. Бу объектда тўртбурчак шаклда (2х2м) қазилма ишлари олиб борилиб, 1936 йилда иншоотнинг шимолий қисмидаги тўртта хонадан иборат 220 м² майдондаги қисми очилди. Иншоотнинг деворлари катта-катта хом ғиштдан қад кўтарганлиги аниқланди. Шунингдек, хоналар сатҳида бир нечта маданий қатламлар борлиги текширишб, энг юқоридаги қатлам IV ёки V асрларга оид эканлигини бу ердан топилган сосоний Варахрон IV тангаси тасдиқлайди.

Дастлабки олиб борилган қазилмалар натижасида Кўҳна Термиз харобаларидан шаҳар мавжуд бўлганлигининг қадимги даврларини тасдиқловчи маълумотлар олинмаган. Дастлабки тадқиқотларнинг умумий натижаларидан хулоса чиқарган М.Е.Массон Термиз шаҳри фақат юнон-Бақтрия даврига келиб

⁵⁹ Пиотровский Б.Б. Раскопки на Чингизтепе // Тр. ТАКЭ. -Т., 1940. -Т. I.

кандайдир шаклда мавжуд бўлган бўлиши керак деган фикрни илгари суради. Ундан ташқари, тадқиқотчи Термиз мустақил мулк сифатида бу давлатнинг шаҳар давлатлари таркибига кирган бўлиши ҳам мумкинки, бу фикрга бу ердан топилган юнон-бактрия даври тангаларини чуқур таҳлил этиб, янада аниқлик киритиш мумкин⁶⁰ деган ғояни илгари суради.

Дастлабки тадқиқотлар натижаларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, шаҳарга асос солаётган аҳоли бунинг учун жуда қулай жойни танлаган. Термиз қадимдан кўплаб ҳудудларни боғлаб турувчи савдо йўли устида жойлашган. Амударёнинг Термизга яқин қисмида кечувлар жойлашган бўлиб, дарёнинг ўзи Юқори Панж ва Хоразм йўлларини боғловчи қулай сув йўли ҳисобланган. Хитой солномалари Амударёда кема қатновининг Парфия даврига оидлиги ҳақида маълумот берсада, тадқиқотчилар бу жараён янада қадимгирок даврда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлайдилар. Термизнинг шимол томонида дарё қирғоғининг қуйи ва юқори оқимлари буйлаб йўллар ўтган бўлиб, шимоли-ғарбий йўналишда бу йул Темирдарвоза Сўғдга, шимоли-шарқий йўналишда эса Чағониён орқали Марказий ва Шарқий Осиё мамлакатларига олиб борган.

Кейинчалик шаҳар ҳудудлари кенгайиб, атрофдаги қадимги маданий қатламлари бўлган Дунётепа ҳам унинг таркибига киради. Милоднинг бошларига келиб Термиз ҳаётида Будда жамоалари катта аҳамиятга эга бўла бошлайдики, уларнинг тарафдорлари бўлган ҳукмдорлар Ҳиндистон, Хитой ва Рим билан бўлган халқаро савдо алоқаларидан манфаатдор эдилар. Айнан мана шу даврга келиб Термиз ўз ривожланишининг юқори даражасига кўтарилади.

1936 йилги қазишмалар натижасида Кўҳна Термизнинг тарихий топографиясига ҳам бирмунча аниқликлар киритилди⁶¹. Хусусан, шаҳар қальаси, шаҳар майдонлари ва шаҳар олди қисмлари ўрганилди. Аммо бу

⁶⁰ Массон М.Е. Городища Старого Термеца и их изучение // Тр. ТАКЭ. 1940-1941. -Т. I. -С. 87.

⁶¹ Шишкин В.А. К исторический топографии Старого Термеца // Тр. ТАКЭ. 1940. -Т. I. -С. 123-153.

тадқиқотларнинг натижалари кўп ҳолларда ўрта асрлар даври билан боғланади.

1937-1938 йилларда ҳам Кўҳна Термизда археологик тадқиқотлар давом эттирилди⁶². Ушбу тадқиқотлар натижасида Термиз шаҳрининг дастлабки ўрни аниқланди. Яъни, кўҳна шаҳарга илгари тахмин қилинган Чингизтепа ўрнида эмас, балки унга дастлаб ўрта асрларда қад кўтарган қалъа ўрнида асос солинганлиги исботланди. Айнан шу ерда, 10 га дан зиёдрок бўлган майдонда антик даврда атрофи деворлар билан ўралган шаҳар мавжуд бўлган. Кўҳна шаҳарнинг бир неча жойида олиб борилган текширув ишлари натижасида бу ердаги антик давр маданий қатлами бошқа давр қатламларига нисбатан анча қалин эканлиги аниқланди.

Юнон-Бақтрия подшолиги кулаганидан кейин, айниқса, кушонлар даврида кўҳна шаҳар ўз ривожининг юқори чўққисига кўтарилганлиги 1937-1938 йилги тадқиқотлар натижасида ўзининг аниқ исботини топди. Амударё олди кўҳна шаҳрининг кенг майдонида милoddан аввалги сўнгги асрлар ва милoddнинг дастлабки асрларига оид бой археологик топилмалари бўлган маданий қатламлар аниқланди ҳамда ўрганилди. Топилмалар орасида сирланган ва буёқ билан ишлов берилган нозик сопол идишлар, бронза ва суякдан тайёрланган буюмлар, эллинистик маданият излари бўлган, тош ва ганчдан ишланган ҳайкалтарошлик ҳамда меъморчилик ишларининг намуналари кўплаб учрайди.

Шунингдек, кўҳна шаҳарнинг турли жойларидан Кушон подшолари Кадфиз II, Канишка, Хувишка ва Васудеваларнинг кўплаб мис тангалари топилган. Антик шаҳарнинг шимолий-шарқ томонидан металл ишлаб чиқариш, хусусан, темирни қайта ишлаш билан боғлиқ ашёлар топилган. Металл ишлаб чиқариш, афтидан, Кўхитангтоғдаги хомашёга асосланган бўлса керак.

ТАКЭ тадқиқотларига кўра, кушонлар даврида Термиз атрофларида Будда ибодатхоналари бунёд этилган. Шундай ибодатхоналардан бири, майдони 8 га

⁶² Массон М.Е. Работы Термезской археологической комплексной экспедиции (ТАКЭ) в 1937 и 1938 гг. // Тр. ТАКЭ. -Т., 1945. -Т. II. -С. 3-9.

дан зиёдроқ бўлган Қоратепа харобаларини тадқиқ этиш бу ерда ярим ғор кўринишидаги иншоот мавжуд бўлганлигини аниқлаш имконини берди. Бу ерда учта ер ости ғорсимон хоналари ва йирик тўртбурчак хом ғиштлардан бунёд этилган катор ер усти хоналари мавжудлиги аниқланган. Айрим ҳолларда деворлар текис меъморий қопламалар билан қопланган. Ички деворларнинг айрим жойларида тасвирлар учрайди. Бир жойда инсоннинг ҳақиқий катталигидаги тасвири бор. Бу тасвирда гавданинг фақат пастки қисми сақланиб қолган.

Қоратепанинг шимоли-шарқий томонида режавий тузилиши жиҳатидан тўғри бурчакли бўлганлиги аниқ кўриниб турган йирик иншоот харобалари сақланиб қолган. Унинг яқинида, шаҳар ташқи деворларининг ёнгинасида, бир неча кулолчилик хумдонларининг қолдиқлари жойлашган. Ўша атрофда сопол ва темир қотишмалари, бу ашёлардан ишланган кўплаб буюмлар қолдиқларининг топилиши шундан далолат берадики, бу ерда мавжуд бўлган хунармандчилик устахоналари фақат коҳинлар учунгина хизмат қилмасдан, ортиқча маҳсулотни бозорга ҳам чиқарган.

Хуллас, 1936 йилда ТАКЭ нинг ташкил этилиши кўҳна шаҳарнинг даставвал ва ҳар томонлама тадқиқ этилишида муҳим аҳамият касб этди. Ўша йиллари кўҳна шаҳарнинг жойлашган ўрни, унга асос солинган вақт, унинг бошқа ҳудудлар билан муносабатлари ҳамда моддий маданияти масалаларига кўпгина аниқликлар киритилди. Кўҳна Термиздаги дастлабки тадқиқотлар натижалари айрим ҳолларда тахминлардан иборат бўлишига қарамай, бу хулосалар кейинги тадқиқотларда тўғри ва аниқ хулосалар чиқариш имконини берди.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон санъатшунослик илмий-тадқиқот институтини қошида Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси (ЎзСЭ) ташкил этилганига 2010 йилда 50 йил тўлди. Академик Г.А.Пугаченкованинг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган ушбу экспедиция ўтган давр мобайнида тарихимизнинг турли (илк темир, антик, ўрта асрлар) даврлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Г.А.Пугаченкова ибораси билан айтганда, ушбу

экспедицияни санъатшунослик-археологик экспедиция деб аталса тўғрирок бўлар эди⁶³. Чунки экспедиция тадқиқотларининг асосий мақсади ўтмиш даврдаги бадий меъросимизни топиш ва ўрганиш бўлишига қарамай, тадқиқот ишлари кенг кўламдаги қазилмалар орқали олиб борилиб, маданий қатламлар ҳамда улардаги моддий маданият буюмлари, шаҳарсозлик масалалари, меъморчилик ва санъат, тарихий топография, шунингдек, стратиграфия муаммолари ўрганилади. Экспедиция тадқиқотлари асосан Сурхондарё, Самарқанд ва қисман Жиззах вилоятлари ҳудудларида олиб борилган.

Қадимги Бактриянинг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида ўтган асрнинг 60-йилларига қадар 50 дан зиёдроқ антик давр ёдгорликлари аниқланган бўлса, ҳозирга қадар уларнинг сони 300 дан ошиб кетди. Айниқса, сўнгги йилларда қадимги Бактрия шаҳарсозлиги, муҳофаа иншоотлари, меъморчилиги масалаларига кенг эътибор берилмоқда.

Сурхон воҳасидаги йирик кўҳна шаҳар - Далварзинтепанинг умумий майдони 53 га ни ташкил этади. Кўҳна шаҳар икки қисмдан: қалин муҳофаа девори билан ўраб олинган шоҳ саройи - кўҳандиз ва шаҳарнинг ўзидан иборат. Кушон даврининг йирик кўҳна шаҳри бўлган ушбу ёдгорликни ўрганишни 1949 йилда Л.И.Альбаум шаҳристонни куздан кечириш билан бошлади. 1960-1961 йилларда эса тадқиқотчи топографик тарҳни чизиб, дастлабки қазилмалар олиб борди⁶⁴.

1962-1963 йилларда Далварзинтепада Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси ҳодимлари қидирув-текширув қазилмалари олиб бордилар. 1967 йилдан яна бошланган Далварзинтепа қазилмалари ҳозирги кунга қадар давом этмоқда. Далварзинтепада узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар натижаларига асосланиб шундай хулоса чиқариш мумкинки, мил.авв. III асрда кўҳна шаҳарнинг шимолий-шарқдаги тепаликда унга асос солинган. Бирмунча кейинроқ аниқроғи юнон-бактрия даврида, кўҳна шаҳарнинг бу қисми 2 м қалинликдаги девор билан ўраб олиниб, майдони 3 га дан зиёдроқ

⁶³ Пугаченкова Г.А. Двадцать лет Узбекистанской искусствоведческой экспедиции // ОНУ. -1980. -№7.

⁶⁴ Альбаум Л.И. Городище Дальварзинтепе // ИМКУ. -Т., 1966. -Вып. 7.

бўлган қалъага айлантирилади. Унинг атрофида унча мустаҳкам бўлмаган турар жойлар пайдо бўлади⁶⁵. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, милoddан аввалги I асрнинг иккинчи ярми ёки милodий I аср бошларида кўҳна шаҳарнинг дастлабки ўзаги ўрнида мустаҳкам, деворлари 7 м гача калинликдаги кўҳандиз пайдо бўлади. Атрофдаги унча мустаҳкам бўлмаган турар жойлар эса шаҳарга айланади.

Буюк Кушонлар даврида Далварзинтепанинг деворлари ва буржлари хом ғиштли ташқи қобик билан мустаҳкамланиши натижасида қалинлиги 6 м дан ошади. Шимолий Бактриянинг эллинистик тартибдаги мустаҳкам деворлари кушонлар даврида бирмунча ўзгара боради. Шунинг учун ҳам кушонлар даврида қалъа деворлари ривожланишининг бошқачарок, яъни бактрия ва юнон қурилиши тажрибалари аралашуви натижасида ривожланган кўринишини кузатиш мумкин.

Кейинчалик Далварзинтепадан яна бир Будда ибодатхонаси қолдиқлари очилди⁶⁶. У шаҳар деворидан ичкарида жойлашган бўлиб, илгариги шаҳар ташқарисидаги ибодатхонадан биров каттароқ. Бу ибодатхонадан топилган ҳамда лойдан ишланиб, усти юпка ганч билан қопланган ҳайкаллар эътиборни тортади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Далварзинтепа ҳайкалтарошлиги кушон даври Гандҳар-Бактрия анъаналарига ўхшаб кетсада, эндигина пайдо бўлаётган айрим маҳаллий янги услуб жиҳатларини ҳам ўзида акс эттиради⁶⁷. Сурхон воҳасининг кушон даври тарихи ва маданиятини ўрганишда Денов шаҳри яқинидаги Холчаён кўҳна шаҳридан топилган топилмалар жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу ёдгорлик 1959-1963 йиллар давомида Г.А.Пугаченкова бошчилигидаги илмий экспедиция томонидан ўрганилди⁶⁸.

Холчаёнда олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, бу ерда

⁶⁵ Пугаченкова Г.А. Работы в Шурчинском районе Узбекской ССР // Археологические открытия 1972 года. - М., 1973.

⁶⁶ Тургунов Б.А. Раскопки второго буддийского храма на Далварзинтепе // Античные и раннесредневековые древности Южного Узбекистана. - Т., 1989.

⁶⁷ Пугаченкова Г.А. В поиске культурных ценностей прошлого // Античные и ранне средневековые древности Южного Узбекистана. -Т., 1989. -С. 15.

⁶⁸ Пугаченкова Г.А. Образ чаганианского правителя на терракотовом медальоне из Халчаяна // ВДИ. -1963.. -№2; ўша муаллиф. Халчаянская Афина // ВДИ. -1963. -№2; ўша муаллиф. К истории античной ироительной техники Бактрии и Тохаристана // СА. -1963. -№4 ; ўша муаллиф. Скульптура Халчаяна. -М., 1971

мил.авв. I минг йилликнинг ўрталаридаёқ ўтроқ аҳолининг манзилгоҳи пайдо бўлган. Г.А.Пугаченкованинг фикрича, Холчаённинг энг пастки стратиграфик катлами мил.авв. IV-III асрларга оиддир. Умуман, Холчаёнда тараққиётнинг биринчи босқичи мил.авв. III асрга, иккинчи босқичи эса мил.авв. II-I асрларга тўғри келади. Ривожланишнинг иккинчи босқичида Холчаён мустаҳкам муҳофаа деворлари билан ўралган йирик кўҳна шаҳарни ўзида акс эттиради.

1962-1964, 1979 йилларда Ўзбекистон санъатшунослик институти экспедициясининг тадқиқотчилари Айритом ёдгорлигида қазилма ишларини давом эттирдилар. Ёдгорликнинг шарқий қисмидан алоҳида турувчи зинапоя очилди. Унинг атрофларини тозалаш натижасида иккинчи зинапоя қолдиқлари ҳам аниқланган бўлиб, у ёдгорликнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган⁶⁹. Қазилмалар натижасида меъморчилик ишларига оид топилмалар сони кўпайди. Хусусан, илгари маълум бўлган қопламалардан ташқари, бир неча устунлар, уларнинг асослари, ўзига хос турли тасвирлар туширилган устун қошлари ўрганилиб, тадқиқот натижалари қисман чоп этилди⁷⁰.

Санъатшунослик экспедициясининг кейинги йиллардаги кашфиётлари натижасида Айритом манзилгоҳи маданий мажмуи тарҳини қайта тиклаш ва унинг даврини аниқлашда охактошдан ишланган плитанинг топилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу плита маълум устунлардан 15 м узокликда, ер сатҳидан 1,5 м чуқурликда жойлашган.

Бу топилманинг қимматли томони шундаки, ундаги ҳайкал ўрнатиладиган тагкурсида Бактрия ёзуви битилган. Бу ёзувнинг даври аниқланган бўлиб, унда Айритомдаги Будда диний мажмуи қурилишининг бир қанча босқичлари ҳақидаги қимматли маълумотлар сақланган. Ушбу ёзувларни ўқиш ва таҳлил этиш ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1981 йилда эълон қилинган бўлса-да⁷¹, 1985 йилда янада батафсилроқ маълумотлар чоп

⁶⁹ Пугаченкова Г.А. Два ступа на юге Узбекистана // СА. -1967. -№3. -С. 257-264.

⁷⁰ Гургунов Б.А. Каменные архитектурные детали из Айртама // Искусство зодчих Узбекистана. -Т., 1969. Нып. IV.

⁷¹ Гургунов Б.А., Лившиц В.А., Ртвеладзе. Э.В. Открытие бактрийской монументальной надписи в Айртаме//ОНУ. -1981.-№3.

этилди.

1982 йилда ЎзСЭ нинг Э.В.Ртвеладзе бошчилигидаги илмий гуруҳи Кампиртепада казишма ишлари олиб боришга киришди. Бу кичик кўҳна шаҳар Амударёнинг ўнг қирғоғида Шўроб қишлошдан 1,5 км ғарбда жойлашган. Тадқиқотлар натижаларига қараганда, қалъа уч қисм: кўҳандиз, мустаҳкам девор билан ўралган манзилгоҳ, (девор ташқарисида мустаҳкамланган майдонлар бўлиб, унда дафн этиш иншоотлари жойлашган) ҳамда алоҳида турар-жойлардан иборат бўлган⁷².

1980 йилларнинг ўрталарида Кампиртепада қазув ишлари яна давом эттирилди. Бу казишмалар натижасида Кампиртепа қалъасидаги турар-жойлар, уларнинг ўлчамлари, қурилиш ашёлари ўрганилиб, Ўрта Осиё ва унга чегарадош ҳудудлардаги қушон даври ёдгорликлари билан солиштириб чиқилди⁷³.

ЎзСЭ тадқиқотлари натижасида топилган топилмалар орасида кичик санъат ҳисобланган терракота ҳайкалчалари алоҳида ўрин эгаллайди. Уларнинг Бақтрия - Тохаристонда нисбатан кўпроқ тарқалган кўринишлари турли-туман бўлиб, ушбу терракоталар чавандози бўлган ёки уларсиз отчалар, маъбудалар тасвирларидан иборат. Шуларга ўхшаш бир қанча санъат намуналари Кампиртепадан топилган. Бу ердаги ўйма қолиплар, яланғоч маъбудалар ҳайкалчаларини бошқа ҳудудлардаги айнан шунга ўхшаш санъат намуналари билан солиштириш жараёнида уларнинг барчаси эллинизм тарихий-маданий таъсири доирасида бўлганлиги аниқланган.

Кампиртепа топилмалари орасида Бақтриянинг Улуғ Худоси (ёки маъбудаси) га топиниш билан боғлиқ бўлган терракоталар ҳам мавжуд. Бу ердаги ҳайкалчалар йўғон лой асоснинг бор бўйига қомат тасвирланиб ижро этилган ва айрим жойларида ангоб (буёк) излари сақланиб қолган. Маъбуданинг сочлари ўрилиб, тепага турмакланган, тоси кенг, қўллари икки ёнга тушган. Бундай яланғоч маъбудалар Шимолий Бақтрия ҳудудида биринчиси

⁷² Ртвеладзе. Э.В. Кушанская крепость Кампыртепе (исследования и открытия) // ВДИ. 1984. -№2. -С. 86-93

⁷³ Савчук С.А. Цитадель Кампыртепе // Античные и раннесредневековые древности Южного Узбекистана. 1 1984 -С. 73-80.

бўлмасдан, айнан шунга ўхшаш ҳайкалчалар Холчаёндан ва Бараттепадан⁷⁴ ҳам топилган. Кампиртепа ҳайкалчалари кушон даври қатламларидан топилган бўлишига қарамай тадқиқотчилар уларни мил.авв. I асрга оид деб ҳисоблайдилар⁷⁵.

ЎзСЭ нинг сўнгги йилларда олиб борган тадқиқотлари натижасида аниқланган стратиграфик ва маданий қатламлардан антик даврга оид бой сопол мажмуалари ўрганилди. Хусусан, Шимолий Бактриядаги Холчаён ва Далварзин ёдгорликларининг сопол мажмуаларига нисбатан Кампиртепа ёдгорлиги янги материаллар бериб, илгариги саналарга биров ўзгартиришлар киритиш имконияти пайдо бўлди. Топилмаларни саналаш (даврини аниқлаш) ниҳоятда муҳим бўлиб, кушон даври сополларини саналашда рад этиш ҳоллари ҳам (Канишка даври бошланиши ҳақидаги фикрларнинг турли хиллиги нуқтаи назаридан) учраб туради⁷⁶. Шу билан биргаликда, бу давр учун ЎзСЭ томонидан «юечжилар доираси»га хос сополлар мажмуасининг ўрганилиши ҳам диққатга сазовордир.

Кейинги йилларда ЎзСЭ тадқиқотлари натижасида Шимолий Бактрия кўҳна шаҳар ва манзилгоҳларининг турли қатламларидан юнон-бактрия, кушон, кушон-сосон даврларида зарб этилган кўплаб тангалар топилган бўлиб, улар орасида унча катта бўлмаган хазиналар ҳам бор. Санъатшунослик институти лаборатория ҳодимлари томонидан ўтказилган Гелиоклдан тортиб Васудевагача бўлган тангаларнинг таҳлили натижасида турли ҳукмдорлар даврида зарб этилган тангаларнинг хусусусиятлари аниқланди.

ЎзСЭ тадқиқотлари орасида Бактрия ёзуви ёдгорликларининг кашф этилиши, айниқса, муҳимдир. 1977 йилда фан оламида катта шов-шувга сабаб бўлган кашфиёт қилинди. Яъни, Айритомдан кўпгина хусусиятларига кўра ҳинд кўринишларини ўзида акс эттирувчи йирик ҳайкал қолдиқларининг пастки қисми, унинг остида эса бир қисми учиб кетган олти қаторли Бактрия ёзуви топилди. Бу ёзувлар ўқилиши натижасида (айрим

⁷⁴ Пугаченкова Г.А. Новые данные о художественной культуре Бактрии // Из истории античной культуры Узбекистана -М., 1973.

⁷⁵ Савчук С.А. Предметы малого искусства из Кампиртепе // ОНУ. -1984. -№7.

⁷⁶ Литвинский Б.А., Седов А.Б. Культы и ритуалы кушанской Бактрии. -М., 1974. -С. 29.

харфлар, баъзан эса сўзлар бутунлай учиб кетганлиги бу жараёни кийинлаштирган бўлишига қарамай) қизиқарли маълумотлар олинди. Жумладан, бу ёзувлар иншоот мажмуини ура турувчи деворни қандайдир Шодийа томонидан қайта тикланиши билан боғлиқ бўлиб, бу воқеа Кушон подшоси Хувишка ҳукмронлигининг тўртинчи йилида содир бўлган. Ёзувни эса (балки ҳайкалларни ҳам) Мирзод исмли уста ижро этган⁷⁷.

Сурх-Коталдан (Тожикистон) топилган машҳур Ноканзоко ёзувидан кейин Айритом ёзувлари иккинчи, чунончи, тарихий мазмундаги лўнда ва аниқ кушон-бактрия ёзувидир. Кампиртепадаги биноларнинг биридан ҳам папирусда битилган бактрийча матнлар (30 та парча) топилган бўлиб, улар мил.авв. II асрга оид эканлиги аниқланган⁷⁸.

ЎзСЭ тадқиқотлари натижасида антик давр Шимолий Бактрияри аҳолисининг кўмиш маросимлари билан боғлиқ анъаналарининг ўзига ҳос томонларини очиб берувчи турли-туман маълумотлар олинган. Кампиртепадаги ташлаб кетилган шаҳар қалъа буржларидан вафот этганлардан кўп кишилар биргаликда (коллектив) дафн этилган қабрлар ва улардан бой қабр ашёлари топилган. Топилмалар санасини белгилашда улар орасидаги Хувишка тангаси муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1960 йиллардаёқ Айритом ёдгорлиги яқинида мил.авв. I - мил. I асрларга оид унча катта бўлмаган қабр ўрганилган эди⁷⁹. Бу қазилмалар 1978 йилда яна давом эттирилди ва қоплама кўринишдаги 25 та қабр очилди. Бу қабрлардан топилган кузатувчи буюмлар кўмиш маросимлари ҳақида маълум хулосалар чиқариш имконини берди. Бу ердаги кўмиш маросимлари кўп ҳолларда Тулхар, Аруктов (Кофирниҳон воҳаси) ва Бабашов (Чоржўй тумани) қабристонларидаги кўмиш маросимларига ўхшаб кетади⁸⁰.

Шундай қилиб, ўтган йиллар мобайнида ЎзСЭ нинг илмий текширув ва

⁷⁷ Тургунов Б.А., Лившиц В.А., Ртвеладзе Э.В. Открытие бактрийской надписи в Айртаме // ОНУ. -1981. - №3

⁷⁸ Ртвеладзе Э.В. Кушанская крепость ... -С. 104.

⁷⁹ Тургунов Б.А. К изучению Айртама // Из истории античной культуры Узбекистана. -Т., 1973. -С. 64

⁸⁰ Пугаченкова Г.А. В поиске культурных ... С. 25.

тадқиқотлар доираси кенг ҳудудларни қамраб олган бўлса-да, диққатга сазовор кўпгина кашфиётлар Шимолий Бактрия ҳудудларида амалга оширилди. Тарихнинг турли давларига оид ушбу кашфиётларда Г.А.Пугаченкова, В.А.Турғунов, Э.В.Ртвеладзе, А.С.Сагдуллаев, З.А.Ҳакимов, Е.Некрасова, В.А.Лунева, С.В.Левушкина, М.Исҳоқов, Т.В.Беляева, С.А.Савчук (Қурбонов), Д.Илёсов каби кўплаб олим-археологларнинг хизматлари катта бўлди. Узоқ йиллар фанга номаълум бўлган антик давр, хусусан, кушон даври тарихи ва маданияти ЎзСЭ нинг тадқиқотлари туфайли дунёга машҳур бўлди. Далварзин, Холчаён, Кўҳна Термиз, Кампиртепа, Зартепа, Айритом каби Шимолий Бактриянинг қадимий ёдгорликларидан топилган режавий-услубий тузилиш, маҳобатли меъморчилик намуналари, жуда кўплаб турли-туман моддий маданият буюмлари ҳақиқатан ҳам антик давр Ўзбекистон халқлари юксак маданият соҳиблари бўлиб, Шарқдаги қадимдан ривожланган маданият ўчоқлари билан узвий маданий ва иқтисодий алоқада бўлганлигини яна бир бор тасдиқлади.

2.2. Бактрия археологик комплекс экспедициясининг тарихий ва маданий жараёнларни ўрганишдаги ўрни

Қадимги Бактрия тарихи ва маданиятини ўрганишда Бактрия археологик комплекс экспедициясининг фаолияти алоҳида мазмун касб этади. Бу экспедиция ўз тадқиқот-қидирув ишларини 1972 йилда бошлади. Экспедиция ишида В.М.Массон, Ш.Р.Пидаев, Т.Аннаев, Г.А.Кошеленко, К.Собиров, В.Н.Пилипко ва В.А.Завьялов сингари олимлар иштирок этдилар. Олимлар ўз эътиборини асосан кушон ва илк ўрта асрлар давридаги Бактрия шаҳар ва қишлоқларининг тарихини ўрганишга қаратдилар. Айниқса, бу экспедиция Бактрияда урбанизация жараёнларининг шаклланиши ва ривожланиши масалаларига алоҳида эътибор берди ва ушбу масалани бевосита кузатиш мақсадида 1973 йилдан Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида жойлашган Зартепа кўхна шаҳар харобасида археологик тадқиқот ишларини олиб борди.

Бунда тадқиқотчилар кўхна шаҳарнинг меъморий тузилиши, қурилиши, шаҳар аҳолисининг яшаш шарт-шароитлари, маданияти, эътиқоди каби бир қатор масалаларни ёритишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар. Зартепадаги археологик тадқиқот ишлари кенг кўламда ва шаҳарнинг турли қисмларида олиб борилди. Хусусан, шаҳарнинг марказий қисмидаги тадқиқотлар натижасида катта йирик бино харобалари жойлашганлиги аниқланди. Бино 20 дан ортиқ турли хоналардан иборат бўлиб, унинг меъморий ўзаги сифатида ўн икки устунли катта хона бўлганлиги қайд қилинди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу бино шаҳар ҳокимининг саройи бўлган⁸¹.

Зартепада олиб борилган бу тадқиқотлар кушон даври Бактриясида меъморчиликнинг юқори даражада тараққий қилганлигини яна бир бор тасдиқлади. Зартепада шаҳар муҳофаа деворларини ўрганиш билан бир қаторда шаҳарнинг ички қурилиши тўғрисида маълумот олиш мақсадида

⁸¹ Массон В.М. Проблемы древнего города и археологические памятники Северной Бактрии // Древняя Бактрия. -Л., 1974. -С. 5.

катта қазилар ишлари олиб борилди. Бу изланишлар шаҳарнинг ички кўриниши тўғрисида қimmatли маълумот берибгина қолмай, балки сўнгги кушонлар давридаги шаҳар аҳолисининг моддий ва маънавий маданияти тўғрисида ҳам жуда қизиқарли маълумотлар берди. Зартепа шаҳрининг ички кўриниши борасида олиб борилган археологик қазилар ишларининг илмий аҳамияти шундаки, шу вақтгача кушонлар даврига оид Шимолий Бактрия шаҳарларининг бирортасида ҳам шаҳарнинг ички қурилиши борасида кенг кўламда изланишлар олиб борилмаган эди.

Шунинг учун бу йўналишдаги Зартепада олиб борилган тадқиқотлар кушон даври Бактрия шаҳарларининг меъмorchиги тўғрисидаги мавжуд тасаввурларни янада тўлдириш, аниқлик киритиш имконини туғдирди. Бу ерда шаҳар уй-жойларининг тархи, уларнинг жойлашуви, қурилиш ашёлари, хоналарнинг ички кўринишлари тўғрисида жуда қimmatли маълумотлар олинди.

Ушбу кузатишларга асосланиб тадқиқотчилар кушонлар даврида Бактрия шаҳарлари мукамал ички тузилиш ва кўринишга эга эканлиги билан бир қаторда улар юқори даражада ривожланган деган хулосага келдилар⁸². Одатда кушон давридаги Бактрия шаҳарлари ўзига ҳос мафкуравий марказ бўлиб, жамиятда муҳим ўрин эгаллаганликларини Зартепада олиб борилган археологик тадқиқотлар яна бир бор тасдиқлади. Шаҳар ичида ва шаҳар ташқарисида буддавийлик дин билан боғлиқ ибодатхона ва ступанинг топилиши шаҳар аҳолисининг маълум қисми буддавийлик динини қабул қилганликларидан далолат беради⁸³.

Зартепада олиб борилган археологик қазилар ишлари давомида турли-туман топилмалар кўплаб қайд қилинди. Тадқиқотчилар уларни ҳар томонлама ўрганиб ва таҳлил қилиб, Зартепа аҳолисининг моддий маданияти сўнгги кушонлар даврида юқори даражада тараққий қилган деган хулосага келдилар. Қазилар давомида топилган тангалар, уй-жойлар ва археологик

⁸² Завьялов В.А., Осипов В.И. Раскопки жилого комплекса на городище Зар-тепе в 1973 г. // И.мрийские древности. -Л., 1976. -С. 51-58.

⁸³ Пилипко В.Н. Раскопки святилища позднекушанского времени на городище Зартепе // Бактрийские древности. -Л., 1976. -С. 59-68.

буюмларнинг ёшани аниқлаш билан бирга шаҳарда товар-пул муомаласи қай даражада ривожланганлигига аниқлик киритиш имкониятини яратди. Тадқиқотчилар топилган тангаларга асосланиб, сўнгги кушонлар даврида Бактрияда ва жумладан Зартепада товар-пул муомаласи юқори даражада ривожланганлигини қайд қилдилар⁸⁴.

Шундай қилиб, Бактрия экспедицияси томонидан Зартепада олиб борилган археологик тадқиқот ишлари ушбу шаҳарнинг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида қимматли маълумотлар бериб, кушон даври Бактрия шаҳарлари борасидаги тасаввурларни янада кенгайтирди. Бу тадқиқотлар Бактрияда урбанизацион жараён қайси даврларда қандай юз берганлигини, унинг асосий омиллари, шаҳарларнинг тутган ўрни масалаларини кўриб чиқиш учун манба бўлиб хизмат қилиши қайд қилинди. Зартепада олиб борилган археологик қазилар ишлари қадимги Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим бир босқич бўлди⁸⁵.

Экспедиция Зартепа шаҳар харобасидан ташқари Ангор туманида жойлашган Хайрободтепа ва Жарқўрғон туманидаги Ҳайитободтепаларда ҳам қазилар ишлари олиб борди. Бу тадқиқотлар асосан, мазкур шаҳарларнинг мудофаа деворларини ўрганишга қаратилди. Нигижада мазкур шаҳар харобаларининг мудофаа деворлари тўғрисида қимматли маълумотлар тўпланди. Айниқса, бу борада Ҳайитободтепада милoddан олдинги биринчи минг йилликнинг ўрталарига оид шаҳар мудофаа деворларининг топилиши қадимги Бактрия шаҳарсозлик маданиятини ўрганишда муҳим бир босқич бўлди⁸⁶.

Бактрия археологик комплекс экспедицияси Сурхондарё воҳаси шаҳарлар тарихини ўрганиш билан бир қаторда бу ҳудуддаги қадимги қишлоқларни ўрганишга ҳам катта эътибор берди. Хусусан, Шеробод воҳасида жойлашган ўндан ортиқ кушон даври қишлоқ харобаларида археологик қазилар ишлари олиб борилди ва натижада бу қишлоқларга қачон

⁸⁴ Завьялов В.А. Зартепинский археологический комплекс ... -С.18.

⁸⁵ Массон В.М. Кушанские поселения и кушанская археология ... -С. 3-17 .

⁸⁶ Сабилов К.С. Новые материалы к изучению укреплений кушанского времени городища Хайрабадтепа // ИМКУ. -1981. -№16. -С. 31-35.

асос солинганлиги, уларнинг ташлаб кетилиши сабаблари, қишлоқ аҳолисининг моддий маданияти билан боғлиқ саволларга жавоб олинди⁸⁷.

Мирзакултепа қазилмалари натижасида анча бой ва ўзига хос археологик маълумотлар олинди. Топилмалар орасида, айниқса, турли шаклдаги ва юқори сифат билан тайёрланган сополлар кўпчиликини ташкил этади. Сопол идишлар намуналари хумлар, хумчалар, кўзалар, қадахлар, товоқлар ва бошқа буюмларда ўз аксини топган⁸⁸. Булардан ташқари Мирзакултепадан дафн этиш маросимлари билан боғлиқ бўлган топилмалар, антик дунё тасвирий санъатининг асосий шаклларида бўлган терракота ҳайкалчалар, танга пуллар ва темир буюмлар ҳам топилган. Мирзакултепа қазилмалари натижасида турли-туман топилмаларнинг мажмуаси пайдо бўлдики, улар қушон мифкуриси, жамиятнинг бадиий ижоди, Бактриянинг қўшни давлатлар билан ўзаро тарихий-маданий алоқалари ва ниҳоят ўзига хос маҳаллий маданият гуркираб ривожланганлигидан далолат беради.

1973 йилда Бактрия экспедициясининг махсус илмий гуруҳи Шеробод шаҳрининг шимолий-ғарбида жойлашган Оққўрғон манзилгоҳида қазилма ишлари олиб борди. Манзилгоҳ унчалик катта бўлмасдан, бир қисми хўжалик ишлари туфайли бузиб юборилган.

Милоднинг бошларига келиб Шимолий Бактрия ҳудудларида йирик кўҳна шаҳарлар билан бир қаторда мустаҳкам, лекин кичикроқ манзилгоҳлар сони ҳам ортиб боради. Ш.Р.Пидаев раҳбарлигидаги илмий гуруҳ эса мана шундай қишлоқ харобаларидан ҳисобланган Оққўрғон ва Мирзакултепаларда 1973-1980 йилларда кенг кўламда қазил ишларини олиб борди. Ушбу археологик тадқиқотлар қушон даври Бактрия қишлоқдарининг меъморчилиги, қурилиш услублари, маданияти, хўжалиги, уларнинг жамиятда тутган ўрни, қишлоқ ва шаҳарлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар каби қатор долзарб масалаларни кўтариб чиқишга замин яратди.

Ш.Р.Пидаев тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда Оққўрғон,

⁸⁷ Некрасова Е.Г. Древняя керамика Шерабадского оазиса (по материалам шурфовок в мелких поселениях) // Бактрийские древности. -Л., 1976. -С. 76-83.

⁸⁸ Пидаев Ш.Р. Поселение Кушанского времени Северной Бактрии. -Т., 1978. -С. 36.

Мирзакултепа, Шўртепа каби ёдгорликлар кушон даврига хос бўлган қишлоқ харобалари эканлигини, уларда қишлоқ жамоалари яшаганлигини, уларнинг моддий маданияти шаҳар аҳолисининг моддий маданиятидан фарқ қилмаслигини, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги товар айирбошлаш асосан танга пулларга асосланганлигини қайд қилди⁸⁹. Кушон даври ёдгорликларини ўрганиш билан бир қаторда Бактрия археологик комплекс экспедицияси Шимолий Бактрия - Тохаристондаги илк ўрта асрларга оид шаҳар ва қишлоқларни ўрганишга ҳам катта эътибор берди. Зартепа, Кучуктепа, Хосияттепа, Куёвқўрғон каби ёдгорликларда олиб борилган археологик тадқиқотлар илк ўрта асрлардаги Тохаристон шаҳар қишлоқ ва қўрғонларининг меъморий тузилиши, моддий маданияти тўғрисида қимматли маълумотлар берди⁹⁰.

Хуллас, Бактрия экспедициясининг самарали кашфиётлари натижасида кушонлар даври ва маданиятига оид қўплаб масалаларга аниқлик киритилди. Шаҳарлар ички қурилишининг ўрганилиши илк кушонлар даври шаҳар меъморчилиги хусусида нисбатан тўла маълумотлар олиш имконини яратди. Ўрганилаётган даврда шаҳарлар ўзига хос мафкуравий марказ бўлганлиги яна бир бор тасдиқланди. Кушонлар даври қишлоқлари, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва шаҳарлар билан ўзаро муносабатлари масаласи, қишлоқ меъморчилиги масалалари ёритиб берилди. Тадқиқотларнинг натижалари кушон даври мафкураси, жамиятнинг бадиий ижоди, Бактриянинг қўшни давлатлар билан тарихий-маданий алоқаларидан далолат берди ва ўзига хос маҳаллий маданиятнинг ривожланганлигини тасдиқлади.

⁸⁹ Пидаев Ш.Р. Поселения кушанского времени Северной Бактрии. -С. 109-113.

⁹⁰ Аннаев.Т.Д. Раскопки раннесредневековой усадьбы Куёвкурған в Северном Тохаристане // СА. -1984. -№2 уша муаллиф. Раннесредневековые поселения Северного Тохаристана.-Т., 1988.

2.3. Мустақиллик йилларида олиб борилган археологик тадқиқотлар

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Шимолий Бақтрия ҳудудларида археологик қидирув-тадқиқот ишларини кенг кўламда ва халқаро миқёсда олиб бориш учун янги имкониятлар вужудга келди. 1989-1994 йиллар давомида Ўзбекистон санъатшунослик институти билан Япониянинг Токиодаги Сока университети ходимлари ҳамкорликда Далварзинтепа кўҳна шаҳрида тадқиқот-қазишма ишлари бордилар⁹¹ (В.А.Турғунов, Ж.Илёсов, К.Танабе, А.Хори, К.Като ва бошқалар). Ушбу тадқиқотлар натижаларини ўрганиш ва таҳлил этиш шундай хулосага олиб келадики, милоднинг бошларида, илк кушонлар даврида Ўзбекистоннинг жанубига буддавийлик эътиқоди жадал кириб келади. Эски Термиз атрофларида I-II асрларга оид бўлган дастлабки Будда ибодатхоналари ва эҳромлари барпо қилинади. Маълум вақт ўтиб, буддавийлик шимолга тарқалади. Далварзинтепа шахристонида иккита эҳром топилган: биттаси шаҳар деворидан ташқарида, иккинчиси эса қадимий шаҳар марказида жойлашган.

Битта йирик кўҳна шаҳарда иккита буддавийлик иншооти мавжудлиги буддавийликнинг шаҳарлар ҳаётидаги аҳамияти ва бошқа маҳаллий динлар орасида эгаллаган мавқеидан далолат беради. Шаҳар ташқарисидаги буддавийлик иншоотида Будда тасвирлари билан бир қаторда маҳаллий ҳукмдорларнинг ҳайкаллари ҳам бўлса, сўнгги йилларда тадқиқ этилган шаҳар марказидаги Будда эҳромида асосан Будда, бодисатва ва бошқа буддавийлик билан боғлиқ бўлган ҳайкаллар мавжуд бўлиб, дунёвий тасвирлар камчиликни ташкил этади⁹².

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида Далварзинтепа санъати, моддий маданияти ва тарихига кўпгина аниқликлар ва янгиликлар киритилди. Юқорида эслатилган кўҳна шаҳар марказидаги иккинчи Будда ибодатхонасидан ташқари, қазишмалар умумий тавсифланиб мажмуаларга

⁹¹ Далварзинтепа шахристони (1989-1994 йиллардаги кадымшунослик тадқиқотлари яқунлари). -Токио, 1996.

⁹² Далварзиена шахристони ... -Б. 188

ажратилиб ўрганилди. Бу ердаги қурилиш даврлари, меъморчилик йўналиши ва услублари, хоналарнинг гуруҳланиши, маҳаллалар, шаҳарсозлик билан боғлиқ масалаларга аниқликлар киритилди⁹³.

Ундан ташқари Далварзинтепадаги иккинчи ибодатдона ҳайкалтарошлиги, хусусан, Будда ва бодисатва ҳайкаллари, Будда персонажлари, турли терракоталар ҳамда безаклар ва тангалар ўрганилиб, Далварзинтепа бадий ва моддий маданияти буюмларини таъмирлаш ҳамда технологик жиҳатдан тадқиқ этиш ишлари амалга оширилди. Ушбу топилмалар ўрганилиши жараёнида Шимолий Бактриядаги шуларга айнан ўхшаш бошқа топилмалар билан солиштирилиб таҳлил этилди.

Хуллас, 1989-1994 йиллар ўзбек-япон қўшма экспедициясининг Далварзинтепадаги тадқиқотлари натижасида сўнгги кушон ва кушон-сосонийлар даврларидаги Шимолий Бактрия шаҳарлари ижтимоий ҳаётининг моддий ва маънавий соҳалари айрим жиҳатларини ойдинлаштирувчи бир қатор қизиқарли маълумотлар олинди. Шунга қарамай келгуси тадқиқотлар бу давр ҳақида янада қизиқарли маълумотлар бериши шубҳасиз.

1992 йилда кушон даври йирик шаҳарларидан бири Кампиртепа қазишмалари маълум сабабларга кўра тўхтаб қолган бўлишига қарамай, 1999 йилда қазишма ишлари яна қайта тикланди (экспедиция аъзолари: Э.В.Ртвеладзе, С.Қурбонов, Ж.Илёсов, В.Никоноров, Д.Абдуллаев, И.Азимов, Д.Русаков, О.Цепова).

Ўша йили айрим тадқиқотчилар Кампиртепанинг шарқий қисмида қазишма ишлари олиб боришлари натижасида кушон даври Шимолий Бактрия моддий маданияти ҳақидаги тасаввурлар янада кенгайди. Хусусан, шарқий қисмдаги турар-жой мажмуининг 20 дан зиёд хоналари тозаланиб уларнинг қурилиш услублари, меъморчилиги ва моддий маданияти ўрганилди⁹⁴.

Айниқса, бу даврда Кампиртепанинг шарқий ва шимолий қисмидан топилган терракота ҳайкалчалари батафсил ўрганилиб, улар ҳар томонлама

⁹³ Далварзинтепа шахристони ... -Б. 192-211.

⁹⁴ Шейко К. Раскопки жилого комплекса в восточной части Кампиртепа // Материалы Тохаристанской экспедиции. -Т., 2000. -Вып. I.

таърифланди ва уларнинг антик давр Шимолий Бактрия моддий маданиятида тугта ўрни кўрсатиб берилди⁹⁵. Шунингдек, тадқиқотчилар Кампиртепанинг турли безаклар туширилган сопол идишларига ҳам катта эътибор қаратдилар. Улар идишларнинг турлари, улардаги нақш ва безакларнинг манзаралари, уларнинг ишланиш услублари ва шакллари бошқа ҳудудлардаги айнан шунга ўхшаш сополлар тасвирлари билан киёсий таҳлил этдилар⁹⁶.

Сўнгги тадқиқотлар Кампиртепанинг ёшини аниқлаш имконини берди. Олимларнинг тахмин қилишича, Кампиртепа мил.авв. IV аср охири - мил.авв. III аср бошларидан эътиборан фаолият кўрсата бошлаган. Шунингдек, Оксдаги Александрия шаҳри ҳам Кампиртепа ўрнида бўлган деган тахминлар илгари сурилмоқда. Сўнгги қазилмалар натижасида топилган, олд томонида ҳукмдорнинг бош қисми, орқа тарафида эса ўнг қўлида қилич ушлаб турган Зевс, ундан ўнгда бургут тасвири туширилган мис тангани мутахассислар Македониялик Искандарга тааллуқли деб ҳисобламоқдалар. Эътиборли томони шундаки, бу сингари тангалар Ўрта Осиё ҳудудидан ҳозирга қадар топилмаган эди.

Тадқиқотлар натижасида Кампиртепа қалъасининг зинасимон муҳофаа деворлари 5 м гача қалинликда тикланганлиги, унга буржлар (11д2м) ўрнатилганлиги аниқланди. Мил.авв. III асрдан милодий I-II асрларга қадар ўтган узоқ вақт давомида Кампиртепа қалъа девори бир неча бор таъмирланган ва қайта тикланган. Қазилмалар натижасида топилган турли таъмирлаш ашёлари ва ҳар хил шаклдаги ғиштлар шундан далолат беради. Қалъанинг ўта мустаҳкам муҳофаа девори билан ўраб олинганлиги ва унинг Бактриядан Сўғдга ўтадиган йўл устида барпо қилинганлиги унинг Бактрия пойтахти Бақтрага (ҳозирги Балх) борадиган йўлни ҳимоя қилишга мўлжалланганлигидан далолат беради. Чунки Балх ва Кампиртепа орасидаги масофа атига 60 км ни ташкил қилади. Кейинги қазилмалар натижасида топилаётган металл буюмлар, сопол, терракота ва тангалар Бактрия тарихи ва маданиятини янада ойдинлаштирмоқда.

⁹⁵ Ильясов Д.Я. Терракоты Кампиртепа // Юкоридаги туплам. -Б. 97-106.

⁹⁶ Цепова О. Декорированная керамика Кампиртепа // Юкоридаги туплам. -Б. 107-123.

Кейинги йиллардаги Сурхон воҳаси археологик тадқиқот марказларидан яна бири Жондавлаттепа ёдгорлигидир. Жондавлаттепа Шеробод дарёсининг ўнг соҳилида Шеробод туманининг Саитобод қишлоғида жойлашган. Ёдгорликнинг умумий майдони 7 га, баландлиги 14 м гача боради. 1993 йилда ўзбек-герман археологик экспедицияси арк шаҳристондан иборат Жондавлаттепанинг тўртта жойида (аркда, шаҳар дарвозасида, шаҳристонда, шаҳар қалъа деворида) қазишма ишлари олиб борди⁹⁷. Ушбу қўшма экспедиция аъзоларининг биринчи йилги тадқиқотларининг асосий натижалари куйидагилардан иборат бўлди:

- ёдгорликка мил.авв. VI асрда асос солинган ва милоднинг IV асри охиригача Жондавлаттепа Шеробод воҳасининг марказий шаҳри ҳисобланган бўлиб, унинг марказий қисми-аркдан алоқа воситаси, яъни ёқиб маёқ сифатида фойдаланилган. Сўнгги ўрта асрларда Жондавлаттепа қабристонга айлантирилган, унинг деярли ҳамма жойида майитлар мусулмон урф-одати бўйича кўмилган қабрлар учрайди;

- сўнгги кушонлар даврида шаҳар 4,5 метрлик қалъа девори билан ўраб олинган бўлиб, у квадрат шаклдаги ҳом ғиштлардан тикланган;

-шаҳар дарвозаси унинг жанубий қисмида жойлашган ва махсус кўтарилиб қурилган;

-Кушон шоҳлари Кужула Кадфиз, Вима Кадфиз, Васудева ва кушон-сосонийларнинг 40 га яқин танга пулларининг топилиши Жондавлаттепа воҳанинг муҳим савдо-сотиқ маркази бўлганлигидан далолат беради

-шаҳар қурилишида пахса ва хом ғишт асосий қурилиш ашёси _ҳисобланиб, деворлар ганч билан сувалган, хоналар сатҳи пишиқ ғишtdан терилган ёки сомонли лой билан сувалган. Хоналардан кўплаб маъбудаларнинг ёки маҳаллий маъбудалар терракота-ҳайкалчаларининг топилиши буддавийлик шаҳар аҳолиси орасида кенг тарқалган дин эканлигини тасдиқлайди .

1992 йилги археологик изланишлар натижасида Кўҳна Термизнинг ўрта

⁹⁷ Пидаев Ш.Р. Шайдуллаев Ш.Б., Хуфф Д., Шахнер А. Жондавлаттепа - қадимги Бактрия-Кушонлар шаҳри // Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. -Самарқанд. 1994. -Б. 54-55.

аср шахристонида кушон даври деворларининг қолдиқлари очилди. Бу девор пахсадан ишланган бўлиб, анча текис қад кўтарган. Деворнинг тепа қисми кунгурадор панжара билан тугайди. Тадқиқотчилар деворни ҳар томонлама таърифлайдилар ва бу ердан топилган сополларни мил.авв. I - мил. I асрлар билан саналаб, Термиз илк кушонлар даврида икки қисм - кўхандиз ва шахристондан иборат бўлган деган хулосага келадилар⁹⁸.

Бу даврда олиб борилган тадқиқотлар натижасида антик давр сопол буюмларининг кимёвий таркибини ўрганиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, мил.авв. III-II асрларга оид Кўхна Термиз сопол буюмларининг таркиби бир-бирига яқин. Улар яхши пиширилган, юқори сифатли саз тупроқдан тайёрланган бўлиб, асосий хомашё - саз тупроқ бир жойдан олинган. Сопол буюмлар парчаларидаги глинозем (алюминий оксиди) миқдорининг кўплиги, кремнезем (кремний оксиди)нинг бир қадар камлиги ўша давр Шимолий Бактрия кулоллариининг асосий хомашё манбаларидан оқилона фойдаланганликларидан далолат беради⁹⁹.

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар юнон-Бактрия ва кушон даври Кўхна Термиз шаҳри тарихи ва маданиятига ҳам бирмунча аниқликлар киритди¹⁰⁰. Ушбу тадқиқотлар натижасида Термиз шаҳри антик даврдан бошлаб муҳим стратегик нуқтада жойлашиб, Ўрта Осиёдаги тарихий-маданий жараёнларда катта аҳамиятга эга бўлганлиги яна бир бор тасдиқланди. Қазилмаларда кўп учрайдиган тангашунослик маълумотларига асосланган кўпчилик тадқиқотчилар Термиз ўрнидаги дастлабки манзилгоҳ дарё қирғоғида, кейинчалик пайдо бўлган кўрғоннинг шарқий қисмида вужудга келган деб ҳисоблайдилар. Салавкийлар ва Юнон-Бактрия даврининг бошларида кўрғоннинг бутун шарқий қисми ўзлаштирилади. Ғарбий қисми эса милодий II аср ўрталарида қадимги шаҳар тизимига қўшиб олинади.

⁹⁸ Раҳманов Ш.А. К изучению кушанской фортификации Термеза // Буюк ипак йулидаги Марказий Осиё шаҳарлари. -Самарқанд, 1994. -Б. 58-59.

⁹⁹ Жалолова С. Кўхна Термиз антик давр сопол буюмларининг кимёвий таркибини ўрганиш муаммоларига доир // Бактрия-Тоҳаристон қадимда ва ўрта асрларда. -Самарқанд, 1993. -Б. 36-37.

¹⁰⁰ Пиданов Ш.Р. Стратиграфия ғородища Старого Термеза в свете новых раскопок // Ғородская культура Бактрии-Тоҳаристана и Согда (античность, раннесредневековья). -Т., 1987. -С. 88-89

Юнон-Бақтрия даврида қалъадан ташқари унинг шимолий-ғарбидаги каттагина ҳудуд ҳам ўзлаштирилади. Хусусан, қалъадан ғарбда жойлашган Кичик Чингизтепа қазिशмалари натижасида «божхона» деб тахмин қилинаётган йирик маҳобатли иншоот ўрганилган. Л.И.Альбаумнинг фикрича, ушбу иншоотнинг пастки қурилиш қатлами юнон-Бақтрия даврига оиддир¹⁰¹. Қалъанинг шимоли-ғарбий ҳудудлари ва Кичик Чингизтепадаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу майдоннинг айрим ҳудудлари юнон-бақтрия даврида ўзлаштирилади. Бу ҳудудлардан ўша давр сополлари, танга пуллари топилган.

Янги археологик маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки, юнон-бақтрия даврида Термиз Шимолий Бақтриянинг энг йирик иқтисодий маркази бўлган. Шаҳарда ҳунармандчиликнинг кўпгина турлари ва савдо-сотиқ жадал суръатлар билан ривожланган. Ҳунармандчиликнинг кулолчилик тармоғи янги сифат босқичига кўтарилади. Бу ердан топилган сопол буюмларнинг кўпчилиги мил.авв. III-II асрларга оидар¹⁰².

Шаҳарда сополчиликдан ташқари, тўқимачилик ва тошга ишлов бериш ҳунармандчилиги ҳам ривожланган. Кўплаб топилган тош ва сопол урчуқлар, шунингдек, тош меъморчилиги намуналари ушбу жараёндан далолат беради. Ундан ташқари шаҳар иқтисодиётида деҳқончилик ва боғдорчилик ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Юнон-Бақтрия даврида Термизда товар-пул муносабатлари ҳам янги сифат босқичига кўтарилади. Бу ерда айирбошлаш ва савдо нафақат маҳсулот алмашиш ҳисобига, балки пул ҳисобига ҳам амалга оширилган. Қазिशмалар натижасида икки юздан зиёд яхши сақланган юнон-бақтрия тангаларининг топилиши фикримиз далилидир.

Кейинги йилларда Амударёнинг ўнг қирғоғи - Сурхондарё ҳудудларида олиб борилган археологик-топографик тадқиқотлар натижаларига кўра, Термиз бу ердаги ягона манзилгоҳ бўлмаган. Ҳозирги кунда бу ҳудудларда

¹⁰¹ Албаум Л.И. К вопросу исторической топографии городища Старого Термеза // Творческие наследие циклов Средней Азии в памятниках искусства, архитектуры и археологии. -Т., 1985. -С. 12

¹⁰² Пи даев Ш.Р. Керамика греко-бактрийского времени ... -С. 225.

мил.авв. I минг йилликнинг ўрталарига оид қатор манзилгоҳлар ўрганилган. Хусусан, ҳозирги Термиз ҳудудларида, Кўҳна Термиздан 9-10 км ғарбдаги Кучуктепа ҳудудларида бу даврга оид сополлар учрайди. Кампиртепанинг ғарбида ҳам бу даврга оид каттагина манзилгоҳ аниқланган. Шунинг учун ҳам кўпчилик тадқиқотчилар Амударё ўнг қирғоғининг Термиздан унча узоқ бўлмаган ҳудудлари мил.авв. I минг йилликнинг ўрталарида анчагина ўзлаштирилган бўлган деб ҳисоблайдилар¹⁰³.

Кейинроқ эса фақат Кўҳна Термиз ҳудудларидаги аҳоли манзилгоҳи тез ривожланиб Шимолий Бактрия-Тоҳаристоннинг муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий марказига айланган йирик шаҳар пайдо бўлади. Бу жараёнда Термизнинг бошқа манзилгоҳларга нисбатан қулай жойда жойлашганлиги катта аҳамиятга эга бўлган бўлиши мумкин. Ундан ташақари, Бактрия ва Марокандани боғловчи асосий йўл ҳам Термиз орқали ўтган.

Ҳозирги кунда мавжуд бўлган маълумотлар асосида Кўҳна Термиз ўрнидаги дастлабки аҳоли пунктини аниқ изоҳлаш мушкул. Бу ерда дастлаб манзилгоҳ бўлганми, ёки кечувни қўриқлайдиган форд қурилганми, буниси ҳозирча маълум эмас. Айрим тадқиқотчилар бу ерда дастлаб унча катта бўлмаган манзилгоҳ бунёд этилган деб ҳисоблайдилар. Шаҳарнинг номланиш этимологияси Тармита-Термиз деб аталаши ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Чунки В.Томашекнинг фикрича, бу ном қадимги Авесто тилида “*tarj maetha*” сўзидан келиб чиққан бўлиб, «дарёнинг нариги томонидаги манзилгоҳ» деган маънони англатади. Айрим тадқиқотчилар шаҳарнинг номи қадимги сўғдийча «тармит» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «дарё бўйидаги порт» деган маънони билдиради¹⁰⁴ деган фикрни илгари сурадилар. Ш.Пидаев эса бу фикрни рад этиб, бу номни шаҳар дастлабки манзилгоҳ пайдо бўлган даврдан анча кейин олган ва том маънодаги порт бу ерда юнон-бактрия давридан олдин пайдо бўлган бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблайди ва В.Томашекнинг фикри ҳақиқатга яқин деган фикрни илгари суради.

¹⁰³ Пидаев Ш.Р. Материалы к изучению древнейшей истории Термеза // ОНУ. -2000. -№3. -С. 54.

¹⁰⁴ Мухаммаджонов А.Р. Термиз шаҳри номининг этимологияси ҳақида // Бактрия-Тоҳаристоннинг шаҳар маданияти (маърузалар матни). -Самарқанд, 1995. -Б. 55-56.

Тадқиқотчи ўз фикрини давом эттириб, археологик ва ёзма манбаларга таянган ҳолда Кўхна Термиз ўрнидаги ақоли манзилгоҳига Македониялик Искандарнинг Осиёга юришларига қадар асос солинган ҳамда кейинчалик Искандар бу ҳудудларнинг стратегик аҳамиятини тушуниб етгач мавжуд ақоли пункти ўрнида кўп сонли «Александрия»лардан бирига асос солган деб ҳисоблайди

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Шимолий Бактрияни илмий тадқиқ қилиш ишлари янги босқичга кўтарилди. 1998 йилда Қоратепадаги Будда ибодатдоналари гуруҳини ўрганиш бўйича ўзбек-япон кўшма илмий экспедицияси ташкил этилди. Ўша йили ушбу экспедиция Қоратепадаги ғарбий ва шимолий тепаликларда тадқиқот ишлари олиб борди. Тадқиқотлар натижасида қурилиш услублари, қурилиш ашёлари, Будданинг ҳайкаллари ўрганилди¹⁰⁵. 1999 йилда ушбу кўшма экспедиция тадқиқотлари давом эттирилди. Ушбу тадқиқотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бу даврда ўрганилган Қоратепадаги А ва В мажмуалари меъморчилик-режавий тузилишининг кўрсатишича, улар аввалдан тайёрланган режа асосида қад кўтарган. Улар дастлаб ягона ибодатхона мажмуидан иборат бўлган. Мажмуанинг ғарбий деворига учта токча ўрнатилган. Топилмаларга қараганда, марказии токчада Будда ҳайкали, унинг икки томонида эса бодисатва тасвирлари жойлашган. Топилмалар таҳлили ва уларнинг стратиграфиясига қараб тахмин қилиш мумкинки, бу мажмуа Қоратепадаги бошқа мажмуалар каби IV асрнинг охири - V аср бошларида ташландик ҳолатга айланади¹⁰⁶.

Хуллас, Ўзбекистон Мустақилликка эришганидан сўнг орадан кўп вақт ўтмаган бўлишига қарамай, бу давр мобайнида Шимолий Бактрия ҳудудларида (Далварзин, Қоратепа, Жондавлаттепа, Кампиртепа) самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Бу ўринда ЎзР ФА Археология институти ҳодимларининг (Ш.Пидаев, Ш.Шайдуллаев, Ш.Раҳмонов) чет эллик

¹⁰⁵ Пидаев Ш.Р., Като К. О работах Узбекистано-Японской экспедиции на Каратепа в 1998 году // ОНУ. - 1999 -№9-10. -С. 82-85.

¹⁰⁶ Пидаев Ш.Р., Като К. Предварительные итоги исследований Узбекистанско-Японской экспедиции на крпие в 1999 году // ОНУ. -2000. -№5. -С. 39-45.

тадқиқотчилар (П.Лериш, Ф.Грене, Д.Хуфф, А.Шахнер, К.Като) билан ҳамкорликдаги тадқиқотлари, айниқса, диққатга моликдир. Ушбу тадқиқотлар натижасида антик давр Сурхон воҳасида рўй берган тарихий-маданий жараёнлар аниқланиб фанга жорий этилмоқда.

1999 йилда Парижда Бахтрия тарихи ва маданиятига бағишланган махсус илмий журнал чоп этилди. Унда Г.А.Пугаченкова, П.Лериш, Э.В.Ртвеладзе, Б.Литвинский, В.И.Сарианиди, Б.А.Турғунов, Г.Фуссман, Ш.Пидаев, А.Абдуллаевларнинг мақолалари чоп этилди.

Мустақиллик йилларида Сурхон воҳаси кушон даври тарихини ўрганишда ёш олимлар фаол қатнашдилар. Натижада улар номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Улар томонидан кўпдан-кўп мақолалар ва айрим монографиялар чоп этилди (К.Абдуллаев, Т.Аннаев, Ш.Раҳмонов, Ш.Шайдуллаев, Ж.Илёсов, С.Қурбонов, Д.Русанов ва бошқалар).

Хулосада шуни таъкидлаш жоизки, воҳадаги кўҳна шаҳарлардан бири бўлган Термизнинг 2500 йиллигини нишонлаш муносабати билан ҳудудлардаги археологик тақиқотларнинг кўлами янада кенгайди ва ушбу тадқиқотлар Сурхон воҳаси тарихи ва маданиятининг ҳали ўрганилмаган томонларини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиздир.

III-БОБ. ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ ИЖТИМОМИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

3.1. Товар-пул муносабатлари

Шимолий Бақтрия ҳудудларидаги товар-пул муносабатлари, ички ва ташқи савдо ҳақида айрим археологах топилмалар гувоҳлик беради. Булар орасида халқаро савдо-сотиқдан далолат берувчи ашёлар диққатга молик бўлиб, Ҳиндистондан тароқ маржонлар, фил суягидан ишланган маҳсулотлар (Далварзинтепа); Римдан шиша (Холчаён), мармар бош (Илонтёпа); Мисрдан кўҳна шаҳар ва мазор-қўрғонлардан топилган кўк тумор ва тақинчоқлар (Бойсун, Бандихон, Кампиртепа, Тупхона); Хитойдан ипак матолар (Кампиртепа, Холчаён), ойналар (Айритом, Бараттепа); Парфиядан тангалар ва бошқа маҳсулотлар келтирган¹⁰⁷. Ташқи савдо муносабатлари ички савдо-сотиққа ўз таъсирини ўтказиб бу ҳудудларда товар-пул муносабатларининг кенг даражада ривожланишига имконият яратди.

Шимолий Бақтрия кўҳна шаҳар ва манзилгоҳларида товар-пул муносабатларининг қандайдир кўринишлари славкийлар давридаёқ пайдо бўлади. Бу ҳудудлардаги Тахти Сангиндан (4 та), Термиздан (3 та), Кампиртепадан (2 та), Деновдан (1 та) Антиох I даврига оид (мил.авв. 280-268 йй.) тангалар топилган¹⁰⁸. Нисбатан кўпроқ. (70 дан 1Иёд) топилма тангалар юнон-бақтрия даврига оид бўлиб, улар Диодот, Эвтидем, Деметрий, Антимах, Эвкратид, Аполлодот ва Гелиокл даврларида зарб этилган.

Бу даврдаги товар-пул муносабатлари ҳақида тадқиқотчилар турлича фикрлар билдирадилар. Хусусан, Е.В.Зеймалнинг фикрича, Термиз атрофларидан ташқари кўпчилик Ўрта Осиё вилоятлари мил.авв. III-II асрларда товар-пул муносабатларини билмаганлар. Бу ҳудудлардаги юнон-бақтрия тангалари четдан келтирилган бўлиб, бу ерлар танга муамоласи нуқтаи назаридан бўшлиқни ташкил этган. Тадқиқотчининг тахминича, бу тангалар

¹⁰⁷Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. -Душанбе, 1983; Ртвеладзе Э.В. Древние монеты Средней Азии. -Т., 1989.

¹⁰⁸Зеймаль Е.В. Древние монеты ... -С. 43-57; Ртвеладзе Э.В. Монетные комплексы из Кампиртепе // Вторая нумизматическая конференция. -М., 1987. -С. 61-62.

кушонлар давридагина муомалада бўлган¹⁰⁹. Тангашунос олим Э.В.Ртвеладзе эса унинг бу фикрларини рад этади. Олимнинг фикрича, кушон тангалари хазиначарида юнон-Бақтрия тангалари учрамайди. Мил.авв. III-II асрларга оид юнон-Бақтрия тангаларининг ўрганилаётган ҳудудларда мавжудлиги эса улар ҳақиқатан ҳам шу даврда Шимолий Бақтрияда муомалада бўлганлигидан далолат беради¹¹⁰.

Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, пул муомаласи дастлаб Бақтриянинг келгинди аҳолиси орасида, кейинроқ эса, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кенгайиши натижасида бу ҳудудлардаги маҳаллий аҳоли орасида ҳам кенг ёйилган бўлиши мумкин. Бу даврдаги турли қийматга эга бўлган тангаларнинг таркиби турлича, яъни тетрадрахмалар, оболлар, драхмалар, дихалкалар, халкалардан иборат. Бу ҳолат вилоят ички бозорининг ривожланганлигидан, шунингдек, майда ва чакана савдо билан биргаликда иқтисодий жиҳатдан нисбатан ривожланган туманлардаги йирик савдонинг тараққий этганлигидан ҳам далолат беради. Шу билан биргаликда Шимолий Бақтриянинг айрим нисбатан паст даражада ривожланган туманларида товар-пул муносабатлари кам тараққий этган бўлиб, уларда маҳсулот айирбошлаш устунлик қилар эди.

Бу давр пул муомаласининг ажралиб турадиган ўзига хос томони тақлидий тангаларнинг пайдо бўлиши ва муомалага киритилишидир. Бу-аслида, Ўрта Осиё туб аҳолиси орасида танга зарб этилишининг бошланиши эди. Пул муомаласининг бу даврдаги яна бир ўзига хос томони пуллик савдонинг кенг ёйилиши, шаҳар аҳолиси билан бирга қишлоқ аҳолисининг ҳам пуллик савдо доирасига тортилиши, савдо-сотиқнинг турли соҳаларида тангаларнинг қўлланишидир. Бу жараёнлар Шимолий Бақтриянинг шимоли-ғарбий ҳудудларида кучлироқ бўлганлиги кузатилади.

Юнон-Бақтрия даври Сурхон воҳасида, асосан, кумуш ва мис тангалар зарб этилган. Кумуш тангалар Термиз, Зартепа, Кампиртепадан кўпроқ

¹⁰⁹ Зеймаль Е.В. Политическая история древней Трансоксианы по нумизматическим данным // Культура Востока. Древность и раннесредневековье. -Л., 1978. -С. 197.

¹¹⁰ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Об обращении греко-бактрийских монет в Северной Бактрии // ОНУ. -1983.-№ 5.-С. 31-39.

топилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги Эвкратид оболларининг тақлиди ҳисобланади. Мис тангалар муомаласи эса дастлаб Термизда марказлашиб, кейинчалик бутун Сурхондарё воҳасига қисман Жанубий Тожикистон ҳудудларига ёйилади.

Бу ҳудудларда пул муомаласи тартиби кенг ёйилганлиги турли қийматдаги Гелиокл тақлидий тангалари орқали ҳам изоҳланади. В.М.Массоннинг фикрича, бу тангалар айримларининг оғирлиги 9-12 гр бўлса, айримлариники 13-15.3 гр дир¹¹¹. Э.В.Ртвеладзенинг фикрича, эса Айритом, Шералитепа ва Шўртепадан топилган тангалар 13-15, 10-12 гр оғирлик қийматига эга¹¹². Сурхон воҳасидан топилган кўпчилик тангаларнинг оғирлиги 3-4 гр дан 11-15 гр гача тош босади.

Юечжи даврига келиб, Шимолий Бактрия пул хўжалиги тартиби анчагина ривожланган эди. Кумуш пул муомаласи доирасида юнон-бактрия тангалари, жанубий Амударё олди туманларида қисман Герай тетрадрахмалари ва Эвкратид тақлидий оболлари кенг ёйилади. Аммо бу даврга оид кумуш танга топилмалари кам сонли бўлиб, вилоят ички савдосидаги муомала воситаси сифатида Гелиокл тақлидий мис тангаларидан фойдаланилган.

Кушонлар даврига келиб, бу давлат ҳукмдорлари мамлакат ичкарисидagi пул муомаласини тартибга солишга катта эътибор бердилар ва бу сиёсатлари билан давлатнинг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Ҳинд-Сак ва Ҳинд-Парфия ҳокимлари ерларини ўз ҳукмронлиги остида бирлаштирган дастлабки Кушон подшолари бу ерда пул муомаласи борасида инқирозли ҳолатга дуч келдилар. Ушбу ҳукмдорларнинг иқтисодий аҳволи ўта ночор эди. Бу ана шу мулкларнинг қисқа фурсатларда босиб олинишининг асосий омилларидан бирига айланди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, дастлабки ҳукмдор Кужула Кадфиз даврида бу борада ҳали жиддий ҳаракатлар қилинмаган. Унинг бу сиёсати давлат ҳудудларини кенгайтириш ишлари билан боғлиқ бўлган бўлса

¹¹¹ Массон В.М. Кушанские поселения и кушанская археология // Бактрийские древности. -Л., 1976. -С. 14,

¹¹² Ртвеладзе Э.В., Пидяев Ш.Р. Каталог древних монет Южного Узбекистана. -Т., 1981. -С. 44.

керакки, сиёсий ютуқлар натижасида Кужула пул муомаласини тартибга солишни кейинга қолдирган бўлиши мумкин. Чунки янги ҳудудларни босиб олиш натижасида қўлга киритилиб турган ўлжалар пул инқироzi туфайли келиб чиқувчи муаммоларни унчалик билинтирмаган ва уларнинг ўрнини қоплаб турган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Кужула Кадфиз асосан аввалги қийматдаги мис пуллар ва топилмаларга қараганда, жуда кам миқдорда кумуш тангалар зарб эттирган.

Янги салтанатнинг сиёсий жиҳатдан барқарорлашуви унинг иқтиодиётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди ва бу ҳолат Кужула Кадфизнинг вориси Вима Кадфизга пул ислоҳотини амалга ошириш қулай имконият яратди.

Ҳозирги кунда Вима Кадфизни пул ислоҳоти ўтказишга мажбур қилган барча сабабларини тўла ёритишнинг иложи бўлмаса ҳам, бўнга сабаб бўлган асосий омиллар бизга маълум. Бу омиллар шундан иборатки, Вима Кадфиз ҳукмронлиги даврида мамлакат ичидаги кумуш заҳиралари камайиб кетади. Мамлакат ҳудудларида аввалги ҳукмдорларнинг таркиби, миқдори ва сифати жиҳатидан турлича бўлган тангаларининг муомалада бўлиши мамлакат ичкарасида пул операциялари ўтказишни қийинлаштиради, йирик давлат аппаратини барпо этишга монелик қилади ва пул ислоҳоти ўтказишни муқаррар қилиб қўяди. Шунингдек, халқаро савдо-сотиқ эҳтиёжлари ҳам пул ислоҳоти ўтказишда катта аҳамиятга эга бўлган. Вима Кадфизнинг пул ислоҳоти туфайли илгариги кумушга асосланган пул тартибидан фарқли ўлароқ олтин тангалар муомалага киритилади ва бу билан кушон даври олтин тангалари зарб этилишига асос солинади¹¹³.

Бу пул тизимининг асосини оғирлиги 8 гр бўлган олтин динор ташкил этган. Аммо шу билан бирга унчалик кўп миқдорда бўлмасада, икки ҳиссали динор (16 гр), ярим динор (4 гр), чорак динор (2 гр га яқин)лар ҳам зарб этилган¹¹⁴. Танга пулларнинг оғирлиги ҳақида тадқиқотчилар орасида турлича

¹¹³ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Новые монетные находки из правобережной Бактрии // ВДИ. -1971. - №4. -С.113.

¹¹⁴ Давидович Е.А. Первый клад тетрадрахм кушанца «Герая» // ВДИ. 1976. №4. -С. 70-71.

фикрлар мавжуд. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, кушон олтин тангалари оғирлигига Август даври рим олтин тангаларининг вазни асос қилиб олинган. Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Ўрта Осиёда рим тангаларига айнан тақлид қилинмаган.

Аммо уларда рим тангалари оғирлик бирлигининг таъсири бўлган. Метрологик таҳлилнинг кўрсатишича, бу масалада иккинчи гуруҳ олимларининг қарашлари ҳақиқатга анча яқин, яъни ўша давр рим тангаларининг оғирлиги кушон тангаларининг оғирлигига нисбатан паст бўлган. Шунга қарамасдан, улар ўзаро тенг харид қувватига эга бўлган. Шуниси аҳамиятлики, юқорида қайд қилинган кушонларнинг пул тизимидаги тўрт хил вазндаги олтин тангалар рим тангалар тизимида мавжуд эмас. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Кушон давлатига келтирилган рим тангалари асосан қайта зарб этишга мўлжалланган¹¹⁵.

Кушон динарлари одатда юқори сифатли олтиндан зарб этилган бўлиб, юқори қиймати нуқтаи назаридан валюта сифатида ҳеч қандай шубҳа туғдирмаган. Кушон олтин тангаларининг бошқа ҳудудлардан кўплаб топилиши, улар кўп миқдорда зарб этилганлигидан далолат беради. Кушон олтин тангалари халқаро савдодан ташқари мамлакат ички савдосида ҳам муомалада бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо шуниси ажабланарлики, бундай олтин тангалар Ўрта Осиё, жумладан, Бактрия ҳудудларида кам учрайди¹¹⁶.

Олтинга асосланган пул тизимининг киритилиши билан бирга мис тангаларнинг қиймати ҳам ўзгаради. 16-17 гр оғирликдаги мис тангалар зарб этила бошланади. Бу мис тангалар қандай номланганлиги бизга номаълум бўлиб, Кушон ҳукмдорларининг бундай тангалари кушон даври қатламлари мавжуд бўлган деярли барча ёдгорликларда учрайди¹¹⁷. Мис тангалар хазинасининг кўплаб топилиши, айнан улар давлат ичидаги пул муомаласининг асосини ташкил қилганлигини кўрсатади. Четдан

¹¹⁵ Массон М.Е. Работы Термезский археологической комплексной экспедиции (ТАКЭ) в 1937 и 1938 гг. // Тр. ТАКЭ. -Т., 1945. -Т. II. -С. 9, примечание.

¹¹⁶ Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р. Каталог древних монет Южного Узбекистана. -Т., 1981. -С. 27.

¹¹⁷ Ртвеладзе Э.В. Древние монеты Средней Азии. -Т., 1987. -С. 43.

келтирилган тангаларнинг кўплиги, маҳаллий тангаларнинг турли-туманлиги мамлакатда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ривожланганлигини ва аҳолининг кундалик ҳаётида танга пуллар катта рол ўйнаганлигини кўрсатади. Бу жиҳатдан кушон тангаларининг нафақат йирик аҳоли пунктлари, балки унча катта бўлмаган қишлоқ манзилгоҳдаридан ҳам топилиши диққатга моликдир¹¹⁸.

Бу эса пул муносабатлари кушон жамиятининг барча қатламлари орасига чуқур кириб борганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, шаҳарлар қишлоқ аҳолисини ҳунармандчилик маҳсулотлари билан, қишлоқлар эса шаҳарларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб турганлар. Бу жараёнда қишлоқ манзилгоҳлари орасидаги ўзаро товар-пул муносабатлари шаҳарга нисбатан сустроқ бўлсада, амалга оширилган.

Илгариги ҳукмдорларнинг тангалари мажбуран муомаладан чиқарилган ва уларнинг маълум қисми йиғиб олиниб, қайта пул зарб қилиш учун ишлатилган. Сўнгги Кушон подшолари ҳукмронлиги даврида мамлакатда яна пул инқироzi белгилари пайдо бўлади, тангаларнинг қадрли тушиб кетади. Тақлидий тангалар зарб этиш кўпаяди. Улар, афтидан, пул танқислигининг олдини олиш мақсадида зарб этилган бўлса керак. Улардаги тасвирлар ўта ёмон ва уларнинг вазни одатдаги тангаларнинг вазнидан анча енгил. Сўнгги Кушон подшолари даврида пул муомаласидаги инқироз мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан заифлашувига ва қудратли салтанат қулашининг асосий сабабларидан бирига айланади.

Кушонлар даврида ташқи ва ички савдо гуркираб ривожланди ҳамда мамлакат ривожига катта аҳамиятга эга бўлди. Бу жараёнда кучли сиёсий ҳокимият тузилганлиги ҳал қилувчи рол ўйнади. Бу даврда Буюк ипак йўли Ўрта Осиё орқали ўтган бўлиб, Ўрта Осиёлик савдогарлар ғарбда Ўрта Ер денгизи бўйларигача борардилар. Шарқда эса улар Хитой билан, шимолий-

¹¹⁸ Ртвеладзе Э.В. Монетные комплексы из Кампыр-тепе // Вторая нумизматическая конференция. –М.,1987. –С. 104.

ғарбда Кавказ ва Қора денгиз бўйи халқлари билан узвий савдо алоқалари боғлаганлар. Ўрта Осиёлик савдогарлар ўз юртларидан узоқларда ҳам ўз савдо манзилларини (фактория) барпо этиб, юзлаб йиллар давомида ватанлари билан узвий алоқа боғлаб турганлар. Бундай савдо манзилларининг мавжуд бўлганлиги ҳақида Хитой манбалари маълумот беради¹¹⁹.

Ўрта Осиё савдогарлари савдо ишларига ўта моҳир бўлганлар. Кушон давлати ҳудудларига четдан келтирилган ашёлар топилмаларига қараб фикр юритадиган бўлсак, Ғарб мамлакатлари билан ва айниқса, Рим империясининг шарқий вилоятлари билан савдо-сотик биринчи ўринда турган. Рим империяси вилоятлари билан савдо-сотик қуруқлик ҳамда сув йўли орқали олиб борилган. Қуруқлик йўли орқали олиб бориладиган савдога кўпроқ аҳамият берилган. Савдогарлар ўзлари ўтадиган йўллар буйлаб жойлашган шаҳар ва қишлоқларда маҳсулотларининг бир қисмини сотганлар.

Ғарб мамлакатлари билан бўладиган савдода Бактрия муҳим рол ўйнаган. Деярли барча қарвон йўллари унинг ҳудуди орқали ўтар эди. Хусусан, Бактриядан ўтувчи қарвон йўлининг бир тармоғи жанубга, Баграм орқали Қобулга, ундан Гандҳарга, иккинчи тармоғи Қоратегин ва Шарқий Туркистон орқали Хитойга борган. Бактриялик савдогарлар ташқи савдода маълум мавқега эга бўлганлар. Мил.авв. II асрда Бактрияга келган Чжань Цянь, бактрияликлар моҳир савдогарлар бўлганликлари ва ўзга юртларда узоқ, муддатли савдо ишлари олиб борганликлари ҳақида маълумотлар қолдирган. Айрим бактриялик савдогарлар ҳатто Мисрдаги Александрия шаҳригача борганлар¹²⁰.

Кушон давлати ва Рим империяси шаҳарлари ўртасида қуруқдик йўли савдоси билан бирга денгиз савдоси ҳам ривожланган. Бу йул Қизил денгиз орқали ўтган ва Ҳиндистон ярим оролининг ғарбий соҳилида жойлашган шаҳарларга олиб борган. Ушбу денгиз йўлининг милодий I аср охирларида

¹¹⁹ Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. -Т., 1999. -С. 70.

¹²⁰ Шеркова Т.А. Египет и Кушанское царство. -М., 1991.

мисрлик савдогарлардан бири томонидан тузилган йўл кўрсаткичи ҳозирги кунларгача сақланиб қолган. Бу даврда Ҳиндистон ярим оролидаги йирик савдо портлари - Ҳинд дарёси этакларида жойлашган Барбарикоп шаҳри ва ундан жанубий-шарқда, Нарбада дарёси бўйидаги Баригаза шаҳарлари эди¹²¹.

Рим империяси билан олиб бориладиган савдо-сотиқнинг ҳажми жуда катта бўлган. Рим империяси вилоятлари ва шаҳарларидан Кушон давлатига турли матолар, кийим-кечак, олтин ва кумуш идишлар, тақинчокдар, бронзадан ишланган ҳайкалчалар, вино ва ҳарам учун соҳибжамол қизлар келтирилган. Кушон подшолиги аҳолиси орасида Рим маҳсулотларига талаб катта бўлганлиги ҳақида Хитой солномалари маълумот беради. Ушбу маълумотларни археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди¹²². Рим империясидан Кушон давлатига келтириладиган маҳсулотларнинг маълум қисми Ўрта Осиёга ва кўпроқ Бактрияга олиб келинган.

Кушон давлатидан Рим империясига римликларни ҳайратга солувчи қимматбаҳо тошлар, фил суяги, турли-туман зираворлар, қанд, гуруч, темир ва ип-газламалар олиб кетилган. Ип-газлама буюмлар ва қимматбаҳо тошлар айнан Бактриядан жўнатилган. Айниқса, Бактриянинг жундан тўқилган газламалари Римда ўта қадрланган. Бу ҳақида ҳинд манбаларида маълумотлар мавжуд¹²³.

Кушон давлатининг Хитой билан савдо алоқалари ҳақидаги маълумотлар нисбатан камроқ. Хитой солномаларида бу ҳақида фақатгина узук-юлук маълумотлар бор холос. Хусусан, мил.авв. I асрга оид Хитой солномасида «савдо-сотиқни йўлга қўйиш мақсадида» келган Гибинилик (Кашмир-А.Я.) элчилар ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, улар бир неча йилда бир маротаба келганлиги ҳақида ҳам маълумот бор. Кушон давлати ва Хань империяси ўртасида савдо-сотиқнинг паст даражада ривожланишининг асосий сабаби улар ўртасидаги сиёсий зиддият билан боғлиқ эди. Бу зиддият Шарқий Туркистонга Хитойнинг таъсири кучайиши туфайли келиб чиққан эди.

¹²¹ Штейн В.М. Экономические и культурные связи между Китаем и Индией в древности. -М., 1960

¹²² Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т.1997. Б. 45.

¹²³ Зелинский А.Н. Памир и Великий шелковый путь // Народы Азии и Африки. -1976. -№5. -С. 141-160

Хитойдан одатда тери ва ипак маҳсулотлари келтирилган. Ипак Хитойнинг Ғарб давлатлари билан маҳсулот айирбошлашида биринчи ўринда турган. Антик даврда шаклланган карвон йўлининг «Буюк ипак йўли» деб аталишининг асосий сабаби ҳам шунда эди.

Ўз вақтида бу йўлнинг барча қисми Парфия давлати ва парфиялик савдогарлар назорати остида бўлган. Улар Хитой ва Рим империяси шаҳарлари ўртасидаги бевосита савдо муносабатларига турли йўллар билан ҳалақит беришга ҳаракат қилганлар. Ўз ҳудудлари орқали на римлик ва на хитойлик савдогарларнинг ўтишларига йўл қўймаганлар. Бу ҳақида Хитой солномалари аниқ маълумотлар беради¹²⁴.

Хуллас, Буюк ипак йўли орқали олиб борилган халқаро савдо ўлкани бутун дунёга танитади ва ўз навбатида ўлка халқлари дунё халқларининг маданияти ва санъатидан баҳраманд бўладилар. Мамлакатда танга пулларга асосланган товар-пул муносабатлари ривожланадики, бу ўрганилаётган даврда мамлакатлар тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Юнон-Бақтрия даврида асосан йирик шаҳарлар товар-пул муносабатларига тортилган бўлса, кушонлар даврига келиб, бу жараёнда қишлоқлар ҳам кенг иштирок қила бошлайдики, бу жараён иқтисодий ва маданий тараққиётнинг ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Ана шу иқтисодий жараёнларда мамлакатнинг узвий ва муҳим иқтисодий бўлаги бўлган Шимолий Бақтриянинг фаол иштирок қилганлигини Сурхон воҳаси ҳудудларидан топилган кўплаб танга пуллар ҳам тасдиқлайди.

¹²⁴ Бокщанин А.Г. Парфия и Рим. -М., 1960.

3.2. Меъморчилик ва диний эътиқодлар

Ҳозирги кунга келиб, антик давр маданияти нафақат мутахассис олимларни, балки ўлкамиз қадимги тарихи ва маданияти билан қизиқувчи кўпчиликнинг диққат-эътиборини жалб этмоқда.

Сурхон воҳасидаги кўпгина ёдгорликларда (Далварзин, Холчаён, Кўҳна Термиз, Айритом, Қоратепа ва бошқ.) мавжуд бўлган ҳимоя иншоотлари, дахма ва ибодатхона қолдиқлари ҳамда бу ёдгорликлардан топилган турли санъат намуналарида юқорида санаб ўтилган омилларнинг таъсири сезилиб турилишига қарамай, улардаги маҳаллий анъаналарга асосланган ўзига хослик ҳам яққол кўзга ташланади. Шимолий Бактриянинг кўп сонли ва турли-туман маданий ёдгорликларини бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Бу ҳолат уларнинг бажарган вазифаси, қадимийлиги ва аҳамияти орқали белгиланади. Антик даврнинг бу гуруҳлари орасида янги асосларда тараққий этган ўзига хос шаҳарсозлик маданияти алоҳида кўзга ташланади.

Бактриянинг шаҳарсозлик санъатида турли даврларга оид маданий алоқалар катта аҳамиятга эга бўлиб, айрим ҳолларда шаҳарлар Қадимги Бактрия анъаналарини сақлаб қолади. Пойтахт Бақтра-Балх шаҳри ана шундай шаҳарлар жумласидандир. Ахамонийлар даврида шаклланиб ривожланган бу кўҳна шаҳарда дастлабки Юнон-Бактрия подшолари Антимах ёки Эвтидем (мил.авв. III аср) даврида кўпгина қурилиш ишлари олиб борилади. Шаҳар янги ҳимоя деворлари билан ўраб олинади.

Бу даврда Сурхон воҳаси кўҳна шаҳарларида ҳам ўзгаришларни кузатиш мумкин. Хусусан, юнон-бактрия даврining охирларида (мил.авв. II аср ўрталари) Далварзинтепа ўрнида мавжуд бўлган манзилгоҳ ўрнида 9 га майдондан иборат шаҳар пайдо бўлади. Бу даврда Далварзинтепа соҳиблари кўҳна шаҳарнинг аҳоли нисбатан зич жойлашган қисмини девор ва хандақлар билан ўраб оладилар. Айни вақтда, алоҳида уй ва кўрғонлар хандақдан

шимол томонда қолади¹²⁵.

Шимолий Бактрия меъморлари бу турдаги ҳимоя иншоотлари барпо этиш жараёнида мавжуд бўлган зич турар-жой қурилишларига мослашишлари шарт бўлмаган. Чунки бу турар-жойлар мунтазам режавий тузилишга эга бўлган. Мисол учун, Кўҳна Термизнинг мустаҳкамланган қисми-қалъаси мил.авв. III асрда илк Юнон-Бактрия ҳукмдорлари Эвтидем ёки Деметрий даврида бунёд этилган бўлиб, иншоотнинг ҳимояланиши тўғри бурчакли режани келтириб чиқарган. Иншоот мустаҳкам девор ва чуқур хандақ билан ўралиб, шимолий деворда дарвоза жойлашган, кейинчалик бу дарвоза ортида йирик шаҳар пайдо бўлган¹²⁶.

Худди шунга ўхшаш Холчаённинг худуди ҳам мил.авв. V-IV асрларда узлаштирила бориб, юнон-Бактрия даврига келиб унча катта бўлмаган майдонда мустаҳкам ҳимояланган қисм (Қорабоғтепа) пайдо бўлади. Тўғри бурчакли бу қалъа ҳимоя девори ва хандақ билан ўралиб, ғарбий деворнинг марказида ташқи манзилгоҳ томонга қаратиб дарвоза ўрнатилади.

Бактрия-Кушон шаҳарларининг ички режвий тузилиши ҳақидаги тасаввурларимизни Сурхон воҳасидаги йирик кўҳна шаҳарлардан бири Далварзинтепа харобалари янада кенгайтиради. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, шаҳарнинг ўзи тўғри бурчакли бўлиб, унинг шимолий қисмида кўҳандиз жойлашган. Шаҳар худудининг асосий тўғри бурчакли қисми ичида зич қурлишлар яъни, кўҳна шаҳар марказининг учдан бир қисмида бой шаҳарликлар маҳаллалари, жануби-шарқий қисмида ўрта ҳол шаҳарликларнинг унча катта бўлмаган уйлари, жануби-ғарбий қисмида кулолларнинг ва бошқа хунармандларнинг катта маҳалласи жойлашган¹²⁷.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, кўҳна шаҳар ичида диний эътиқодлар билан боғлиқ иншоотлар ҳам жойлашади. Кўҳна шаҳарнинг шимолий деворлари ёнидан Будда ибодатхонаси қолдиқлари аниқланган. Шимоли-шарқий бурчак яқинидан эса даҳма топилган. Ундан ташқари, Далварзин

¹²⁵ Пугаченкова Г.А. Шедевры Средней Азии. -Т., 1986. -С. 24.

¹²⁶ Пидаев Ш. Қадимий Термиз. Т.2001. Б. 6-8.

¹²⁷ Пугаченкова Г.А. Искусство Бактрии эпохи кушан. -М., 1979. -С. 16.

деворидан шимол томондаш табиий тепаликларда кушон даври маданий қатламлари мавжуд бўлиб, бу ерда қўрғонлар ёки шаҳар ташқариси хўжалиги излари аниқланган. Қўхна шаҳар жануби-ғарбий деворлари яқинида ҳам қандайдир қўрғон қолдиклари мавжуд.¹²⁸

Шимолий Бактрия антик даври шаҳарларининг тузилиши ва режаси, тадқиқотчиларнинг фикрича, уларнинг асосида илгари мавжуд бўлган манзилгоҳлар билан боғлиқ эди. Тадқиқотчилар Шимолий Бактриядаги шаҳарларнинг асослари билан бир-биридан фарқланувчи уч гуруҳини ажратадилар:

1. Асослари аҳамонийлар даврига бориб тақалувчи кўп қатламли шаҳарлар (Жондавлаттепа, Хайитободтепа ва Термиз).

2. Юнон-Бактрия ёки саваткийлар даврида пайдо бўлган шаҳарлар (Далварзинтепа, Термиз, Холчаён, Кампиртепа).

3. Юечжи ёки кишонлар даврида пайдо бўлган қўхна шаҳарлар (кўплаб майда шаҳарчалар, Будрач, Зартепа, Ғаровтепа, Деновдаги Қалъа Минор ва бошқ.)¹²⁹.

Ўрта Осиёнинг Бактрия ҳудудларида ҳам қалъа ва қўрғонлар пайдо бўлганидан сўнг, уларнинг теваарида турар-жойлар пайдо бўлиб, шаҳарлар ривожланиши ва кенгайишига асос солинади. Шунинг учун ҳам кушон даври барча катта ва кичик қўхна шаҳарлари илгарироқ манзилгоҳ пайдо бўлган ўринда қад қўтарган қалъаларга эга. Кўпчилик қалъалар қўхна шаҳарлар бурчакларидан бирида жойлашиб, шаҳар иншоотлари таркибига кириб кетади. Айрим ҳолларда қалъалар бурчаклардан бирида жойлашиб (Далварзинтепа, Арпапояттепа) шаҳар чегараларидан четда қолади. Баъзи қалъалар марказда (Ялангўштепа, Ғаровқалъа) жойлашса, айримлари шаҳарнинг асосий қисмидан алоҳида ёки дарё қирғоғида (Термиз, Кампиртепа) жойлашади¹³⁰.

Антик давр Сурхон воҳаси меъморчилигининг таҳлили шуни кўрсатадики,

¹²⁸ Ртвеладзе Э.В. Новые древнебактрийские памятники на юге Узбекистана // ИМКУ. -Т., 1987. -Вып. 2. -С. 119.

¹²⁹ Яхшиев А. Шимолий Бактриянинг тарихи ва маданияти. Т.ф.н. дисс. Т., 2002. 153 б.

¹³⁰ Ртвеладзе Э.В. Кушанская крепость Кампиртепа // ВДИ. -1984. -№ 3. -С. 154.

кўҳна шаҳарлар қалъалари ўз ўлчамлари ва режаси жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Мисол учун, тўғри бурчакли (Кампиртепа, Термиз), тўртбурчак (Зартепа, Оқмозортепа, Хайрободтепа), кўп бурчакли (Далварзинтепа). Энг катта қалъалар Термиз (10 га) ва Далварзинтепа (3 га) бўлиб, кўпчилик қалъалар 1 га дан 0,8 га гача ўлчамга эга. Қалъалар, афтидан, шаҳарларнинг табақалашув-маъмурий бошқарилиши нуктаи назаридан ўз тузилиши, мақсади ва бажарадиган вазифасига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилган. Г.А.Пугаченкованинг фикрича, Ўрта Осиё антик давр шаҳарларининг маъмурий бинолари ва ҳукмдорлар саройларида турли хизматга оид омборлар, ҳарбийлар учун иншоотлар бир ерга мужассамлашган жой ҳисобланади¹³¹.

Шимолий Бактрия антик даври меъморчилигининг юқори даражада ривожланиши, кўп ҳолларда, кўҳна шаҳарларда жадал олиб борилган курувчилик фаолияти билан боғлиқ эди. Меъморчиликнинг нозик услублари оммавий турар-жой қурилишлари билан бирга ибодатхоналар, саройлар, бой турар-жойларга ҳам кенг қўлланилади.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, шаҳар қурилиши меъморий услублари урбанизациянинг юқори ривожланган даражасига кўтарилади. Бу ўринда мудофаа иншоотларининг аҳамияти катта эди. Шимолий Бактриядаги ҳимоя иншоотларини ўрганиш - Хайрободтепа, Кўҳна Термиз, Зартепа, Шўртепа, Кампиртепа, Далварзинтепа, Холчаён, Қумқалъа каби кўпгина кўҳна шаҳарлардаги қазилмалар орқали амалга оширилганки, улар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Юнон-македон босқини даврида ҳарбий жиҳатдан қамал қилиш услубининг кенг қўлланилиши натижасида юнон-бактрия даврига келиб, илгариги (ахмонийлар даври) нисбатан юпқа ташқи ҳимоя иншоотларини бунёд этиш услуби йўқола боради. Сак-юечжи даврига келиб отлик қўшинлар хужумлари ҳисобга олинган ҳолда, мустаҳкам ҳимоя деворлари қад кўтара бошлайди. Кушонлар даврига келиб, қамал ҳолатига бардош бера оладиган мустаҳкам деворлар, отлиқлар хужумини қайтариш учун деворларда ҳимоя

¹³¹ Пугаченкова Г.А. Халчаян. -Т., 1966. -С. 236.

шинаклари бўлган буржлар барпо этилиб, деворлар атрофида хандақлар казилади. Бу даврга келиб бирмунча мустаҳкамланган Далварзинтепа деворлари айнан мана шундай деворларга мисол бўла олади.

Кушон даври ривожланган ҳимоя тартибини Қумқалъа, Хайрободтепа, Кампиртепаларда ҳам кузатиш мумкин. Бу кўҳна шаҳарлардаги ҳимоя иншоотлари баланд қилиб хом ғишдан, айрим ҳолларда пахсадан фойдаланилган ҳолда қад кўтаради. Уларнинг кўпчилигида тўғри бурчакли буржлар мавжуд бўлиб, уларда камончилар учун тўртбурчак ва учбурчак шакллардаги шинақлар ўрнатилган. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, Бактриянинг антик давр ҳимоя иншоотларида ярим айлана шаклдаги буржлар кам (Зартепа) учрайди¹³².

Ҳимояланиши жиҳатидан Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Кампиртепа кўҳна шаҳри мудофаа иншоотлари диққатга сазовордир. Бу ерда ҳам хандақ мавжуд бўлиб, маълум жойларда ирмоқлар ювишидан пайдо бўлган табиий чуқурликлардан фойдаланилган. Табиий тепаликда кичикроқ ичида қалъаси мавжуд бўлган ҳамда деворлар билан ўралган шаҳарчага асос солинган. Қалинлиги 3 м бўлган ушбу деворлар хом ғишдан қад кўтариб, тўртбурчак шаклдаги буржларга эга. Ички девор йулаги ҳам мавжуд бўлиб, буржларда жанговар шинақлар ўрнатилган. Худди шунга ўхшаш қурилиш тартиби кушон даврига оид Жанубий Тожикистондаги Қумқалъа ва Кўҳна-қалъа қадимий шаҳарлари¹³³, Шимолий Афғонистондаги Дилбаржин, Комсар каби ёдгорликларнинг ҳимоя деворлари учун ҳам хосдир.

Кушон даврига келиб, ҳимоянинг энг қулай усули бўлган хандақларга катта эътибор берилади. Улар энди нафақат қалъаларни, балки шаҳристонни ҳам ўраб олиб нисбатан энлироқ (15-20 м гача) ва чуқурроқ казилади. Умуман олганда, антик давр Шимолий Бактрия меъморчилигида шаҳарсозлик маданияти гуркираб ривожланди. Бу жараёнда ички ва ташқи режавий тузилиш ҳамда услублар, турли вазифаларни бажарувчи (маъмурий, ҳарбий, диний, турар-

¹³² Савчук С.А. Цитадель Кампиртепа // Античные и раннесредневековые древности южного Узбекистана. - Т., 1989. - С. 76.

¹³³ Литвинский Б.А., Пичикян И.Р. Археологические открытия на юге Таджикистана // Вестник АН СССР. - 1980. - № 7. - С. 113-124.

жой) иншоотлар барпо этишга катта эътибор қаратилди.

Ҳозирги кунга келиб, Сурхон воҳаси антик давр санъати ҳақида қизиқарли маълумотлар олинганки, уларни умумлаштириб изоҳлаш ниҳоятда муҳимдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, юнон-бактрия даврига келиб бадий маданиятнинг турли жабҳаларида эллинизмнинг таъсирини кузатишимиз мумкин. Эллинлаштириш давридан бошлаб Бактрияда короластика хунармандчилиги пайдо бўлади. Бу санъат намуналари доираси юнон оламига нисбатан кенгрокқ бўлиб, хунармандлар эллин мифологияси билан боғлиқ бўлган терракоталардан ташқари, маҳаллий Бактрия анъаналари билан боғлиқ санъат намуналарини ҳам яратадилар.

Шарқнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби бу ерда ҳам Улуғ Маъбудага сиғиниш Маъбуда-Она кўринишидаги ҳайкалчаларнинг кўплаб тайёрланишига асос бўлди. Айнан шунга ўхшаш ҳайкалчалар Холчаён, Бараттепа, Кампиртепадан кўплаб топилган¹³⁴. Бу санъат намуналари қуйма услубда, асосан олд томонига ишлов берилиб ясалган. Юечжи-кушон ва буюк кушонлар даврига келиб, Шимолий Бактриянинг барча ҳудудларида бадий маданиятининг кўпгина турлари тараққий этганлигини кузатишимиз мумкин. Саройлар, ибодатхоналар ва бой турар-жойлардаги деворий суратлар, манзаралар ҳамда ҳайкаллар бизнинг кунларимизгача намуналар ҳолатида бўлса-да, сақланиб қолган. Суратлар, асосан, деворлар лойка билан ювилиб, минерал бўёқларга ўсимлик кукуни ёки мойи аралаштириб ишланган. Сурхон воҳаси деворий суратларининг мавзуси турли-туман.

Мисол учун, Холчаёндаги сарой деворларида нақшинкор манзаралардан (узум меваси ва барглари, турли гуллар) ташқари эллинистик қиёфали иккита эркак тасвири ва монголоид ирқига ўхшаш (қисик кўзли), сочини ўзига хос қиртишлаган кўринишдаги боланинг тасвири ишланган¹³⁵. Далварзинтепадаги Бактрия маъбудасининг шимолий ибодатхона саройидан кўлидаги болани маъбудага узатиб турган коҳин ва коҳин аёл, шунингдек, кўлида қилич билан тахтга ўтирган аёл тасвирлари топилган. Жанубий ибодатхона саройида эса

¹³⁴ Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т.1997. Б.46.

¹³⁵ Пугаченкова Г.А. Халчаян ... -С. 136-146.

кўп қиррали манзара - от, ёнида эркак киши, унинг ёнида эса аёллар тасвирланган бўлса¹³⁶, турар-жой уйларида бирининг деворида жангчининг бош қисми, бошқа уйда эса аёл киши бошининг бир қисми тасвири сақланиб қолган.

Деворий суратлар Шимолий Бактриядаги буддавийлик иншоотлари безатилишининг асосий таркибий қисми ҳисобланган. Далварзинтепанинг ички шаҳар мажмуаси деворларида Будда сиймоси за унинг ёнида қандайдир киёфалар тасвирланган. Будданинг ўтирган ҳолатдаги йирик киёфаси Қоратепа ғорларидан ҳам аниқланган. Шу ернинг бошқа бўлимидаги тасвирий парчада Будда томонга маъноли қараб турган кишининг бош қисми тасвири сақланиб қолган.

Фаёзтепа ибодатхонасидаги суратлар ҳам анча ифодали ҳисобланади. Бу ерда анъанавий Будда ва бодисатва тасвирларидан ташқари кийимларига қараганда буддавийлик динини қабул қилган бактрияликлар сиймолари ҳам учрайди. Шунинг учун ҳам Фаёзтепа санъат ёдгорликлари ўзига хос хусусиятларга эга¹³⁷. Умуман олганда, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Сурхон воҳаси деворий суратлари мавзулари ва сиймоларининг турли-туманлиги антик давр маҳаллий усталарининг кўп қиррали ва сермахсул ижодларидан далолат беради. Шунга қарамасдан, антик давр Бактрия монументал санъатида етакчи ўринни рассомлик санъати эмас, балки ҳайкалтарошлик санъати эгаллайди.

Бутун қадимги дунёда бўлгани сингари Шимолий Бактриянинг ҳам ижтимоий ва маънавий ҳаётида диний мафкуранинг аҳамияти катта бўлди. Бизга маълумки, мил.авв. I минг йиликнинг ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудларида зардуштийлик дини кенг тарқалади. Тадқиқотчилар орасида зардуштийлик аҳамонийлар Эронида қонунийлашгани сингари Бактрияда ҳам изчил шаклда бўлмаганмикан деган масала баҳсли мунозара ҳисобланади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўрта Осиёда бу диннинг ўзига хос

¹³⁶ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Дальварзинтепе - Кушанский город на юге Узбекистана. -Т., 1978. -С. 79-217

¹³⁷ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия - Тохаристан ... -С. 107.

махаллий кўринишлари мавжуд бўлиб, бу кўринишлар, айниқса, кўмиш маросимларида кучлироқ кузатилади.

Бактрия-Тохаристон ҳудудларидан казиб ўрганилган кўмиш маросимларига оид иншоотларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ёдгорликлари. Кўчманчи аҳоли ёдгорликлари, асосан, мазор-кўрғонларан иборат бўлиб, улар кўпроқ қўшни Тожикистон ҳудудларида ўрганилган (Тупхона, Аруктов, Тулхар, Султанобод ва бошқ). Ўтроқ аҳолининг кўмиш маросимларига оид иншоотлари эса кўпроқ Сурхондарё ҳудудларида ўрганилган (Далварзин, Кўҳна Термиз, Яланггуштепа, Зартепа, Қоратеп, Холчаён ва бошқ)¹³⁸.

Шимолий Бактриянинг қатор антик давр ёдгорликларида аниқланган кўмиш маросимларига оид маълумотлар бу ҳудудларда Авесто кўрсатмаларига амал қилинганлигидан далолат беради. Бу кўрсатмаларга кўра, шаҳар атрофларида махсус бино «ката» (дахма) лар бунёд этилиб, бу биноларда марҳумнинг жасади маълум муддат сақланган. Марҳумларнинг йиллик байрами Фравартикан кунлари эса бу ерга овқатлар қўйилиб, чироқ ёқилган. Айнан шунга ўхшаш дахма Кампиртепа кўҳна шаҳри атрофидан топиб ўрганилган¹³⁹. Сўнгра маросимга кўра, марҳумнинг жасади суякларни этдан тозалаш мақсадида катадан узокроққа, очиқ жойга қўйилган. Орадан бир йил ўтиб суяклар этдан тозалангач, улар махсус бино-наусларга дафн этилган. Бундай науслар Далварзинтепа, Яланггуштепа, Кампиртепа ёдгорликларидан топиб ўрганилган¹⁴⁰.

Бу науслардаги марҳумлар ёнига турли-туман буюмлар, сопол идишлар, турли тақинчоқлар, ойналар қўйилганки, Авестода бундай кўрсатмалар мавжуд эмас. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бундай ҳолат нисбатан қадимгироқ Авестогача бўлган даврга хос маҳаллий анъаналар (яъни, марҳум ёнига турли буюмлар қўйиш) сақланиб қолганлигидан далолат беради. Бу анъаналар Бактриянинг бронза даври ёдгорликларида кўплаб учрайди.

¹³⁸ Пугаченкова Г.А. О культах Бактрии в свете археологии // ВДИ. -1974. -№ 3.

¹³⁹ Ртвеладзе Э.В. Дальварзинский наус // Дальварзинтепе - кушанский город на юге Узбекистана. -Т., 1978

¹⁴⁰ Ртвеладзе Э.В. Могильник кушанского времени у Яланггуштепе // СА. -1983. -№1.

Кейинги даврларда, хусусан, антик даврга келиб Бактрия худудларига бошқа динлар ҳам кириб келади. Юнон-Бактрия ҳукмдорлари даврида булар Олимпия худолари билан боғлиқ бўлиб, улар маъбуд ҳомий сифатида шу давр тангаларининг орқа томонида тасвирланган. Бу худоларнинг кўпчилиги юечжилар босқинидан сўнг ва кушонлар даврига келиб ўз аҳамиятини йўқотади. Тангашунослик ва ҳайкалтарошлик маълумотларига қараганда, уларнинг айримлари маҳаллий худолар билан аралашиб кетади (мисол учун: юнон худоси Гелиос Михр билан, Геракл Охшо билан, Ника Ванинда билан ва ҳ.к.).

Кушонлар даврига келиб Ўрта Осиёда, жумладан Бактрияда турли диний эътиқодлар ёйилади. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, Кушон ҳукмдорлари вазиятдан келиб чиқиб дин эркинлиги сиёсатини олиб борадилар. Чунки бу улкан салтанат турли диний эътиқодларда бўлган кўпгина халқлар ва элатлар бирлашмасидан иборат бўлиб, бу ҳолат ўзига хос диний сиёсат олиб боришни талаб этар эди. Айнан мана шу йўл билан турли халқларда норозилик уйғотмасдан сиёсий барқарорликни ушлаб туриш мумкин эди.

Кушон тангаларида Авесто пантеони худолари тасвирлари кўпчиликни ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, Ўрта Осиёнинг кўпчилик аҳолиси зардуштийликка сиғинганлиги ҳақидаги фикрлар асосли эканлиги маълум бўлади. Булар: олов, подшо бахти ва ҳарбий шуҳрат худоси - Фарро, қуёш худоси - Михро, ой худоси - Мах, олов ва меҳнат худоси - Атшо, ғалаба ва зафарлар худоси - Орлагно, ҳосилдорлик худоси - Нана, сув худоси - Охшо, мўл-кўлчилик ва уй ўчоғи ҳомийси - Ордахши, шамол ва ҳаво офатлари худоси - Вадо ва бошқалардир¹⁴¹.

Кушон даври усталари илгариги даврларда бўлгани сингари аёл танасининг гўзаллигини эмас, балки унинг маънавий камолотини акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Бунда ҳар қайси маъбуда ўзига мос равишдаги вазифалар рамзига ажратилган. Турли-туман иконографик кўринишдаги ҳайкалчаларнинг Шимолий Бактрия худудларидан кўплаб топилиши

¹⁴¹ Пугаченкова Г.А. Образы божеств в культуре Тохаристана времени кушан // Краеведени -Сурхандаръи. - Т., 1989. -С. 20-42.

фикримиз далилидир. Бактриянинг «Улуғ Маъбудалари» оилага ҳомийлик қилганлар. Бактрияда «Улуғ Маъбудалар» билан бирга, Юнон-Бактрия давлатини қулатиб, кейинчалик Кушон давлатига асос солган дашт қабилаларининг ҳомий худолари бўлган эркаклар ва отликлар ҳайкалчалари ҳам кенг тарқалган. Афтидан, Кушон давлатининг асосчилари Герай ва Кужула Кадфиз тангаларига отликлар тасвирининг туширилиши ҳам шу билан изоҳланади. Кушонлар даврида Бактрия ҳудудларида бир неча маҳаллий худоларга сиғиниш эътиқоди ҳам тарқалган¹⁴².

Кушонлар даврида Ўрта Осиё ҳудудларида буддавийлик эътиқоди ҳам ёйилади. Бу жараёнда кушонлар томонидан шимоли-ғарбий Ҳиндистоннинг босиб олиши катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки бу даврда айнан мана шу ҳудуд аҳолиси орасида Будда таълимоти кенг тарқалган эди. Ушбу барча ҳудудларнинг ягона давлат таркибига киритилиши, шунингдек, янги давлат пойтахтининг Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбига кўчирилиши буддавийликнинг бутун давлат ҳудудларига ёйилиши учун туртки бўлди. Буддавийлик ҳақидаги маълумотлар Ўрта Осиёга нисбатан илгарироқ, балки эллинизм давридаёқ кириб келган бўлиши ҳам мумкин. Аммо ҳозирча бу ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасмиз.

Кушонлар даврида буддавийлик Ўрта Осиёга Афғонистон ва Жанубий Бактрия орқали кириб келади. Буддавий кўчиндиларнинг (миссионер) бир қисми бу ердан Парфия давлатининг шарқига -Марвга, бошқа бир қисми эса Термиз орқали Шимолий Бактрияга ёйиладилар. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, буддавийлик тарғиботчиларининг Шимолий Бактрияга кўплаб кириб келиши милодий I асрга тўғри келади. Кўҳна Термиздаги Қоратепа, Термиз яқинидаги Фаёзтепа, Айритом, Далварзин яқинидаги ибодатхоналарнинг бунёд этилиши ҳам айнан мана шу даврга тўғри келади¹⁴³.

Буюк Кушонлар ҳукмронлигининг охирларига келиб, Шимолий

¹⁴² Пугаченкова Г.А. О культах Бактрии в свете археологии // ВДИ. -1974. -№3. -С. 124-135.

¹⁴³ Пугаченкова Г.А. Далварзинтепе и некоторые общие вопросы истории и культуры Северной Бактрии // Далварзинтепе-кушанский город на юге Узбекистана. -Т., 1978. -С. 176-222.

Бактрия буддавийликнинг ўзига хос марказига айланади ҳамда бу дин мамлакатдан шимолий ҳудудларга - Чоч, Довон, Шарқий Туркистон, у ердан эса Мўғулистон ва Хитойга ёйилади. Айрим бактрияликлар буддавийлик динининг машҳур тарғиботчиларига айланадилар. Улар ўзларининг Будда таълимотига оид билимларига таяниб Ҳиндистондаги ушбу дин тарғиботчилари билан бемалол беллаша олар эдилар.

Термиз яқинидаги Қоратепа ибодатхонаси Бактриядаги буддавийлик иншоотлари орасида алоҳида аҳамиятга эга. У Шимолий Бактриядаги Будда динининг ўзига хос марказларидан ҳисобланади. Ёдгорлик йигирмадан зиёд алоҳида мажмуалардан иборат бўлиб, ҳозирча тепаликнинг жанубий қиялигидаги тўққизта мажмуа очиб ўрганилган. Ушбу ибодатхона мажмуаларининг ҳар бири ғор шаклидаги ибодатхоналардан иборат бўлиб, улар айланма коридорлар, ер усти ҳовлиси ва ибодатга оид турли қурилишларга эга. Меъморий-режавий услублари жиҳатидан бу қурилишлар турли шаклда бунёд этилган. Ибодатхонанинг деворлари бўялган ва буддавийлик билан бевосита боғлиқ турли тасвирлар туширилган. Токчаларга эса Будда ва бодисатванинг лой ҳамда тошдан ишланган ҳайкаллари ўрнатилган¹⁴⁴.

Қоратепа яқинида ўта аҳамиятли бўлган яна бир буддавийлик иншооти Фаёзтепа харобалари жойлашган. Ушбу иншоот ҳам учта ибодатхона, монастыр ва хўжалик қисмларидан иборат. Ибодатхона катта ҳовлидан иборат бўлиб, деворлар бўйлаб айвонлар жойлашган. Ҳовли деворлари турли тасвирлар билан безатилган. Тўртбурчак шаклдаги ибодатхона ҳовли жанубий-ғарбининг марказида жойлашган. Унинг деворларида тасвирлар бор. Шу ерда турли ҳайкаллар ҳам жойлашган.

Монастир қисми мажмуанинг шимоли-ғарбий тарафида жойлашган. Бу ерда диний таълимотлар ўргатилган ва дарслар олиб борилган. Хўжалик мажмуаси Фаёзтепанинг шарқий қисмида жойлашган. Бино катта ҳовли бўйлаб барпо қилинган. Мажмуанинг бу қисмида овқат тайёрланган, нон ёпилган, хоналарда эса озик-овқат маҳсулотлари сақланган. Фаёзтепа мажмуининг

¹⁴⁴ Пугаченкова Г.А. Новые данные о художественной культуре Бактрии // Из истории античной культуры Узбекистана. -М., 1973. -С. 78-129.

марказий бўғинини эса ҳовли шимолий қисмининг марказида жойлашган улкан ступа ташкил қилади.

Термиз яқинидаги яна бир улкан буддавийлик иншооти Айритомда жойлашган. Бу унча баланд бўлмаган тўғри бурчакли пойдевор устидаги тўртбурчак иморат бўлиб, унинг олдида деворлари фриз билан безатилган яна бир бино жойлашган. Фризда турли тасвирлар, хусусан, лютна, барабан, арфа ва флейта чалиб турган мусиқачилар тасвирлари туширилган.

Шўрчи туманидаги Далварзинтепа кўҳна шаҳридан шимолда яна бир бетакрор Будда ибодатхонаси очиб ўрганилган. Ушбу мажмуанинг марказий қисмини уч томондан тўғри бурчакли дахлизлар билан ураб олинган ступа ташкил қилади. Шимолий дахлиз муқаддас саналган ва бу ерда Будданинг лойдан ишланган улкан ҳайкали жойлашган. Бу ердаги ибодатхонанинг деворларига ҳам турли тасвирлар туширилган. Қизиқарли томони шундаки, бу ерда нафақат буддавийлик дини билан боғлиқ тасвирлар ва ҳайкаллар, балки хукмдорлар ва уларнинг яқин кишилариининг ҳайкаллари ҳамда тасвирлари ҳам мавжуд. Бу ерда Будда ва илоҳаларнинг тасвирлари дунёвий кишиларнинг тасвирлари билан биргаликда тасвирланиши ўта аҳамиятлидир.

Шимолий Бактриянинг юқорида тилга олинган буддавийлик анъаналари билан боғлиқ бўлган барча иншоотлари ҳозирги кунда бутун дунёга машҳур¹⁴⁵. Кушон давлати аҳолисининг унчалик катта бўлмаган бир қисми насронийлик динига эътиқод қилишган. Бу ҳақида милоднинг III-IV асрларига оид арман ва сурия манбалари ишончли маълумотлар беради. Аммо бу ҳудудларда ушбу диннинг ёйилиш даражаси ҳақида аниқ бир фикр айтиш мушкул. Ҳозирча, бу ҳақида археология ҳеч қандай моддий маълумот бермайди. Шимолий Бактриядан ҳозиргача кушон даврига оид бирорта ҳам насроний ибодатхоналар қолдиқлари аниқланмаган. Кушонлар даврининг охирларига келиб, бу ҳудудларда монийлик дини тарафдорлари ҳам пайдо

¹⁴⁵ Лелеков Л.А. Вопросы интерпретации среднеазиатской коропластики эллинистического времени // СА. - 1985. - №1. - С. 55-61.

бўлади.

Кушон даври Бактриядаги кўмиш маросимлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Мархумлар узаласига ётқизилган ҳолда дафн этилиб, унинг ёнига турли-туман қабр ашёлари қўйилган. Одатда, мархумнинг оғзига ёки кўкрагига тангалар қўйилган. Шунга ўхшаш қабрлар Айритом, Тупхона ва Тулхор (Кофирнихон воҳаси) қабристонларидан топилган бўлиб, улар м.авв. I ва м.л. I асрларга оиддир. Кўмиш маросимларининг иккинчи кўриниши бу аввалдан тозаланган суякларни даҳмаларга дафн этиш билан боғлиқдир. Кўмишнинг бу анъаналари Бандихонда ва Далварзинтепада аниқланган. Далварзин даҳмаси ўртасида дахлизи бўлган тўртбурчак иншоотдан иборат. Дахлизнинг ҳар икки томонида 4 тадан тўғри бурчакли даҳмалар жойлашган. Дафн этишнинг иккинчи кўриниши асосан милоднинг I-II асрларида кенг ёйилган. Дафн этишнинг бу кўриниши Бактрия ҳудудларида жуда кам бўлиб, асосан, Парфия, Хоразм ва Сўғд ҳудудларида кенг тарқалган. Лекин дафн қилишнинг ушбу кўриниши ҳам зардуштийликка хос кўмиш маросимлари билан боғлиқ эди. Бактриянинг кўчманчи аҳолиси эса майитларни аввалгидек мазор-қўрғонларга дафн қилганлар. Хуллас, Сурхон воҳасидаги ўтроқ аҳолининг дафн этиш иншоотлари шакли ва тузилиши жиҳатидан турли-тумандир. Бу иншоотлар оддий чуқурлардан тортиб, маҳобатли мақбараларгача бўлган ёдгорликларни ўз ичига олади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, турли-туманлиги жиҳатидан Бактрия-Тохаристоннинг дафн этиш иншоотлари Ўрта Осиёнинг бошқа тарихий-маданий иншоотларига нисбатан устун туради. Умуман олганда, қадимги Шарқда муҳим аҳамиятга эга бўлган Бактрия-Тохаристоннинг дафн этиш маросимларига оид иншоотлари бу ҳудудлардаги тарих, дин тарихи, моддий ва маънавий маданият тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Диний эътиқодлар жамият маънавий камолотининг бош омили бўлса, кушонлар даврида диний эътиқодларга эркинлик берилиши ўлкадаги сиёсий барқарорликни таъминлайди.

3.3. Маданий алоқалар, ички ва ташқи савдо йўллари.

Ўрта Осиёда юнонлар хукмронлигининг ўрнатилиши минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятга ва у билан боғлиқ ҳолда ички ва ташқи транзит йўллар фаолиятига ҳам ўзига хос таъсир кўрсатди. Бу даврда олдинги тарихий даврларда фойдаланиб келинган асосий алоқа йўллари йўналишлари билан бир қаторда, янги тарихий вазиятга боғлиқ ҳолда, иқтисодий-маданий алоқаларнинг янги йўналишлари пайдо бўлди.

Антик давр Шимолий Бақтрия шаҳарлари маъмурий, ҳарбий-сиёсий ва мафкуравий марказ бўлибгина қолмасдан савдо-сотиқ ва хунармандчилик марказлашган ҳудуд ҳам ҳисобланган. Чжан Цзяннинг мил. авв. II асрнинг ўрталарига оид маълумотларига кўра, Дахя (Бақтрия) аҳолиси савдо-сотиқданиҳоятда моҳир, мамлакатнинг пойтахтида эса ҳар хил маҳсулотларга бой бўлган бозор мавжуд эди.

Маълумки, Александр Македонский армияси Бақтриядан Сўғдиёнанинг йирик шаҳри Мароқандага ўша даврда фаолият кўрсатган энг қисқа ва қулай йўл орқали кириб келган. Тегишли манбаларни таҳлил қилган мутахассислар фикрича, Александр Македонский армияси қуйидагича: Бақтра – Термиз – Шерободдарё – Наутака – Мароқанда ёки Бақтрия – Шўроб ёки Чўчкагузар кечуви – Шерободдарё – Ўрадарё – Даратепа – Узунқир – Мароқанда йўналишида ҳаракат қилган бўлиши мумкин. Амударёнинг Келиф кечувидан Сўғдиёна пойтахтига олиб борувчи йўл сувсиз чўл орқали ўтганлиги ҳамда бу ораликда кушонлар давридан қадимгироқ ёдгорликларнинг учрамаслиги боис юнон-македон қўшинлари Бақтра – Келиф – Ерқўрғон – Мароқанда ёки Бақтра – Келиф – Наутака Мароқанда йўналиши бўйлаб ҳаракат қилмаганлиги эҳтимолга яқиндир¹⁴⁶.

Александр Македонский истилоси минтақада шаклланган иқтисодий маданий алоқаларга, минтақанинг ички ва ташқи алоқа йўллари фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди. Салавийлар даврига келиб нисбатан сиёсий

¹⁴⁶ Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. –Т. 2008. Б.100.

барқарорлик ўрнатилиши, ўтказилган молиявий ислохотлар, бутун мамлакат ҳудудида амлда бўлган кумуш тангаларнинг муомалага киритилиши иқтисодий-хўжалик муносабатлари тикланиб, савдо йўллари фаолияти қайтадан жонланишига туртки берди.

Юнонлар даврида минтақамизнинг турли ҳудудларида барпо этилган шаҳарлар салавийларнинг тобе этилган ҳудудлар устидан ҳарбий-сиёсий назоратини таъминлаш билан бирга, тез орада ўзига хос савдо марказларига ҳам айланиб қолган. Бу, биринчи галда, ушбу шаҳарлардаги ҳарбийларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига, улов воситалари учун емишга ҳамда турли ҳунармандчилик буюмлари ва ҳом ашёга бўлган эҳтиёжи билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан юнонларнинг ўзлари ҳам тез орада маҳаллий бозорларга ўз ҳунармандчилик маҳсулотларини чиқара бошлаганлигини кўради. Уларнинг юқори сифатли маҳсулотларига маҳаллий зодагонлар ва аҳолининг ўзига тўқ қатламлари орасида талаб пайдо бўла бошлайди.

Бу талаб ўз навбатида юнон ва маҳаллий талабларга бирмунча мослашган маҳсулотлар пайдо бўдишига ҳам олиб келди. Бу жараёнлар минтақадаги юнонлар шаҳарларини атрофдаги қишлоқлар, ҳом ашё конлари ҳамда минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга савдо марказлари билан боғловчи карвон йўлларининг янги йўналишлари пайдо бўлишига ҳам олиб келди.

Илк антик давридаги савдо йўллари ичида Бақтра шаҳридан Ойхоним орқали Термизга, бу ердан Шеробод воҳаси ва Темир дарвоза орқали Сўғдга олиб келувчи йўлнинг аҳамияти катта эди. Амударёнинг ўнг қирғоғида, муҳим кечув бўйида жойлашган (еҳтимол, дастлабки даврларда кечувни назорат қилиб туриш мақсадида барпо этилган) Термиз мил. авв. 1 минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб Шимолий Бақтриядаги энг йирик шаҳар сифатида минтақа жанубининг ички ва ташқи алоқаларида, хусусан, Бақтрия пойтахтини Шимолий Бақтриядаги маконлар ва Сўғд билан боғловчи йўллар тизимида ассосий ўрин тута бошлайди¹⁴⁷.

¹⁴⁷ Пидаев Ш.Р. К вопросу о локализации Александрии на Оксе // ИМКУ. Т., 1992. – Вып. 28. – С. 46-59.

Шимолий Бактриядаги ички йўллар тизими Амударёнинг ўнг irmoқлари бўлган Шерободдарё, Сурхондарё, Вахш, Кофирнихон, Қизилсув каби дарёлар ва уларнинг irmoқлари бўйлаб жойлашган шаҳарлар, қўрғонлар ва қишлоқларни боғлашга хизмат қилган. Бу йўллар Помир тоғ тизмасининг таркибий қисмлари бўлган тоғлардан бошланиб, жанубий ғарбий йўналишда, Амударёга қараб оқувчи сув йўлларига параллел равишда фаолият кўрсатган. Улар ичида Термиздан Шерободдарёнинг чап қирғоғи бўйлаб Зартепа ва Жондавлаттепа ёдгорликлари орқали Нондаона (Нон йўлаги) дарасига, бу ердан Шўробсой водийси ва Темир Дарвоза орқали Сўғдиёна шаҳарларига кетувчи йўналиш минтақадаги транзит йўллар тизимида катта аҳамиятга эга эди¹⁴⁸. Бу йўналиш Сўғдни ва минтақанинг марказий ҳудудларини Бактрия пойтахти ва Ҳиндистон шаҳарлари билан боғлашда асосий ўрин тутарди.

Бактриянинг минтақанинг ички ҳудудлари билан боғловчи йўллар ичида Шимолий Афғонистондаги Ойхоним орқали Термизга, Кампиртепа ёдгорлиги яқинидаги Шўроб кечувидан Шеробод орқали Сурхон воҳаси ва Ҳисор тоғларидаги воҳаларга кетган йўлни айтиб ўтиш мумкин. Шимолий Бактриянинг тоғолди ва тоғли ҳудудларидаги шаҳарлар ҳам ўлканинг ички йўллари орқали ўзаро алоқада бўлиб келган. Улар ичида Сурхондрё воҳасида жойлашган Далварзинтепа, Холчаён, Термиз ҳамда Кофирнихон ва Вахш дарёлари ҳавзасидаги шаҳар ва қалъалар муҳим ўрин тутган.

Бактрия пойтахтини Сўғдиёна билан боғловчи йўл, асосан, икки йўналишда бошланган. Биринчиси, Термиз, Темир Дарвоза ва Оқработ довонидан Наутака, Тахтақарча довони орқали Самарқандга ёки Кичик Ўрадарё ва Ғузордарё бўйлаб Қуйи Қашқадарёга олиб чиққан. Иккинчи йўналиш Бақтра шаҳридан Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувлар – Келиф ва Керкича орқали ўтган. Келиф кечувидан Накшипа шаҳрига (Еркўрғон ёдгорлиги), бу ердан Кўкдала ва Жом даштлари орқали Мароқандга кетувчи йўл бўлган.

Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувлар муҳим аҳамиятга эга бўлган.

¹⁴⁸ Пидаев Ш.Р., Шайдуллаев Ш.Б., Хуфф Д., Шахнер А. Жондавлаттепа – қадимги Бактрия-Кушонлар шаҳри // Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. – Самарқанд, 1994. – Б.54-55.

Минтақада катта сиёсий-иқтисодий мавқега эга бўлган Қадимги Бактрия давлати ва унинг пойтахтига олиб борувчи йўллар тизимида асосий ўрин тутган бу кечувлар, хусусан, Термиз яқинидаги Шўроб кечувининг аҳамияти бу даврларда анча юқори эди. Шўроб кечувида жойлашган Кампиртепа ёдгорлиги антик даврда кечувни назорат этиб туриш учун хизмат қилган йирик қалъа харобалари ҳисобланади.

Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, Кампиртепа харобалари ўрнидаги қалъадан мил.авв. 1 – мил. 2 асрларда фойдаланилган. Бу қалъа, нафакат, кечувни шу билан бирга, Термиз – Урганч сув йўлини ҳам назорат қилиб турганлиги, бу ерда божхонадан ташқари кемалар тўхташига мўлжалланганбухта ҳам бўлган¹⁴⁹. Бу маълумотлар антис даврда Шўроб кечуви орқали ўтувчи алоқа йўллари Бактрияни Сўғдиёна ва минтақамизнинг шимолий ҳудудлари билан боғлашда асосий ўрин тутганлигини кўрсатади.

Кушон подшолиги ҳукмронлигининг илк босқичидаёқ кўҳна дунё мамлакатлари ва халқлари тарихида муҳим аҳамият касб этган қитъалараро савдо йўли “Буюк ипак йўли” тўлиқ шаклланган. Ўрта ер денгизи мамлакатларини Узоқ Шарқ билан боғловчи Буюк ипак йўлининг Шимолий Бактрия ҳудудлардан ўтиши халқаро савдонинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратган эди. Птоломей тасвирлаган бу йўлнинг бир тармоғи Бактриядан шимолга, Амударё орқали Тармитадан ўтиб шимоли-шарққа қайрилган ва Сурхон воҳаси бўйлаб бориб Қоратоғ орқали Қоратегин томонга кетган. Чжан Цзяннинг маълумотларига кўра, Чуй Шуй (Амударё) бўйида савдогарлар ва сотувчилар яшаганлар. Улар ўз молларини қуруқликдаги йўлда ҳам сув йўлида ҳам қўшни давлатларга сотганлар.

Шимолий Бактриядаги халқаро савдо алоқаларининг йўналишлари ва тараққиёти ҳақида баъзи археологик топилмалар гувоҳлик беради. Булар Ҳиндистондан келтирилган –тароқ, шахмат доналари, фол очадиган суяк, тилла буюмларнинг бўлаклари, фил суягидан ясалган нарсалар (Далварзинтепа); Римдан – шиша (Холчаён), мармар бош (Илонтёпа),

¹⁴⁹ Дудаков С.А. Раскопки пристани Кампиртепа // Археология, история и культура Средней Азии: Тезисы докладов международной конференции. -Т. 2002. -С 51-53.

маскарон (махсус қиёфани ўзгартирувчи буюм, меъморчиликда ишлатилган, Шахригулгул), Нерон тангаси (сестерций, Хайрабодтепа); Мисрдан тақинчоқлар ва туморлар, улар Шимолий Бактриянинг қабристонларидан топилган (Бойсун, Бандихон, Кампиртепа, Тўпхона), папирус (Кампиртепа); Хитойдан ипак матолар (Кампиртепа, Холчаён), ойналар (Айритом, Бараттепа, Жанубий Тожикистон қабристонлари); Парфиядан тангалар; Хоразмдан айлана нақш солиб ишланган идиш (Кампиртепа) қабилардир.

Ҳунармандчилик ишлаб чиқариши савдо-сотиқнинг, ички савдонинг жадаллик билан тараққий этишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Антик даврда Шимолий Бактриянинг кўҳна шаҳарларида кулолчиликка ихтисослашган маҳаллалар мавжуд бўлиб, уларда бир вақтнинг ўзида бир нечта хумдонлар ишлаб турган. Улфрдаги идишларни пишириш хоналарида бир пиширишда юздан ортиқ идишлар сиғдирилган. Кулолчилик хумдонларининг қишлоқларда бўлмаганлиги ёки камлиги шундан далолат берадики, кулоллар ўз маҳсулотлари билан нафақат шаҳар балки, қишлоқ аҳолисининг ҳам талаб-эҳтиёжларини қондирган. Кўҳна шаҳарларда темирни қайта ишлайдиган ҳунармандчилик устахоналари ҳам бўлган. Термиздан темирчилар маҳалласи аниқланган. Темир ва мисни қайта ишлаш ҳунармандчилигининг қолдиқлари Шўртепадан ҳам аниқланган.

ХУЛОСА

Диссертацияда милоддан аввалги III - милодий IV асрларга оид Шимолий Бактриянинг олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларини ҳар томонлама ўрганиб, ёзма манбалар ҳамда илмий тадқиқотларни таҳлил этиб ва уларнинг натижаларини умумлаштириб куйидаги хулосага келинди:

1. Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб «Шимолий Бактрия» атамаси илмий муомалага киритилган бўлиб, бу ҳудуд шимолдан Хисор тоғ тизими, ғарбдан Кўхитанг тизмаси, жанубдан Амударё, шарқдан Помир тоғлари билан чегараланувчи қадимги тарихий-маданий вилоят бўлганлиги XX асрнинг 70-йилларида кенг илмий тадқиқотлар асосида аниқланди.

2. Шимолий Бактрия юнон-бактрия даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳада ривожланиш жараёнларини бошдан кечирган. Қазилмалар натижасида топиб ўрганилган топилмалар шундан далолат берадики, бу даврда мавжуд бўлган кўҳна шадарлар, қалъалар ва манзилгоҳлар режавий тузилиши жиҳатидан узоқ илдизларга эга бўлиб, уларда кўпгина ўзига хосликлар мавжуд. Мил.авв. III-II асрлардаги Шимолий-Бактрия шаҳар-манзилгоҳларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга мустаҳкамланган марказ-қалъа атрофида аста-секинлик билан ўз-ўзидан шаклланиб марказлашган манзилгоҳлар кирса, иккинчи гуруҳга илгаридан шаклланган режа-услуг асосида қад кўтарган шаҳар-манзилгоҳлар киради.

3. Турли йилларда Айритом ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар Ўзбекистон ҳудудларидаги антик давр тарихий-маданий жараёнларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу кўҳна манзилгоҳдаги археологик тадқиқотлар Ўрта Осиё ҳудудларидаги кейинги юнон-будда маданияти ёдгорликларини ҳар томонлама ўрганишни бошлаб берибгина қолмай, шу даврга оид кўпгина ёдгорликларнинг даври ва санасини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, 1936 йилда Термиз археологик комплекс экспедициясининг ташкил этилиши Термиз шаҳрининг дастлаб ҳар томонлама тадқиқ этилишида муҳим аҳамият касб этди.

4.Ўтган асрнинг 60-80 йилларида Ўзбекистон санъатшунослик экспедициясининг илмий-текширув ва тадқиқотлар доираси кенг ҳудудларни камраб олган бўлса-да, диққатга сазовор кўпгина кашфиётлар Шимолий Бактрия ҳудудларида амалга оширилди. Далварзин, Холчаён, Кўҳна Термиз, Кампиртепа, Зартепа, Қоратепа, Файёзтепа каби Шимолий Бактриянинг кўҳна шаҳарлари археологик жиҳатдан тадқиқ этилди.

5.1972 йилда ташкил этилган Бактрия археологик комплекс экспедицияси тадқиқотлари натижасида антик давр Шимолий Бактрия қишлоқларининг меъморчилиги, қурилиш услублари, моддий маданияти, ҳўжалиги, уларнинг жамиятда тутган ўрни, қишлоқ ва шаҳарлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар каби кўплаб тарихий-маданий жараёнлар ўрганилди.

6.Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Шимолий Бактрияда самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Бу ўринда чет эллик тадқиқотчилар - Франция, Олмония, Япония олимлари билан олиб борилган ҳамкорликдаги тадқиқотлар айниқса диққатга моликдир. Ушбу тадқиқотлар натижасида антик даврда рўй берган, ҳали фанга номаълум бўлган кўпгина тарихий-маданий жараёнлар аниқланиб, фанга жорий этилди.

Шимолий Бактрияда, шу жумладан Сурхон воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар бу ҳудуднинг Юнон-Бактрия давлати ва Кушон салтанатининг ажралмас бир қисми эканлигидан гувоҳлик беради. Бу ҳол ёдгорликларнинг умумий кўринишда ва моддий ашёларда ўз ифодасини топган.

Антик давр Шимолий Бактрия меъморчилигининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу давр меъморчилигида шаҳарсозлик маданияти тараққий қилиб, унда маъмурий, ҳарбий, диний ва турар-жой мақсадида қурилган иншоотлар бир-биридан фарқланади. Шаҳарлар ўзининг пайдо бўлган даври хусусиятларини сақлаб қолган. Юнон-бактрия даврида барпо қилинган иншоотларда эллинизмнинг маданиятининг таъсири сезиладиди.

Товар-пул муносабатлари масалаларининг таҳлили кўрсатишича,

Кушон давлати кучайиши натижасида Буюк ипак йўлидаги Парфия назоратига анчагина путур етади. Шунинг учун ҳам айнан шу масала юзасидан Кушон давлати ва Парфия ўртасида ҳарбий тўқнашувлар бўлиб турган. Бундай ҳолатларда Бактриядан Римга олиб борилаётган ипак бутун Кушон давлати ҳудудлари орқали олиб ўтилиб, Ҳинд савдо портларига, ундан эса денгиз йули орқали Ўрта Ер денгизи мамлакатларига олиб борилган.

Мамлакатда танга пулларга асосланган товар-пул муносабатлари ривожланадики, бу ўрганилаётган даврда мамлакатлар тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Юнон-бактрия даврида асосан йирик шаҳарлар товар-пул муносабатларига тортилган бўлса, кушонлар даврига келиб бу жараёнда қишлоқдар ҳам кенг иштирок қила бошлайди.

Хулосада шуни айтиб ўтиш жоизки, Шимолий Бактриянинг қадимги даврларга оид бой тарихи ва маданиятини ўрганишда Сурхон воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотларнинг ўрни бекиёс аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Президент И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент, “Шарқ” нашриёти, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

II. Манбалар

1. Арриан. Поход Александра / Пер. М.Е.Сергеев.-М.-Л., 1962. IV.
2. Геродот. “Тарих”. том -VII.
3. Курций Руф. История Александра Македонского / Пер. и примеч. В.С.Соколова. –М., 1963. –VIII.

III. Илмий адабиётлар

1. Альбаум Л.И. Некоторые данные по изучению Ангорской группы археологических памятников (1948-1949 гг.) // Тр. ИИА АН УзССР. -Т., 1955. -Вып. 7. -С. 115-139
2. Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. –Т., 1975.
3. Альбаум Л.И. Раскопки буддийского комплекса Фаязтепе // Древняя Бактрия. -Л., 1974
4. Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т.1997.
5. Аскарлов А.А. Проблема становления раннегородской культуры на юге Узбекистана и ее связи с Индостаном // Древние культуры Средней Азии и Индии. - Ташкент, 1984. - С. 87-97.
6. Аскарлов А. Ўзбекистон тарихи (Энг қадимги даврлардан эраизнинг V асригача). Тошкент, “Ўқитувчи”, 1995
7. Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент, Университет, 2007.
8. Ахмедов Б.А. История Балха. –Т., 1982.
9. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольских нашествий. Соч. Т.1. - М., 1963.

10. Беляева Т.В., Хакимов З.А. Древнебактрийские памятники Миршаде. «Из истории античной культуры Узбекистана», Ташкент. 1973.С. 35-51.
11. Вязмитина М.И. Раскопки на городище Айртам // Тр. ТАКЭ. –Т., 1945. –Т. II. -С. 23-34
12. Грек Т.В., Пчелина Е.Г., Ставиский Б.А. Каратепе-буддийский пещерный монастырь в Старом Термезе. -М., 1964
13. Денике Б.П. Экспедиция Музея восточных культур в Среднюю Азию в 1927 г. // Культура Востока. -М. 1928.-Т. 2.
14. Дяконов М.М. У истоков древней культуры Таджикистана. - Сталинабад, 1956.
15. Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. -Душанбе, 1983
16. История народов Узбекистана, Том I. – Тошкент, 1955..
17. Литвинский Б.А., Седов А.Б. Культы и ритуалы кушанской Бактрии. - М., 1974. -С. 29.
18. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. “Akademiya” Тошкент, 2008.
19. Массон М.Е. Находки фрагмента скульптурного карниза I в. н.э. -Т., 1933. -С. 44
20. Массон М.Е. Термезская археологическая комплексная экспедиция (ТАКЭ) // КСИИМК. -1940. -№8. –С. 113
21. Массон М.Е. Городища Старого Термеза и их изучение // Тр. ТАКЭ. 1940-1941. -Т. I. -С. 87.
22. Массон В.М. Проблема древнего города и археологические памятники Северной Бактрии // Древняя Бактрия. -Л., 1974.
23. Массон В.М. Кушанские поселения и кушанская археология // Бактрийские древности..-Л., 1976. -С.3-17
24. Массон В.М. Зартепе - кушанский город в Северной Бактрии // История и культура античного мира. –М.,1977.
25. Пидаев Ш.Р. Поселения кушанского времени Северной Бактрии. – Т.,1978.

26. Пидаев Ш.Р. Сирли Кушонлар салтанати. –Т.1990.
27. Пидаев Ш. Қадимий Термиз. Т.2001.
28. Пидаев Ш.Р. Шайдуллаев Ш.Б., Хуфф Д., Шахнер А. Жондавлаттепа - кадимги Бактрия-Кушонлар шаҳри // Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. -Самарқанд. 1994. -Б. 54-55.
29. Пидаев Ш.Р., Като К. О работах Узбекистано-Японской экспедиции на Каратепа в 1998 году // ОНУ. - IW9 -№9-10. -С. 82-85.
30. Пилипко В.Н. Поселение северо-западной Бактрии. –Ашхабад, 1985.
31. Пугаченкова Г.А. Халчаян. К проблеме художественной культуры Северной Бактрии. -Т., 1966.
32. Пугаченкова Г.А. Скульптура Халчаяна. -М., 1971.
33. Пугаченкова Г.А. В поисках полузабытой цивилизации // Из истории античной культуры Узбекистана. -Т., 1973.
34. Пугаченкова Г.А. Фрагменты эллинистической архитектуры правобережного Тохаристана // Тр. ТАКЭ. Т., 1945. -Т. II. -С. 65-81.
35. Пугаченкова Г.А. Шедевры Средней Азии. -Т., 1986.
36. Пугаченкова Г.А. Искусство Бактрии эпохи кушан. -М., 1979
37. Пугаченкова Г.А. Двадцать лет Узбекистанской искусствоведческой экспедиции // ОНУ. -1980. -№7.
38. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Дальварзинтепе - Кушанский город на юге Узбекистана. -Т., 1978.
39. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. -Т., 1990.
40. Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. Т. 2008. Б.77.
41. Ртвеладзе Э.В. Новые древнебактрийские памятники на юге Узбекистана. Л.,1976
42. Ртвеладзе Э.В. Разведочные изучения бактрийских памятников на юге Узбекисатана // Древняя Бактрия. Предварительные сообщения об археологических работах на юге Узбекистана. -Л., 1974. -С. 64-76

43. Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р. Каталог древних монет Южного Узбекистана.-Т., 1981.
44. Ртвеладзе. Э.В. Стена Дарбанда Бактрийского // ОНУ. -1986. -№12. - С.34-39.
45. Ртвеладзе. Э.В. Газаба-Гозбон // ИМКУ -№30. -Самарканд, 1999. -С. 106.
46. Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. -Т., 1999
47. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент.: Адолат 2001.
48. Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. Ташкент, «Фан», 1987.
49. Сагдуллаев А.С. Средней Азия и Индия. Формирование и развитие ранних путей историко-культурных связей // Индия и Центральная Азия (доисламский период). – Ташкент, 2000. с.119
50. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент. 2002.
51. Сагдуллаев А.С., Эшов Б.Ж. Бактрия ва Сўғдиёнанинг ҳудудий чегаралари ҳақида // Бактрия-Тоҳаристон қадимда ва ўрта асрларда. Самарқанд. 1993. Б.24.
52. Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрия: Проблемы истории и культуры. - М., 1977.
53. Тургунов Б.А. Приемы фортификации античного Чаганиана // СА. - 1968. -№1.
54. Тургунов Б.А. К изучению Айртама // Курсатилган асар. -Б. 52-78.
55. Умняков И.И. Архитектурные памятники Средней Азии. Исследования, ремонт, реставрация, 1920-1928.I , 1929.
56. Чориев З.У, Ш.Шайдуллаев Ш, Аннаев Т. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. Т., 2005
57. Шишкин В.А. К исторический топографии Старого Термеза // Тр. ТАКЭ. 1940. -Т. I. -С. 123-153.

58. Ширинов Т. Қадимги Бақтрия подшолиги. “Катта Хоразм” (эрамизгача бўлган VII-VI асрлар)// Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Т.2001. 8-14 б.
59. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошйарув тарихи.- Т. 2012.
60. Яхшиев А. Шимолий Бақтриянинг тарихи ва маданияти. Т.ф.н. дисс. Т., 2002.

IV. Ҳорижий адабиётлар

1. Lamberg-Korlovsky. The Bronze Age khanates of Central Asia. Antiquity 68, 1994.
- 2.

V. Фойдаланилган интернет сайтлари

1. history.ru
2. archeology – from Wikipedia

ИЛОВАЛАР


Кушон империяси



ДАЛВАРЗИНТЕПА ТОПИЛМАЛАРИ



Хукмдор бош тасвири



Бақтрия илоҳалари

Далварзинтепадан топилган тақинчоқлар



ДАЛВАРЗИНТЕПА. ТЕРРАКОТА ҲАЙКАЛЧАЛАР



ЮНОН-БАҚТРИЯ ТАНГАЛАРИ



КУШОНЛАР ДАВРИ ТАНГАЛАРИ





Айритомдан топилган созандалар бўртма тасвири



Деворий суръат

ХОЛЧАЁН



Холчаёндан топилган ҳайкаллар

